

Ж. БАРАҚАЕВ, И. ҲАЙДАРОВ

БУХОРО ТАРИХИ

(ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН
УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИГАЧА)

*Умумий таълим мактаблари тарих
ўқитувчилари учун қўлланма*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1991

*Тарих фанлари доктори,
профессор К. О. Оқилов
таҳрири остида*

КИРИШ

Мамлакатимизда давом этаётган инқилобий қайта қуриш жараёни жумҳуриятимиз тарихининг кўпгина жабҳаларида ҳалигача деярли ўрганилмаган ёки бир томонлама таҳлил қилинган воқеа-ҳодисаларни қайта кўриб чиқиш ва бу соҳада тарихий ҳақиқатни тиклаш талабини қўймоқда.

Кейинги йилларда шаҳарлар тарихини ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Негаки, шаҳарлар энг қадимги даврлардан бошлаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт қайнаган жой бўлиб, ўша ҳудудда яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, машғулоти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Ўзининг асори-атиқалари билан жаҳонга машҳур Бухоро тарихини ўрганиш бу қадимий шаҳар ҳақидаги билимимизни бир қадар бўлса-да кенгайтиришга ёрдам беради. >

Амалиётда узоқ вақт давом этиб келган маъмурий-буйруқбозликдан иборат бошқарув усули таъсирида, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида тарих фани нафақат марказий регионларда, балки жойларда ҳам чуқур инқироз босқичини босиб ўтди. Бу йилларда Бухоро шаҳри тарихи ҳам етарлича таҳлил қилинмасдан, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг туб моҳияти тўлақонли ёритилмаган ҳолда, кўп ҳолларда эса бир томонлама, бир хил дастур ва рақамлар асосида баён қилинган эди.

Ҳозиргача тарих ўқитувчилари учун Бухоро тарихидан ўзбек тилидаги ўқув қўлланмасининг йўқлиги умумий таълим мактабларида ўлкамиз тарихини ўрганиш ва факультатив машғулотлар ишини самарали ташкил этишга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда эди. Муаллифлар Бухоро тарихига оид яратилган илмий, илмий-оммабоп ишларда маълумотлардан фойдаланиб, Бухоро тарихининг инқилобгача бўлган даврига оид мавзуларни янгича баҳолашга интиладилар.

БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАНБАЛАРИГА ҚИСҚАЧА ТАВСИФ

Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири — Бухоронинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги даври кўплаб тарихий манба ва адабиётларда ўз аксини топган.

Бухоронинг энг қадимги даврлардаги тарихини ёритишда археологик кузатиш ва тадқиқотлар, ёзма манбалар биринчи ўринда туради. Археологик кузатиш ва тадқиқотлар ўтказиш орқали Бухоронинг энг қадимги даврлардаги тарихини ўрганишда машҳур археолог олимларимиздан академик Яҳё Гуломовнинг хизматлари катта бўлди. 1969—1970 йилларда Бухоро шаҳрида унинг раҳбарлигида ўтказилган археологик кузатув ишлари шаҳар тарихига оид кўплаб янги-янги маълумотлар берган бўлса, Яҳё Гуломов мактаби ишининг давомчиси, унинг истеъдодли шогирди, Бухоро тарихининг билимдонларидан бири, таниқли археолог, Ўзбекистон ССЖ ФА нинг мухбир аъзоси Абдулаҳад Муҳаммаджонов раҳбарлигида 70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларда олиб борилган археологик кузатув ишлари ва тадқиқотлар Бухоро тарихини ўрганишга оид яна ҳам мукамал маълумотлар бердики, улар Бухоронинг ёши масаласига ҳам айрим аниқликлар киритди.

Бухоро тарихини ўрганишнинг ёзма манбаларидан бири X аср тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи» китобидир. Унинг араб тилида ёзилган биринчи нусхаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Бизгача етиб келгани қисқартирилган — 1128 йилда фарғоналик Абу-Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубавий ҳамда кейинроқ Муҳаммад ибн Зуфарлар томонидан икки марта қисқартирилиб, форсчага ўгирилган нусхаси бўлиб, Бухоронинг энг қадимги даврларидан Наршаҳий яшаган давргача бўлган тарихини ўрганиш юзасидан кенг маълумотлар бера олади.

Бухоро тарихи бўйича кенг маълумотлар берадиган қўлёзма асарлар ичида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхони», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланом», Муҳаммад Вафонинг «Тарихи Раҳимхони», Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур-алмулук» асарлари катта аҳамият касб этади.

Бухорода амир Шоҳмурод (1785—1800) ҳукмронлиги давридаги маъмурий, молиявий бошқарув ва солиқлар тартибини ўрганишда Мирзо Бади-девоннинг «Мажмаи ал-аркам» асари муҳим роль ўйнайди.

Урта Осиё тарихчилигида Бухоронинг янги замон даври тарихига бағишланган асарлари билан XIX аср иккинчи ярмида танилган донишманд, шоир, ёзувчи ва олим Аҳмад Дониш катта ўрин эгаллайди.

Улар орасида «Амир Дониёлдан амир Абдулаҳад замонасигача шавкатли Бухоро амирларининг ҳаёти тасвири» тарихий рисоласи, «Камдан-кам ҳодиса» асари муҳим манба сифатида хизмат қила олади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Аҳмад Донишнинг Урта Осиё халқлари тарихига оид асарларини кенг китобхонлар оммасига етказишда Тожикистонлик олимлар мақтовга сазовор ишлар қилмоқдалар. Бизнинг жумҳуриятимизда эса бу масала ҳозиргача ночор аҳволда.

Тожикистонда «Дониш» нашриёти Аҳмад Донишнинг «Тарихи салтанати Манғития» рисоласини И. В. Нажафова таржимаси асосида рус тилида 1967 йилда чоп этди. Аммо мазкур асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳақида қизиқишнинг йўқлиги ўтмиш тарихимизни, шу жумладан Бухоро тарихини ҳам ўрганишда бир қанча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Бухоро тарихини ўрганишда Мирза Муҳаммад Абдул Азим Сомий Бўстонийнинг «Тарихи салотини манғитийа» (Манғитлар сулоласи тарихи) ва «Тухфан шоҳи» (Шоҳга тухфа) асарлари, Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салими», Муҳаммад Шариф садр Зиё (Шарифжон Маҳдум)нинг «Тарих» ҳамда С. Айнийнинг «Бухоронинг манғит амирлари тарихи» ва бошқа муаллифлар асарлари ҳам кенг ўрин эгаллайди.

Бухоро тарихига оид асарлар ичида турли йилларда асарларнинг ҳам хизмати каттадир. Масалан, Садриддин Айнийнинг «Бухоро» номли хотиранома асари XIX аср охири — XX аср бошларидаги Бухоронинг ижтимоий

тузилиши ва шаҳар аҳолиси ҳаётини ўрганишдаги муҳим манбалардан биридир.

Бухоро тарихига оид асарлар ичида турли йилларда Бухоро амирлигида турли маъмурий вазифаларда ишлаган Муҳаммад Шарифжон Маҳдум Садр Зиё (1867—1932) нинг хотиранома асарлари ҳам қимматлидир. Унинг хотираномаларида Бухоронинг XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий-ижтимоий ҳаёти кенг тасвирланган.

Бухоронинг инқилобгача бўлган давр археологиясига оид маълумотлар Туркистон археологияси ҳаваскорлари тўғараги аъзолари — И. Т. Пославский, Н. Ф. Ситняковский, Л. А. Зимин ва бошқалар томонидан ёритилган эди.

Қадимий меъморчилик ва архитектура ёдгорликларини миллий асосда ёритишда шарқшунос олимлардан В. В. Бартольд, А. А. Семёнов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. В. Л. Вяткин, А. Д. Калмиков, Б. Н. Кастальский каби ҳаваскор-ўлкашунослар ҳам бу борада анча ишларни амалга оширган ва ўз ишлари ҳақида етарлича маълумотларни қолдирган эдиларки, булар Бухоро тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этар эди.

Юқоридагиларга қарамасдан Бухоронинг илк замонлардаги тарихи ҳамон етарлича ёритилмасдан келинмоқда.

Бухоронинг Россия билан элчилик алоқалари тарихига бағишланган асарлар ҳам шаҳар тарихини ўрганишга ёрдам беради. П. С. Савельевнинг 1836 йилда ёзган *«Бухоро 1835 йилда»*, Н. Залесовнинг 1862 йилда ёзган *«Россиянинг Бухоро билан дипломатик алоқалари (1836 йилдан 1843 йилгача)»* деган асарлари, А. Н. Поповнинг 1853 йилда ёзган *«Буюк Пётр даврида Россиянинг Хива ва Бухоро билан алоқалари»*, В. А. Ульяницкийнинг 1888 йилда ёзган *«XVI—XVII асрларда Россиянинг Урта Осиё ва Ҳиндистон билан алоқалари»* асарлари шулар жумласига киради.

Инқилобгача яратилган асарлар ичида Бухоронинг Россия билан савдо муносабатларига бағишланган асарлар ҳам учрайди. В. В. Григорьевнинг 1855 йилда ёзган *«Россиянинг Урта Осиё билан савдоси очерклари»* ана шундай асардир.

Тарихий ва тарихий-этнографик режа асосида Бухоро тарихини ёритишга бағишланган асарларни 1820

йилдан бошлаб ташқи ишлар вазирлиги вакиллари сифатида Бухорога келган Г. Мейендорф «*Оренбургдан Россияга саёҳат*», табиатшунос Э. Эверсман «*Оренбургдан Бухорога сафар*» номлари остида яратдилар.

1841—1842 йилларда Бухорога инженер К. Ф. Бутенев раҳбарлигидаги рус ваколатхона ҳайъати келиб унинг таркибида машҳур шарқшунос Н. В. Хаников ва табиатшунос А. А. Леманлар ҳам бор эди. Н. В. Хаников 1843 йилдаёқ Бухоронинг тарихи, унинг аҳолиси, ижтимоий тузуми, топографияси масалаларига бағишланган «*Бухоро хонлигининг тасвири*» асарини яратди.

Кейинчалик турли даврларда Бухорога келган рус ваколатхона ҳайъати вакиллари — ҳарбий географ Л. Ф. Костенко томонидан 1870 йилда ёзилган «*1870 йилда рус ваколатхона ҳайъатининг Бухорога саёҳати*», «*1870 йилда Бухоро шаҳри*» асарлари машҳур туркистоншунос Н. А. Маев 1875 йилда ёзган «*Бухоро хонлиги очерклари*», рус шифокори И. Л. Яварскийнинг 1882—1883 йилларда ёзган икки жилдли «*Рус элчисининг Афғонистон ва Бухорога саёҳати*» асари, рус ёзувчиси ва шоири В. В. Крестовскийнинг 1887 йилда ёзган «*Бухоро амири ҳузурида меҳмонда*» каби асарлари ҳам Бухоро тарихини ўрганишда кўмакдош бўла олади.

Бухоро тарихига оид тарихий ва тарихий-этнографик адабиётлар орасида венгриялик машҳур шарқшунос олим Герман Вамберининг «*Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи*» асари алоҳида ўрин эгаллайди. Тўғри, унда айрим ноаниқликлар бўлишига қарамасдан Бухоро шаҳри, унинг ҳунармандчилик ҳўжалиги, савдоси, аҳолиси, мадрасалари ва босқинчиларга қарши шаҳар аҳолисининг олиб борган курашлари ишонарли тарзда тасвирланган.

Бундан ташқари инқилобгача Бухоро тарихига оид маълумотлар рус олимлари томонидан даврий нашрлар «*Вестник Европы*», «*Военный сборник*», «*Русский архив*», «*Русская старина*» саҳифаларида кенг ёритиб берилган.

1884—1885 йилларда Бухорога келган таниқли шарқшунос, тарихчи, археолог Н. И. Веселовский «*Ҳозир Бухорода подшолик қилувчи, Манғитлар сулоласи*» (1878), «*Самарқандда рамазон ва Бухорода қурбон ҳайит байрами*» (1888) асарларини яратиб, Бухоро тарихини ўрганишни бойитди.

Бухоронинг инқилобгача бўлган давр тарихи бўйича Д. Н. Логофетнинг асарлари ҳаммада қизиқиш уйғотиши аниқ. Унинг: *«Ҳуқуқсизлик мамлакати. Бухоро хонлиги ва унинг ҳозирги аҳолиси»* (1909), *«Бухоро хонлиги рус протекторатлиги остида»* (1910) каби асарларида шаҳар ҳукмронларининг истибдоди, аҳолининг маиший турмуши ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилади. Аммо Д. Н. Логофет асари руспарастлик руҳида ёзилганини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухоро тарихини ўрганиш борасида таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольднинг амалга оширган ишлари Бухоронинг инқилобгача бўлган тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шахсан у Бухоро тарихини кенг таҳлил асосида, шаҳар тарихини бошқа ҳудудлар билан боғлаб ўрганиш, айниқса Ўрта асрдаги муаллифларнинг қўлёзма асарлари мазмунини чуқур ўрганиш асосида бойитишни бошлаб берди. Бухоро тарихига оид маълумотлар В. В. Бартольднинг *«Мўғуллар ҳужуми даврида Туркистон»* номли классик асаридан бошлаб кўплаб ижтимоий-сиёсий масалаларга оид асарларида учрайди.

Бухоро қалъаси тасвирига бағишланган асар 1972 йилда М. С. Андреев ва О. Д. Чеховичлар томонидан *«XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро қалъаси»* номи билан яратилди.

Бухоро этнографияси, топографияси ва хўжалиги тарихига оид асарлар яратишда рус олимаси О. А. Суҳареванинг хизматлари катта бўлди. Унинг Бухоро хонлигидаги шаҳарлар тарихига доир *«XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоронинг тарихий топографиясидан очерклар ва Бухоро хонлиги аҳолиси очерклари»* (1958 й); *«XIX аср охири XX аср бошларида сўнгги феодал шаҳри Бухоро. Ҳунармандчилик саноати»* (1962); *«XIX ва XX аср бошларида Бухоро. Сўнгги феодал шаҳри ва унинг аҳолиси»* (1966 йил) асарлари маълум бўлиб, бу учта йирик асарда Бухоро тарихига оид кўплаб маълумотлар келтирилади. О. А. Суҳарева асарларида ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил қилишни талаб қиладиган ўринлар бўлишига қарамасдан, шаҳарда хўжалик ҳаёти, аҳолининг ижтимоий таркиби, жойлашуви, машғулоти, айрим урф-одат ва маросимлари ҳамда шаҳарнинг тарихий топографиясига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Бухоронинг инқилобгача бўлган тарихига оид илмий-тадқиқот ишлари жумҳуриятимиз тарихчи олимлари томонидан ҳозиргача етарли даражада яратилгани йўқ. Аммо Бухоро тарихининг энг қадимги давларидан бошлаб токи 70-йилларнинг бошларигача бўлган тарихини яратиш иши Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси Тарих илмгоҳи олимлари томонидан таниқли олим, академик И. М. Мўминов таҳрири остида 1976 йилда яратилди.

Кейинги йилларда эса Бухоронинг энг қадимги давлардан бошлаб ҳозиргача бўлган даври тарихини ўрганиш борасида маҳаллий тарихчилар томонидан уринишлар бўлмоқда. Ана шундай хайрли ишлар натижасида 1990 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси олийгоҳи доценти, тарих фанлари номзоди В. Г. Сааков томонидан «*Бухоро. Тарихи ва ҳозирги замон*» номи билан рисола яратилди. Бу рисола Бухоронинг энг қадимги давларидан ҳозиргача бўлган тарихини қисқача қамраб олган бўлса-да, унда Бухоро тарихи билан биргаликда табiiй шароити, машхур архитектура ёдгорликлари, тарихий-инқилобий жойлари ва шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар келтирилган.

Ҳозиргача Бухоро тарихига оид кенг режа асосида ўзбек тилида тарих ўқитувчилари учун бирорта ҳам ўқув қўлланмаси яратилмаганлиги бизни мазкур ишни тайёрлашга ундади.

БУХОРОНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Бухоро ер юзидаги қадимий шаҳарлардан биридир. Бухоронинг бунёд этилиши ҳақида мавжуд бўлган кўплаб афсоналар ҳам унинг қадимий шаҳар эканлигидан далолат беради. Унинг тарихини яратишга уринган дастлабки тарихчилар томонидан тилга олинган афсоналар ичида Бухоро қалъасининг Сиёвуш томонидан бунёд этилганлиги тўғрисидаги афсона кишининг диққатини ўзига тортади. Унда қайд қилинишича, Сиёвуш афсонавий Эрон ҳукмдорларидан Кайковуснинг ўғли бўлиб, у ўз оиласида чиқиша олмасдан, Туронга (Ўрта Осиёга) келган. Бу ернинг ҳукмдори Афросиёб уни ўзига куёв қилиб, вилоятлар тақдим этган. Сиёвуш Бухоро қалъасини шу тариқа бунёд этган. Афсонада яна бир

наrsa тилга олинадики, кейинчалик Сиёвушнинг Афросиёбга қарши ҳаракатда бўлганидан шубҳа қилиниб, у Афросиёб томонидан ўлдирилади.

Қадимги дostonларда ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида кўрсатилишича, эронлилар Сиёвушнинг қасдини олиш учун Турон (Ўрта Осиё)лилар билан узоқ вақт урушлар олиб борганлар.

Бухоро тарихчиси Наршаҳий Сиёвуш кўҳандиз (қалъа)нинг ичида, шарқ томондаги дарвозалар ёнида кўмилган, деган афсонани ҳам келтиради. Бухоро оташ-парастлари бу жойни Муқаддас деб билиб сиғинганлар. Янги йил (Наврўз) кунida ҳар бир эркак киши шу жойга бориб, хўроз сўйганки, бу ҳам Сиёвуш тўғрисидаги афсонанинг тўғрилигидан далолатдир. Ҳатто Бухорода Сиёвушнинг афсонавий қиёфасини юқори кўтариб, уни «Сиёвуш вали» деб атаганлар. Шу тариқа Бухорода Сиёвушга эътиқод кучли бўлган. Бухороликлар Сиёвушнинг ўлиmidан қайғуга тўшиб, унга атаб қўшиқлар ҳам яратганлар, бу қўшиқ «Муғлар йиғиси» деб аталган.

Наршаҳийнинг кўрсатмаларига қараганда, бу қалъа узоқ вақт давомида ҳароба бўлиб ётган: милодимизнинг VII асридагина, араблар бостириб келишидан сал аввал, у қайтадан тикланган. Бухорхудот Бедун бу ерда деворларни қайтадан кўтарган ва катта қаср (коҳ) қурган. Бедун қасрни қурган кишининг номини темир тахтачага ўйиб ёзишни буюрган ва уни қаср дарвозасига михлатиб қўйган. Худди шу афсонага кўра, кўп ўтмай қаср қулаган, кейин қайта қуришга қанча уринсалар ҳам, уни асло тиклаб бўлмаган. Шундан сўнг Бедун уламо ва усталарни тўплаб, уларнинг маслаҳати билан Ёттиоғайни юлдузлари шаклида 7 та тош устун устига янгидан қаср қурдирган эмиш. Бу гал қаср мустаҳкам қурилганлиги учун узоқ турган эмиш.

Маълумотларга кўра кўҳандиз (қалъа)нинг иккита дарвозаси бўлган. Шарқ томонидагиси Гўриён, Ғарб томонидагиси Регистон деб — ҳар бири ўз қаршисидаги майдоннинг номи билан аталган.

Бухоронинг режасига кўра, арkning майдони 34 675 кв. метрга тўғри келади, бизнинг вақтимизгача ҳам шу ҳолича етиб келган. Айланаси эса 780 метр бўлган.

Мазкур қалъа Бухоро амирларининг истиқомат жойи (саройи), амалдорлар ва лашкарбошиларнинг уйлари, девон, зарбхона, зиндон, хазина, омборлар ва устахоналар жойлашган жой бўлган.

Наршаҳийнинг ёзишича, Бухоро кўхандизида қадим замонларда, яъни исломгача, шоҳ девони ва хазина бўлган. Кўхандизда ҳокимдан ташқари, яна унинг қариндошлари, улар билан бирга унинг сарой аҳлини ташкил қилган кишилар ҳам яшаган. Кухандиз ҳовлисида шоҳ қўриқчилари — ҳокимнинг ҳарбий хизматкорлари жойлашган.

Исломдан бурунги даврда Бухоро арки ичида санамлар қасри — бутхона бўлган. Бу ерда бутхона деганда бутпарастлик ёки оташпарастлик динига хос бўлган қасрни тушуниш керакми-йўқми буни айтиш қийин. Бухоро аркида бутхонадан ташқари яна шундай бир жой ҳам бўлганки, у ерда кўхандизни қурувчи афсонавий Сиёвуш билан боғлиқ бўлган маҳаллий диний маросим ўтказилган. Демак кўхандизлар, маҳаллий ҳокимларнинг истеҳком ичида жойлашган қароргоҳларидир.

Археологик қазув ишлари шундан далолат берадики, Бухоро шаҳри майдонида бизнинг милодимизгача бўлган даврда ҳам аҳоли яшаган. Милодимизнинг VI асрида шаҳар суғдча Нумижкат номи билан атала бошлаган. VII—VIII асрларга келиб эса — Пухо, Бухо, Бугэ номлари билан атала бошлаган. VI аср ўрталарида турк қабилаларининг бошлиқларидан бири Шири-Кившар Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида Пойкент шаҳрини асосий шаҳар қилиб белгилаб, Бухорода ўзининг қароргоҳини ташкил қилган.

VII асрда Бухоро ҳукмдорлари шаҳарда катта қурилиш ишларини давом эттирганлар. Феодал шаҳарнинг маркази сифатида катта аҳамият касб этадиган қалъа (Арк) нинг айрим жойлари қайта тикланган. Тупроқдан тикланган ва бутун шаҳарни ўраб олган деворлар янада мустаҳкамланган.

VII асрнинг 60-йилларидан VIII асрнинг биринчи чорағи орасидаги даврда Бухорода ва унга туташган ерларнинг бир қисмида (ҳозирги Свердлов, Ромитан, Қорақўл ноҳиялари майдонида) бухорхудотлар ҳукмронлик қилганлар. Бухорхудотлар ҳам шаҳарнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожига эътиборни пасайтирмаганлар.

* * *

Ҳозиргача кўпчиликни қадимий Бухоронинг неча ёшда эканлиги қизиқтириб келмоқда. Негаки, 1970 йилнинг кузида Ўрта Осиёдаги энг қўҳна шаҳарлардан бири Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи нишонлангандан сўнг

бухоролик маҳаллий аҳолининг ўз тарихига, унинг ёшига қизиқиши яна ҳам ортди.

1969—1970 йилларда Бухоро шаҳрида академик Яҳё Фуломов раҳбарлигида археологик қазилш ишлари олиб борилаётганида, ҳали тадқиқотлар ниҳоясига етмасдан Бухоро жамоатчилиги, айниқса зиёлилари ўртасида «Бухоронинг ёши 3000 йилдан кам эмас», деган фикр кенг тарқала бошлади. Айрим зиёлилар Бухоронинг иншоотлари қурилиши билан Самарқанд меъморчилик ёдгорликларини таққослаб кўриб, гўёки Бухоро меъморчилик ёдгорликлари орасида қадимийроғи кўпроқ деган фикрларни илгари сура бошладилар. Ваҳоланки, қадимий меъморчилик ёдгорликлари тўғрисидаги ҳар қандай фикр илмий асосланиши керак эди. Аммо бу вақтга келиб ҳали археологик қазилмаларда бу рақамни тасдиқловчи топилмалар учрамаётган эди.

Бухоронинг ёши 3000 йилга тенг деган маълумот нимага, яъни қайси манбага асосланиб, илгари сурилган. Бу масалада ёзма манбаларда маълумотлар учраб эдими?

Бухоро жамоатчилиги ва зиёлилари мана шундай фикрларни илгари сураётганларида Х асрда яшаган вобкентлик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи» китобида икки бор тилга олинган ана шу рақамга таянадилар.

Маълумки, Наршаҳий Арkning қурилишини қадимги Эроннинг афсонавий шаҳодаси Сиёвуш номи билан боғлайди: унинг тасвирлашича, Сиёвуш ибн Қайковус отасидан қочиб, Жайхун дарёсидан кечиб ўтади ва Афросиёб ҳузурига келади. Афросиёб уни яхши қабул этади ва ўз қизини унга хотинликка бериб, барча мулкни ҳам унга топширади. Кейинроқ кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гаплар юргизади ва натижада Афросиёб уни ўлдиради. Наршаҳий Сиёвушнинг дафн этилиши ҳақида гапириб, уни «Дарвозаи ғуриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этадилар... деган фикрларни қайд қилади ва бу гапларнинг бўлганига ҳозир уч минг йилдан ошиқроқ вақт ўтди, деб ҳам таъкидлайди.

Агар биз Наршаҳий кўрсатмалари асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, Бухоро арки 4000 йилдан ошиқроқ вақт илгари қурилган бўлиб, Бухоро ёши ҳам шунга тенг бўлиб чиқади.

Бухоронинг ёши ҳақида фикр юритилар экан, эътиборимизни Наршаҳий томонидан бу масалада илгари сурилган яна бир муҳим маълумотга қаратайлик. Наршаҳий Бухоро шаҳар сифатида шаклланмаган, аммо қишлоқлар пайдо бўлган даврни тасвирлаб, қуйидагича баён қилади:

«Халқ кўпайгач, бир кишини сайлаб, амир қиладилар, унинг номи Абрўй эди».

Бизга тарихдан маълумки, Абрўй Афросиёб ёки Сиёвуш каби афсонавий эмас, тарихий шахс. Абрўй VI асрнинг 80-йиллари бошида йирик мулкдорларга қарши Пойкенд шаҳрида кўтарилган халқ қўзғолонига бошчилик қилади. Қўзғолон оқибатида пойкендлик мулкдорлар қувиб юборилиб, шаҳар қисқа муддат бўлса-да, Абрўй бошлиқ камбағаллар қўлига ўтади. Турк ҳоқони Қора Чўрининг ёрдами билан 586 йилда қўзғолон бостирилиб Абрўй ўлдирилади.

Агар Наршаҳийнинг ушбу маълумотини асос қилиб оладиган бўлсак, Бухоро ёши 4000 эмас, балки 1400 йил бўлиб чиқади.

«Наршаҳийнинг маълумотларидан қай бирига ишониш керак?»— деган ҳақли савол туғилади. Бу билан Наршаҳий келтирган маълумотларни шубҳа остига олиб, унинг қимматини камситиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Аммо Бухоронинг қадимги тарихига оид маълумотларнинг аксарияти афсоналар асосида ёзилгани учун уларга тўла асосланиб бўлмайди.

Шу сабабли Наршаҳийнинг маълумотларини археологик топилмалар асосида таҳлил этиш зарурати туғилган эди. Шунинг учун ҳам Бухорода 70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларда Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси мухбир аъзоси, таниқли археолог олим Абдулаҳад Муҳаммаджонов раҳбарлигида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Улар кўпчилик маълумотлар қаторида Бухоронинг ёши тўғрисида бундан қарийб минг йил аввал айтилган фикрларнинг тўғри эканлигини тасдиқлаш мумкинми ёки йўқлиги масаласига ҳам эътиборни қаратдилар.

Бухородаги олиб борилган археологик қазиш ишларидан олинган ашёвий далилларга кўра, ҳозирги эски шаҳар атрофидан кенглиги 100—120 метр бўлган дарё оқиб ўтган. Бу дарё ўзани ҳозирги вақтда Улуғбек, Абдулазизхон ҳамда Мир Араб мадрасалари, Минораи Калон, Масжиди Калон ва тоқи Зарғарон каби меъмор-

чилик обидалари бўй чўзган замин бўйлаб ўтган. Бу ўзандан қачонлардир ҳайқириб оққан дарёнинг қум ва лойқаларидан вужудга келган қалин ётқизиқлар ва улар устида тўқай ва дарахтлар чириндисидан ҳосил бўлган торф қатламлари шаҳар заминининг пойдевори-га айланган.¹

Наршаҳий келтирган маълумотлардан яна шу на-са маълум бўладики, табиати ниҳоятда бой бўлган бу хушманзара ўлка қадим замонларда даставвал овчилик билан машғул бўлган аҳоли диққатини ўзига тортган эди.

Наршаҳий бу ҳудудга одамлар Туркистон томонидан ҳам келганлигини, бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганлигини, кишилар бу вилоятга келиб жойлашганликларини, улар дастлаб чо-дир ва ўтовларда яшаганликларини, сўнг вақт ўтиши билан иморатлар қурганликларини ҳам тасвирлайди.

Наршаҳийнинг бу маълумотлари ҳам олиб борил-ган археологик тадқиқотларда маълум даражада тасдиқ-ланди. Топилмаларга қараганда фақат овчилик ва ба-лиқчилик билан кун кечирган Бухоронинг энг қадимги аҳолиси Бухоро шаҳри ҳудудида эмас, балки милoddан аввалги 5—3 мингинчи йилларда ҳозирги Қорақўл но-ҳиясидан 30—40 километр жануби-ғарбда жойлашган Катта ва Кичик Тузкон деб юритилган жойларда яша-ганлар. Улар истиқомат қилган 60 дан ортиқ чайла ўринлари академик Яҳё Ғуломов ва археолог Ўткир Исмолов томонидан топиб текширилган эди. Бу маъ-лумотлар шундан далолат берадики, Бухоро вилоятида чайлалардан иборат дастлабки турар жойлар бундан 7—5 минг йил муқаддам қад кўтара бошлаган экан.

Наршаҳий ҳам бу ҳақда фикр юритиб, ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмасдан пайдо бўлган баъзи қиш-лоқлар номини ҳам келтиради. Булар, Нур, Харқовруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исвоналардир, деб кўр-сатади.

Бухоронинг қадимий обидаларидан бири 1950—1952 йилларда Яҳё Ғуломов томонидан Замонбобо кўли со-ҳилида топилиб текширилган эди. Шундай обидалар 1961 йилда Зарафшоннинг қадимги ўзанларидан бири Бужайли соҳилидан ҳам топилди.

¹ Муҳаммаджонов А. Бухоро ёши нечада? «Фан ва турмуш» журнали 1990 йил, 1-сон, 8—9-бет.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги, таниқли археолог Аҳмадали Асқаров томонидан эса, Бухоро вилоятида пайдо бўлган энг қадимги қишлоқлардан бирининг харобалари топиб текширилди. Бу маълумотларга асосланиб Зарафшон водийсининг қуйи қисмидаги энг қадимги қишлоқлар бундан 3 ярим минг йил муқаддам қурила бошлаган дейиш мумкин. Қишлоқлар дарё ўзанида якка тартибда бино қилинган бўлиб, деҳқончилик билан машғул бўлган.

1973—1974 йилларда воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар Бухоро тарихига бирмунча ойдинликлар киритди. Қазилш ишлари натижасида Қалқонота, Конимех ва Варахша атрофида улкан хом ғиштлардан бино қилинган кўп хонали монументал қишлоқлар харобаси топиб текширилди. Бу ёдгорликлар милoddан аввалги V асрга мансуб эканлиги аниқланди. Бу тадқиқолар Бухоро воҳасида суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқлар милoddан аввалги V асрда Конимех ва Вобкент дарёларининг ўзанида қад кўтарганлигини келтиради.

Наршаҳий Бухоро воҳасининг обод этилиши ҳақида сўз юритган вақтида, айрим қишлоқларни, жумладан, Варахша, Ромитон, Ромуш ва Пойкендни «Бухородан қадимийроқдир» деб таърифлайди. Унинг ёзишича, Варахша ва Пойкенд подшоҳлар қароргоҳи бўлган. Наршаҳийнинг таърифича, подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд — Пойканд эди. Шаҳар «Қалъайи Дабусий» — «Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар, — дейди. Шунингдек, у «Баъзи китобларда Ромитонни Бухоро деб атаганлар», — деган маълумотни ҳам кўрсатди.

Наршаҳий маълумотлари таҳлил қилинар экан. Қўрғони Ромитон қадимда Бухоро деб юритилганлиги ҳақидаги маълумот тўғри ёки нотўғри эканлигини илмий асослаш мақсадида А. Муҳаммаджонов раҳбарлигида Бухоро атрофида қадимги Пойкенд харобаларида бир қанча археологик қазилш ишлари ўтказилди.

Натижада Наршаҳий «Бухородан қадимийроқдир» деб кўрсатган Ромуш, Варахша ва Пойкенднинг энг қадимги топилмалари милoddан аввалги IV аср охири ва III асрга мансуб бўлиб, уларнинг ёши 2300 йилга тенг эканлиги аниқланди¹. Қўҳна Ромитоннинг остки

¹ Муҳаммаджонов А. Бухоро ёши нечада? «Фан ва турмуш» журнали 1990 йил, 1-сон, 9-бет.

қатламларидаги харобалар ҳатто милоннинг III—IV асрларига тегишли эканлиги маълум бўлди.

Қўриниб турибдики, Наршаҳийнинг Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқлар ёши ҳақидаги маълумотлари археологик қазилар ишлари жараёнида, ашёвий далилларда ўз тасдиғини топмади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу икки хил манба маълумотлари шаҳарнинг пайдо бўлиш жараёнининг манзарасини тиклашда бирмунча аниқлик киритишга ёрдам берди, Бухоронинг аниқ ёши археологик тадқиқотлар орқали аниқланди.

«Бухоро» номининг келиб чиқиши ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Ўрта асрларда Ўрта ва Яқин Шарқда илму-маърифат ва маданият тараққиётига улкан хисса қўшган бу қадимий шаҳарга «Бухоро» номи ҳам бу ўлканинг табиатидан келиб чиққан ҳолда қўйилган. «Бухоро номи суғдийча икки сўздан «Буғ ёки бағ» ва «аро» бирикмасидан иборат бўлиб, «буғ» — тангри, худо, «оро» эса безак, сайқал маъноларини англатган. Агар бу икки сўз асосида «Бухоро» атамаси бериладиган бўлса, «Худо сайқал берган ўлка», «Тангри нигоҳи тушган жой» ёки «Тангри жамоли» деган мазмунни англатади¹.

Ҳақиқатда ҳам «Бухоро» сўзининг этимологияси бу вилоятнинг қадим табиатига ҳамоҳанг бўлиб, буни ёзма манбалар ҳам, археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди.

АРАБЛАР ИСТИЛОСИ

VII асрнинг иккинчи ярмида араблар Ўрта Осиёга бостириб кирди.

674 йилда халифа Муовия томонидан юборилган Убайдулла ибн Зиёд араблардан биринчи бўлиб Ўрта Осиёга бостириб кирди, Пойкандни қамал қилди ва мағлуб этди. Бухоро маликасининг номи манбаларда сақланмаган ва у тарихга «Туғшоданинг онаси» сифатида кирган. Туғшода — араб истилоси давридаги Бухоро ҳокими.)

Туғшоданинг 16 йил Бухорода ҳокимлик қилган онаси Бухорони қандай идора қилганлигини Наршаҳий қуйидагича тасвирлайди: «Малика ҳар кун от устида

¹ Мухаммаджонов А. Бухоро ёши нечада?, «Фан ва турмуш» журнали, 1990 йил, 1-сон, 8-бет.

Бухоро кўҳандизидан ташқарига чиқиб, Регистон дар-возаси ёнида тўхтар ва тахтга ўтирар эди. Унинг ёни-га ғуломлар ва сарой аҳли, яъни хизматкорлар ва асл-зодалар тўпланар эди. Малика шундай бир тартиб жорий қилган эдики, бу тартибга мувофиқ унинг дар-гоҳига қишлоқ аҳолисидан 200 га яқин ўспирин деҳ-қон ва шаҳзодалар келиши, уларнинг белларига олтин камар боғланган ва қиличлари елкалари орқали осил-ган бўлиши керак эди. Малика улар олдига чиқар, уларнинг ҳаммаси маликага мулозимат қилиб, икки қатор бўлиб саф тартиб турар эди. Малика подшолик-нинг ишлари ҳақида улар билан маслаҳатлашар, буй-руқлар берар ва маъқул тушган кишига хайру-эҳсон-лар бериб, номаъқулини жазолар эди. Малика бу ер-да шу йўсинда эрталабдан то нонушта пайтигача ўти-рар, сўнгра қалъага қайтар ва у ердан ўз яқин киши-ларига ноз-неъмат ҳамда таомлар юборар эди. Кечга яқин Малика яна шу тариқа қалъадан чиқар ва тахт-га ўтирар эди.

Бу таърифдан кўриниб турибдики, Туғшоданинг она-си ҳокимлиги даврида Бухорода ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бир қадар пасайган. Ана шундай вазиятда Бухороликлар арабларга қарши курашга чиққанлар.

Манбаларнинг кўрсатишича, араб истилочилари ўлжага ўч бўлганлар ва Ўрта Осиёга ҳамда халифа-ликнинг бошқа чекка ўлкаларига бойлик орттириш манбалари сифатида қараганлар.

Убайдулла ибн Зиёд Бухоро ва Пойканддан қурол-яроғ, кийим-кечак, олтин, кумуш ва жуда кўп асир-лардан иборат катта ўлжа олиб кетганлиги ҳам юқо-ридаги фикрнинг далилидир. Ҳозиргача яратилган кўпгина тарихий адабиётларда Бухорога араблар ис-тилосининг биринчи босқичи ҳақида жуда кам маълум-отлар келтирилади. Ҳатто айрим муаллифларимиз араблар босқинининг биринчи босқичига эътибор ҳам бермайдилар. Ваҳоланки, Бухоро тарихини тўла-роқ ёритишда бу масалани четлаб ўтиш хато бўлган бўлур эди.

Саид ибн Усмоннинг 676 йилда Бухорога ва Суғд-нинг бошқа шаҳарларига қилган юриши Ўрта Осиёни босиб олишнинг биринчи босқичи учун жуда ҳам ха-рактерлидир.

Маълумотларга кўра, Бухорода юқорида эслатиб ўтилган малика — Туғшоданинг онаси ҳокимлик қилар

эди. Араблар бостириб киргач у дастлаб сулҳ сўради, лекин Суғд, Кеш ва Насаф ҳокимларининг қўшинлари унга ёрдамга келгандан сўнг араблар билан урушишга қарор қилди. Наршаҳий маълумотларига қараганда, араб қўшинлари суғдлиларга шу қадар даҳшатли бўлиб кўринганки, натижада улар Бухорони ўз тақдирига ташлаб, жанг майдонидан чиқиб кетганлар. Малика катта бож тўлаб ва 70 кишини гаровга бериб сулҳ тузишга мажбур бўлган.

Саид ибн Усмон Бухорони қўлга киритган. У Бухородан Мадинага қўлга киритилган қимматбаҳо ўлжалардан ташқари, 30 минг асирни олиб кетган ва у ерда асирлар оғир қишлоқ хўжалик ишларида ишлатилган.

Тарихчи Билозурийнинг сўзига қараганда, Бухородан гаровга олиб кетилган кишилар қулларга айлантирилганлар ва сунъий суғориш ишларида ишлатилганлар. Эркесвар бухороликлар бундай ҳақоратга чидаб тура олмаганлар. Наршаҳийнинг айтишича; улар Саид ибн Усмоннинг саройига бостириб кириб, уни ўлдиргач, сўнг ўзларини ўзлари ўлдирадилар.

Бухороликлар қурол-яроғни яхши қўллай олувчи, яккама-якка курашда кўпинча ғолиб чикувчи жасур кишилар бўлишларига қарамай, нима сабабдан ўз шаҳарларини арабларга беришга мажбур бўлдилар? Бунинг асосий боиси шу эдики. Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Бухоро ҳокимлигида ҳам ягона ҳокимият йўқ эди.

Маълумки, 704 йилгача, яъни VIII асрнинг бошида Мовароуннаҳрни — Амударёнинг ўнг томонида жойлашган вилоятларни мунтазам суратда батамом қўлга киритишни ўз вазифаси қилиб қўйган Қутайба ибн Муслим Хуросоннинг ноиб қилиб тайинланган вақтгача, араб лашкарбошилари талончилик мақсадида босқинлар қилиш билангина чекланиб келдилар.

Маҳаллий феодал ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро низолар ва сиёсий тарқоқликдан фойдаланиб Қутайба Ўрта Осиёда халифалик мавқеини мустаҳкамлаш учун фойдаланди. 706 йилда у катта ҳарбий куч билан Мовароуннаҳрга юриш бошлади. Амударёдан ўтиб, Пойканд шаҳрига қараб йўл олди. Бу шаҳар Самарқанд билан бир қаторда Мовароуннаҳрнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, ўша даврда гуллаб яшнаётган эди. Араб ва Эрон манбаларида бу шаҳар «Савдогарлар шаҳри», баъзан эса «Мис шаҳри» деб

хам юритилган. Ҳақиқатан ҳам Пойканд девор ва миноралар билан мустаҳкам ўралган бўлиб, савдо билан шуғулланувчи бой бир шаҳар эди. Пойканд савдогарлари карвон савдосида актив қатнашганлар ва Хитойга ҳам, Қаспий денгизига ҳам бориб турганлар.

Пойкандликлар араблар бостириб келаётганини билгач ёрдам сўраб Суғдга ва бошқа жойларга мурожаат қилганлар. Лекин Пойкандга анчагина иттифоқчилар отрядлари келганига қарамай, шаҳар аҳолиси вақтдан ютиш учун араблардан сулҳ сўраганлар. Қутайба сулҳ шартномасига қўл қўйиб, улардан бож олган. Сўнгра Амударёга қараб кетган. У Пойкандга ўзининг қабиладоши бўлган кишини гарнизон бошлиғи қилиб тайинлайди. Қутайба Амударёга етмасданоқ, Пойкандда қўзғолон кўтарилганлиги ва у ерда ноиб этиб қолдирилган Варқа бин Насрулбо ҳоли ва унинг ёнида бўлган мужоҳидлар қириб ташланганлиги тўғрисида хабар олади. Қутайба Пойкандга қайтиб келади ҳамда ҳаммаёқни бузиш ва ғорат қилишга буюрди. Шаҳарни бир ой қамал қилгандан сўнг уни эгаллайди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ беради, ҳатто туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунини тўлаб, омон қилишга ҳам рухсат берадими.

Ўрта Осиёдан бой ўлжа олиб қайтишга одатланиб қолган араблар, катта бўлмаса ҳам, лекин яхши мустаҳкамланган бу шаҳардаги бойликларни кўриб ҳайратда қоладилар. Таборийнинг айтишича, Қутайба қўлга киритилган ўлжага хўжайинлик қилиш ва уни аскарларга бўлиб бериш учун махсус икки кишини тайинлаб қўйган. Бу кишилар назорати остида араблар жуда кўп олтин ва кумуш идишлар, санамлар ва бошқа буюмларни эритганлар. Эритилган металлларнинг оғирлиги бир юз эллик минг (тахминан, албатта) миқдорга етган. Ўлжалар ичида олтин ва кумушдан ташьяроқлар бўлган. Бу вақтда араблар жуда ёмон қуроқари, жуда кўп бошқа буюмлар, айниқса, яхши қуролланган эдилар. Шунинг учун ҳам ўлжа қилиб олинган қуроқларни аскарларга бўлиб берилиши улар учун жуда катта воқеа бўлган. Таборийнинг айтишича, яхши қурол олган араб суворийлари ўз қуроқларининг сифатини ва чиройлилигини бир-бирларига кўрсатиб мақтанишиб юрар эканлар.

Ривоятларга қараганда Пойканд аҳолисининг мағлуб бўлишига Хитой ва бутун жаҳон мамлакатларида кезиб юрувчи маҳаллий савдогарларнинг, яъни аҳолининг бир қисмининг шаҳарда бўлмаганлиги ҳам сабаб бўлган экан. Улар қайтиб келишгач, ўзларининг хотин-қизларини тоvon тўлаб, араблардан қайтиб олганлар.

Бир неча бошқа юришлардан сўнг 709 йилда Қутайба катта қўшин билан бой ва яхши мустаҳкамланган Бухорони босиб олиш учун йўлга чиқади. Унинг бу сафарги юришдан асл мақсади Бухоро учун юришларга хотима бериш эди. Бухороликлар шаҳарларини қаҳрамонона ҳимоя қиладилар. Уч маротаба фатҳ этилган ва уч маротаба қайтадан ислом дини қабул қилдирилган Бухоро ўз дарвозаларини энди тўртинчи дафъа очишга мажбур бўлди. Мовароуннаҳрнинг бирлашган кучларига раҳна солиш учун Қутайба ҳарбий ҳийла ишлатиш йўлига ўтиб олди. У суғдларнинг энг катта ихшиди (подшоси) бўлган ва Бухорода турган Тархун ҳузурига ўз кишисини махфий равишда юборади. Бу киши «ёрдамга келган ҳукмдорлар ва турклар сенинг мамлакатингни эгаллаб олмоқчилар, арабларнинг Марвга қайтиб кетишинигина кутиб турибдилар» деб ихшидни алдайди. Бу хабарни эшитиб қўрқиб кетган Тархун араблар билан сулҳ тузади, уларга ўлпон тўлаб, дарров Самарқандга қайтади. Шундай қилиб, Қутайба иттифоқчиларнинг бирлигини бузиб, Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги унумдор ерларни батамом араб халифалиги қўли остига ўтказиб олади. Қутайба Бухорода ҳокимиятни бухорхудот қўлида қолдиради, аммо шу билан бирга, араблардан «амир» ҳам тайинлаб қўйган. Араб амирлари ҳарбий саркарда бўлиш билан бирга, аҳолига солиқлар солиш, бу солиқларни ўз вақтида ундириб олиш, халифаликка жўнатиш билан ҳам шуғулланар эдилар. Оқибатда араблар томонидан қўйилган амир ҳокими мутлақ (диктаторга) айланиб, худот бутунлай сояда қолиб кетган. Бундан ташқари, худот халифга 20 минг дирҳам, хуросон амирига йилига 10 минг дирҳам хирож тўлайдиган бўлган. Яна Бухорода қолдирилган арабларга, шаҳардаги умумий ҳаммомларнинг соф ҳаражатидан бир улуш бериш тайин қилинган эди. Албатта, булар охир оқибатда ислом мамлакати бўлган Бухоро учун ҳам бошқа ислом мустамлакаларида қўлланилган сиёсий тадбирлар каби оғир эди. Лекин исломни тарқатиш

йўлидаги баъзи бир сирли усулларни мағрур бухориликлар ҳам чуқур ҳис этганлар. Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этган баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудаларига ҳамон ибодат айлаб, яширин жойларда ва ертўлаларда сажда қилардилар. Шу сабабли ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинган. Бухоролик уйига жойлашиб олган араб уй эгаларига ислом шариятидан таълим берган ҳамда уларнинг ислом одобиغا риоя қилишларини кузатиб турган. Маҳаллий аҳоли арабларга ўтин, беда ва озиқ-овқатлар етказиб туришга мажбур этилган. Шунинг билан биргаликда янги динга кирувчилар учун мукофот қилиб пул бериладиган бўлган. Жума куни Қутайба жомеъсига номозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар. Регистонда бино қилинган бу масжидда ҳам қиём, рукуъ, саждалар арконини ибодатга, яъни имомга суяниб бажаришар эди. Ибодат дуолари, Қуръон оятлари арабча, ҳатто форсча ўқишар эди. Эски дин тарафдорлари ўзларига таклиф этилган динга бирмунча давр қарши турганлар. Ўша даврдаги маълумотлар шунини кўрсатадики, Бухоро мусулмонлари ўн йиллар мобайнида масжидга борганларида ёнларида қурол олиб юришган. Ерли халқларга эса, исломни қабул этган бўлсалар-да, қурол тақишга рухсат берилмаган. Икки орада тез-тез келишмовчиликлар бўлиб турган. Хусусан, манбаларда Бухоронинг қариялари кўпроқ қаршилик кўрсатганликлари тасвирланади. Бухоро қариялари масжидга таклиф қилинганларида тош отиб жавоб берганлар. Бу муомала арабларни ғазаблантирган, шу боис улар бу қарияларга ҳужум қилиб, уларнинг уйларини бузиб, мол-мулкларини талон-тарож қилганлар. Уй асбоб-ускуналарини мажбуран масжидларни таъмирлашга беришган. Юқоридаги тартиблар кутилган натижани бермагач, Бухоро шахрини маҳаллий аҳоли қўлидан тортиб олиб, уни араблар ўзаро бошқарганлар. Шаҳарнинг Даратторон билан қалъа дарвозаси оралиғи носирийларга, иккинчи қисми — яманийларга берилган. Бошқаларга қалъанинг ташқарисидан ўрин беришган.

Халифалик томонидан эксплуатация қилинавериш тоқати тоқ бўлган халқ оммаси золимларга қарши неча марта лаб қўзғолон кўтарган. VIII асрнинг ўртасида кенг халқ ҳаракати натижасида уммавийлар динас-

тияси йиқилган. Ҳалифаликда янги сулола аббосийлар ҳокимияти ўрнатилган.

Халқ оммасининг аббосийлар ҳокимиятидан норози-лиги бошқа жойларга қараганда Мовароуннаҳрда кўпроқ намоён бўлди. Уммавийлар билан кураш тугамас-даноқ Бухоро ва унинг атрсида 750 йилда аббосийларга ва Абумуслимга қарши қўзғолон бошланган. Қўзғолонга асли араблардан бўлган Шариқ ибн Шайх ал-Махрий бошчилик қилган. Наршаҳийнинг ёзишича Шариқ шиа бўлган ва фақат шу туфайлигина уммавийларга нисбатан оппозицияда бўлган: у ҳамма шиалар учун характерли бўлган қараш тарафдори бўлиб «пайғамбарнинг куёви» — тўртинчи халифа Алининг авлодларигина халифа бўлиши керак деган. Ана шунинг учун ҳам у Абумуслим бошчилик қилган ҳаракатга хайрихоҳлик билдирмаган ва афтидан, бу ҳаракатдан четда бўлган. Янги сулоланинг халқ оммасига — деҳқон ва ҳунармандларга нисбатан ҳақиқий муносабатининг биринчи нишонлари кўрингач, у «биз аббосийларга бўйсуниб учун уммавийларга қарши курашиб, қон тўкканимиз йўқ» деган шиорни майдонга ташлаган.

Бу шиорни Бухоро аҳолиси хайрихоҳлик билан кутиб олган. Таборийнинг айтишича, Шариқ тарафдорларининг сони 30 минг кишига етган. Наршаҳийнинг ёзишига қараганда, Шариқнинг тарафдорлари ичида ҳатто Бухоро амири Абдулжаббор ибн Шуайб ва Хоразм амири Абдулмалик ибн Хузайл каби нуфузли кишилар ҳам бўлган, лекин бу икки амир қўзғолонда раҳбарлик ролини ўйнамаганлар, шунинг учун ҳам Наршаҳий Шариқ ҳаракати ҳақида давом қилиб фикр юритганида буларни эслаб ўтмайди.

Қўзғолонда Бухоронинг ҳамма суғд ва араб меҳнаткаш аҳолиси қатнашди. Зодагон ер эгалари ҳамда савдогарлардан иборат Бухоро зодагонлари қўзғолонга нисбатан душманлик кайфиятида бўлдилар ва бу ҳаракатдан ўзларини четга тортдилар.

Абумуслим Шариқ қандай жиддий душман эканлигини тушунар, шунинг учун ҳам, уни тезроқ йўқ қилишга шошиларди. У дарҳол Зиёд ибн Солиҳни 10 минг аскар билан Бухорога қўзғолонни бостириш учун юборди ва унга Амударёга етгач, Бухорога айгоқчилар юбориб, у ердаги аҳвол тўғрисида аниқ маълумотлар олишни буюрди. Абумуслимнинг ўзи эса бошқа қўшин билан Зиёдни кетидан борди ва унга агар

ёрдам зарур бўлиб қолса, пистирмадаги қўшин сифатида Амударё бўйида туришини айтди.

Зиёд ибн Солиҳ Амударёдан ўтди ва Бухоро ёнига келиб, ўзининг катта қўшинини деярли шаҳар дарвозалари ёнига жойлаштирди¹.

Шариқ, афтидан, Абумуслимнинг мақсадлари ва ҳукумат қўшинининг кучи тўғрисида яхши хабардор бўлган, шунинг учун ҳам у курашга яхши тайёблана олган. Шариқ Бухоро аҳолисининг бутунлай хайрихоҳлик билдиришига суяниб, ўз қўшинлари билан шаҳардан чиқиб. Бухоро дарвозалари ёнида жойлашган. 37 кун давомида Шариқ ва Зиёд ибн Солиҳ аскарлари ўртасида жанг бўлган ва қўзғолон кўтарган бухороликлар ҳар сафар ғалаба қозонганлар. Зиёд лашкарбошиларидан бири фақат ҳийлакорлик ишлатиш йўли билангина қўзғолончиларга қарши катта зарар етказган: бироқ бу ҳам қўзғолончиларнинг жанговарлик руҳини тушира олмаган. Бухорхудо Қутайба Абумуслим томонига ўтиши билан аббосийлар қўшини фойдасига кескин бурилиш бўлди. У 10 минг кишилик қўшин билан келган, бу қўшин, асосан, деҳқонлар ва уларнинг ҳарбий хизматкорлари — чақирлардан иборат бўлган. Шариқнинг қўшини эса асосан Бухоро меҳнаткаш аҳолисидан иборат бўлган. Бухорхудо қўшинининг Шариқ қўшинидан фарқи ана шунда эди. Бухорхудо қўшинининг қора байроқ тутиши, унинг аббосийларга тарафдор эканлигининг рамзи эди.

Бу ерда бир характерли маълумотни кўрсатиб ўтиш зарур: бухорхудо Қутайба Бухоро дарвозалари ёнига келиб, аввало, шаҳристоннинг шимолий-ғарбида жойлашган қасрларда (кешикларда) яшовчи аҳолига ёрдам сўраб мурожаат қилган. Бу қасрларда катта савдогарлар — қошқушонлар яшар эди, улар кўп вақт да-

¹ Шариқ ҳаракати тўғрисида муфассал маълумот берувчи Наршаҳийнинг асарини синчиклаб текширсак, ўша замондаги Бухоронинг чегараси шаҳристон чегарасидан чиқиб кетганлигини биламиз. Шаҳристон дарвозаларидан ташқари, афтидан, робот дарвозалари ҳам бўлган. Наршаҳий Мох дарвозаси тўғрисида ҳам гапирди, бу нарса VIII асрнинг ўрталаридаёқ роботнинг биринчи девори бўлганлигидан дарак беради. Роботнинг биринчи девори тўғрисида Истахрий ва Мақдисийлар ёзганлар. Афсуски, фан ҳалигача ўша замонлардаги Бухоро жойлашган майдоннинг катталигини аниқламаган. Бу майдон, сомонийлар давридаги шаҳар майдонидан анча кичик бўлган бўлса ҳам, лекин шаҳристондан катта эди. Шаҳристон ўша даврда В. А. Шиякин маълумоти бўйича, 30—35 гектарга тенг эди.

вомида зороастризмга сиғиниш одатини сақлаб қолган эдилар. Булар Бухоро жамиятининг ўша вақтга нисбатан жуда катта ва нуфузли бир гуруҳи эдилар ва доимо арабларга, ҳатто шиаларга қарши эдилар. Бухорхудот уларга қора байроқ кўтариб, ўзига ҳамда Зиёдга қўшилишни таклиф қилган ва улар бунга рози бўлганлар, чунки Шариқ ҳаракатининг вазифалари уларга бутунлай ёт эди.

Наршаҳий Шариқ қўшинининг кўп сонли душманга қарши олиб борган курашини муфассал тасвирлаган бўлса ҳам, бироқ қўзғолончиларнинг қўшини босиб ўтган йўлни аниқ кўрсатмайди. Чамаси, Шариқнинг Бухоро дарвозаларидан анча чекинган пайтлари ҳам бўлган. Тез орада Шариқ озиқ-овқатдан қийналиб, Бухоро йўлидаги Новуканд қишлоғига қайтади. Бу ерда очликдан қийналган аскарларнинг бир қисми қовун ва узумга ташланадилар ва натижада Шариқ қўшини орасида оғир ич касалликлари бошланади.

Шундан сўнг бошланиб кетган қаттиқ жангда Шариқнинг кўпгина тарафдорлари, жумладан, унинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Йўлбошчининг ўлими ва қўшиннинг мағлубияти жанг тақдирини ҳал қилади. Қўзғолон кўтарган Бухоро қўшинсиз ва раҳбарсиз қолади. Зиёд ибн Солиҳ ғалаба қозонади. У жануб томондан шаҳарнинг Мох дарвозасига келиб, Бухоронинг катта ариғи ёнида тўхтайтиди ва шу ердан туриб, ўз қўшинларига шаҳарга ўт қўйишга буйруқ беради. Ўша даврда Бухорода иморатларнинг кўпи синчли бўлганлиги, сарой ва кешикларга ҳам кўпгина ёғоч ишлатилганлиги сабабли ёнғин тезда шаҳристонга ёйилади ва шаҳарнинг кўп қисми уч кун ичида ёниб бўлади. Бухороликларнинг душманга бўлган нафрати шунчалик кучли эдики, улар голибларга бош эгиб таслим бўлишни хоҳламадилар ва ҳатто ёнғин ҳам уларни шаҳардан чиқара олмайди. Зиёд яна қурол ишлатади; охири жанг Аттaron дарвозаси ёнида, шаҳарнинг жанубий қисмида бўлади. Фақат шу жангдан сўнг Зиёд шаҳарни эгаллайди. Аббосийлар лашкарбошиси тирик қолганлардан шафқатсизлик билан ўч олади, у ҳаракатнинг омон қолиб қўлга тушган ҳар бир иштирокчисини шаҳар дарвозаларига осишга буюради.

Шариқ қўзғолони Самарқандга ҳам бирмунча таъсир қилади. Ҳар ҳолда Зиёд ибн Солиҳ Шариқдан ўч олгандан сўнг, дарҳол Самарқандга қарши юриш қи-

лади ва бу ерда аббосийларнинг душманларини ҳамда Абуमुслимни тор-мор келтиради.

Арабларга қарши халқ оммаси курашлари ичида энг йириги Ибн Ҳошим ибн Ҳаким (Муқанна) бошчилигидаги «Сафиджомагонлар» («оқ кийимлилар») қўзғолони бўлган. Муқанна ёшлигида одамларнинг уйларида кир ювиш билан шуғулланган. Истеъдодли бўлганлиги туфайли, кўп ўқиган ва афтидан, форс, араб ва бошқа тилларни яхши билган. Муқаннанинг ўқимишли бўлганлигидан далолат берувчи бир манбани айтиб ўтиш жоиздирки, типик феодал тарихчиси бўлган ва Муқаннани жуда ёмон кўрган, Муқанна ҳақидаги ҳар қандай бўҳтонга ишонишга тайёр бўлган, ўзи ҳам уни ёмонлаган ва ҳатто унга бўҳтон ёғдирган Наршаҳий Муқаннанинг ўқимишли киши эканлигини ўз ўрнида таъкидлаб ўтган. Унинг таъкидлашича, Муқанна одамларни алдаш усуллари тўғрисидаги фан билан шуғулланган, турли-туман найранглари яхши билган. Низомулмулкнинг ёзишича, Муқанна Мовароуннаҳрда бўлган чоғида машинага ўхшаган бир нарса ясаб унинг ёрдами билан тоғ орқасидан ойни олиб чиққан эмиш.

Маълумотларга қараганда, Муқанна VIII асрнинг 60-йилларига қадар ҳам ҳалифаликка қарши қаратилган курашда актив иштирок қилган ва бунинг учун ҳалифа Мансур уни тутиб, янги қурилган Бағдодга келтиришни ва зиндонга ташлашни буюрган. Наршаҳийнинг ёзишича, Муқанна зиндонда кўп йил ётган, бироқ 769 йилда қочишга муваффақ бўлиб, ўз туғилган ва кўлгина дўстлари бўлган Марв шаҳрига келган ҳамда қўзғолонни тайёрлай бошлаган.

Наршаҳийнинг маълумотларига кўра, Ҳошим ибн Ҳаким чўтир, хунук ва бир кўзи ғилай киши бўлган, шу сабабли у юзига яшил парда тутиб юрган. Шунинг учун ҳам уни Муқанна, яъни «юзига парда тutilган киши» деб атаганлар. У Марвда туриб, бутун Мовароуннаҳрда ўз одамларини юборган, улар Муқаннанинг ғояларини тарғиб қилишга, халқни қўзғолонга даъват этишга киришганлар.

Сафиджомагонлар ҳаракатининг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланишининг боиси, Муқаннанинг ўз таълимотида мавжуд мулкий тенгсизликка қарши турганлиги ва мамлакатда араблар бебошлигини тугатишга қаратилган сиёсати эди. Жуда қисқа вақт ичида Муқанна тарафдорлари ҳаракати бутун Мовароунна-

ҳрга ёйилди. Норшоҳ қўрғони (ҳозирги Вобкент районининг маркази яқинида) қўзғолон марказларидан бири бўлди. Умуман, Бухоро шаҳри атрофи ҳаракатнинг энг йирик марказларидан бири эди. Бу ерда ҳаракатни ислом динидан қайтган бухорхудот Буниёт ибн Туғшоданинг ўзи қўллаб-қувватлаган эди. У араблар ҳокимиятини жуда ёмон кўрган ва Бухоро ерини ҳамда унинг мустақиллигини қайта тиклаш учун қўзғолонда иштирок этган эди.

Муқаннанинг Бухоро шаҳри атрофида жуда тез муваффақият қозониши бухороликларни жуда ташвишга солган. Шаҳарнинг мусулмон доиралари Муқаннага қарши дарҳол қатъий кураш олиб бориш билангина ўзимизни қутқара оламиз деб ўйлаганлар, чунки Бухоронинг ўзидаёқ Муқаннани қўллашга тайёр турган гуруҳлар ҳам бор эди. Булар ичида Муқаннанинг қизғин тарафдори бўлган Ҳаким ибн Аҳмад деган кишини кўрсатиб ўтиш лозим. У Бухоро атрофидаги «сафид жомагонлар»нинг бошлиғи эди. Наршаҳий унинг учта ёрдамчисининг исмини келтиради. Улардан икkitаси — Хашарий ёки Ҳишрий ва Боҳий, афтидан, Бухоро атрофида жойлашган Фузайй кешкидан чиққан бўлиб, Ҳаким ибн Аҳмадда сарханг (яъни кичикроқ қўшин лашкарбошиси) бўлиб хизмат қилганлар. Учинчи сархангнинг номи Гирдак эди. У ғиждувонли бўлган. Исмларига қараганда уларнинг учови ҳам суғдли бўлганлар. Чамаси улар араб исмларидан намойиш-корона воз кечиб, ўзларини суғд исмлари билан атаганлар. Наршаҳий уларнинг, шубҳасиз қобилиятли бўлганликларини инкор қилмайди, лекин ўзи Муқанна ҳаракатининг душмани бўлгани учун уларни айёрлар, деб атайди.

Улар Норшоҳ қўрғонини мустаҳкамлаб, Бухорога ҳужум қиладилар. Лекин «сафиджомагонларнинг бу юриши муваффақиятли чиқмади. Бу вақтда Бухоро амири бўлган Ҳусайн ибн Маоз ҳалифа Махдий томонидан махсус юборилган Жаброил ибн Яҳёни ёрдамга чақирди. Бухоро амири буйруғи билан мусулмонлар 776 йил апрелида катта қўшин билан Норшоҳ деворлари тагига келдилар. Бухоро қозиси Амир ибн Имроннинг таклифи билан Муқанна тарафдорларини хато йўлдан воз кечиб, ислом динига қайтишга ундаш учун ҳаракат қилиб кўрилди. Бироқ сафиджомагонлар қаттиқ турдилар ва шармандаларча таслим бўлиш

тўғрисидаги таклифни эшитгилари ҳам келмади. Яна тўқнашувлар бошланди, тўрт ойча давом этган қаттиқ тўқнашувлардан сўнг Муқанна тарафдорлари енгилдилар ва бу жангда улар фақат ўлганлар ҳисобидан 700 киши йўқотдилар. Бу кун қўзғолончилар учун қўзғолон бошлангандан буён энг қайғули кун бўлди. Улар ғолиблар таклиф қилган шартларга рози бўлиб, сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Тузилган шартномага мувофиқ, қўзғолончилар ўз қишлоқларига тарқаб кетишлари, қонуний амирларга бўйсунишлари, йўлларда мусулмонларни таламасликлари, мусулмонларнинг уйларига ҳужум қилмасликлари ва қайтадан мусулмон бўлишлари керак эди. Ғолиблар эса қўзғолончилардан ўч олмасликка ваъда бердилар. Шартномага Бухоро оқсуяклари имзо чекдилар. Бироқ мусулмон аскарлари Бухорога қайтиб келишга улгурмаслариданоқ Муқанна тарафдорлари яна қўзғолон кўтардилар. Бухоро атрофи яна қўзғолончилар қўлига ўтди. Ҳалифа Махдий курашнинг боришидан ташвишга тушиб, Муқаннага қарши Бухоро ва унинг атрофларида муваффақиятли кураш олиб бориш учун Жаброил ибн Яхёга қўшимча кучлар юборди. Наршахийнинг ёзишича, Жаброил ибн Яхё қўшин билан Бухоронинг шимолий томонига келган ва шаҳарнинг Самарқанд дарвозаси ёнида истеҳком қурган.

Кейинги икки йил ичида ҳам Бухоро ҳукмронлари Муқанна тарафдорларига қарши кураш олиб борганлар. Араблар Муқаннага Бухорода зарба беришнинг бош йўли сифатида уларнинг асосий таянч маркази Норшоҳ қалъасини қўлга олишга ҳаракат қилган. Чунки бу қалъа қўлга олинмас экан, араблар Бухоро шаҳри ва унинг атрофларини эркин бошқара олмас эдилар. Бу ўлкада ўзларининг хўжалик сиёсатини юргизишларига ҳамиша тўсиқ бор эди. Негаки, Муқанна тарафдорлари ҳам дастлабки муваффақиятсизликлардан сўнг бекор ўтирмадилар. Гарчи ҳали ёз энди бошланган ва ғалла ҳали пишмаган бўлишига қарамай қўзғолончилар ғаллани кўклигича ўриб, Норшоҳ қалъасига ташиб келтира бошладилар. Улар бўлажак қаттиқ курашга тайёрлана бошлаган эдилар.

Вазиятнинг мураккаблашиб бораётганлигини кўрган Бухоро амири Норшоҳ қалъасига қатъий ҳужум қилишни буюрган. Жаброил ибн Яхё қишлоқни ўраб турган деворлар атрофида 50 газ чамаси нарироқдан

зовур қазишни буюради ва бу зовурда ўз аскарларини жойлаштиради. Жаброил ибн Яхё қишлоқни бир неча муддат қамал қилади, лекин қамал муваффақиятсиз чиққач, қалъанинг тагини ковламасдан уни олиб бўлмаслигига ишонади.

Араблар ўз қароргоҳларидан Норшоҳ деворига қараб чуқур зовур қазийдилар. Қазиш ишлари тун қоронғулигида олиб борилади. Зовурнинг қазиб бўлинган жойларига устунлар ўрнатилиб, устини қамиш ва тупроқлар билан ёпадилар. Яширинча қазилган бу зовур ҳам 50 газга етгандан сўнг Жаброил ибн Яхё дарвоза яқинидаги асосий миноралардан бирининг тагига кўп ўтин қалашга ва устига нефть сочиб ўт қўйишни буюради. Бироқ ўтин ёнмайди, чунки бу жойнинг усти ёпиқ бўлганлиги учун ҳаво кирмас эди. Шундан кейин тагига зовур қазилган минора қаршисига манжаниқлар, яъни катта тошотар машиналар келтиришга буйруқ берилади. Бу машиналар ишга туширилгандан сўнг миноранинг каттагина жойи ёрилади. Зовур ўпирилиб ҳаво кира бошлайди ва қалаб қўйилган ўтин ёниб кетиб ўт бутун минорага тарқалади. Натижада Норшоҳни ўраб турган деворнинг бир қисми қулаб тушади. Шундан сўнггина Жаброил ибн Яхёнинг аскарлари қалъага кирадилар ва қиличбозлик жанглари бошланиб кетади. Бу гал «сафиджомагонлар» ўзларидан кўп бўлган душман кучининг сиқувига бардош бера олмайдилар ва тор-мор келтириладилар.

Араблар Норшоҳ мудофаасининг истеъдодли бошлиғи бўлган Ҳаким ибн Аҳмадни қўлга туширадилар ва Жаброил ибн Яхё ўз ўғли Аббосга уни яширин равишда ўлдиришни буюради. У шу тариқа ўлдирилади. Жанг қилганлар ичида Ҳаким ибн Аҳмаднинг ёрдамчиларидан бири — Боҳий ҳам ҳалок бўлади. Фақат Гирдак қутулиб қолади. У ўзини таъқиб қилиб келаятган кишилардан яшириниб, қайғули хабарни айтиш ва Муқанна аскарлари сафига қўшилиш учун Муқанна олдига кетади.

Ҳалифа қўшинлари Бухорода ғалаба қилганларидан кейин Суғдага юриш қиладилар. Ниҳоят, араблар 783 йилда Муқанна жойлашган қалъани эгаллайдилар. Қалъанинг барча ҳимоячилари қириб ташланади. Муқанна ўзининг чўрилари ва бирдан-бир қули билан қўрғонда якка-ёлғиз қолгандан сўнг тандирга олов ёқтиради. У чўриларининг ҳаммасини заҳарлаб ўлдира-

ди ва қулининг бошини олади, сўнгра ўзини қизиб турган тандирга уради ва ёниб-куйиб кул бўлади.

«Сафиджомгонлар» ҳаракати Ўрта Осиё, шу жумладан Бухоро халқларининг мардлиги ва эрксеварлигини кўрсатади. Уша даврнинг қудратли давлатларидан бири бўлган Араб ҳалифалигига қарши халқ оммасининг қўзғолонлари гарчанд мағлубиятга учраган бўлса-да, у Бухорода меҳнаткашлар оммасининг синфий онги ўсиб борганлигидан далолат беради.

Бухоронинг бутун юз йиллик тарихи араблар босқинчилиги билан бевосита боғлиқдир. Арабларнинг Ўрта Осиёда, шу жумладан Бухородаги босқинчилиги билан Яқин Шарқдаги босқинчиликлари ўртасида жуда катта фарқ бўлиб, Яқин Шарқни араблар жуда тез ва таққослаб бўлмайдиган даражада келишув йўли билан, шунингдек, иқтисодиётига кучли зарар етказмасдан, фақат айрим жойлардагина қисман маҳаллий аҳолининг кучсиз қаршиликлари асосида босиб олдилар. Ўрта Осиёда эса араблар 70—80 йил давомида босқинчилик қилдилар.

Араблар босқини туфайли Бухоро ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўрди. Ҳарбий ҳаракатлар шаҳарга кучли зиён етказди. Иншоотлар, турли биноларнинг қулашига, емирилишига сабаб бўлди. Шунга қарамасдан Бухоро ташлаб чиқиб кетилмаган. Бухоро шаҳристони 30—35 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, шаҳристоннинг жанубида катта бозор жойлашган, ғарбда эса — бухорхудот саройларидан бирининг биноси ва чамаси, бошқа бинолар ҳам бўлган. Шаҳристоннинг 7 та дарвозаси бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси XI асрдаёқ ўзларининг исломдан бурунги номларини йўқотганлар. Шаҳристон аста-секин янги феодал шаҳрининг бир қисмига айланиб, унинг бир томонида, таъкидлаганимиздек бозор жойлашган бўлса, шунингдек шаҳристон майдонида савдо-ҳунармандчилик кварталлари, мачитлар, карвонсаройлар ва бир қадар бой кишиларнинг уй-жойлари ҳам жойлашган.

Араб босқинчилари Бухоро шаҳристонига кўплаб арабларни келтириб жойлаштириб, уни Бухорода араблар давлатининг марказига айлантира борганлар. Дастлаб Бухоро амирининг турар жойи кухендиз (қалъа) бўлган бўлса, аста-секин у шаҳристон майдонини ҳам ўз турар жойига қўшиб ола бошлаган.

VIII—IX асрлар давомида Бухорода катта ўзгаришлар бўлиб ўтган. Шаҳар кенгайган, шаҳарни кўч-

манчиларнинг бундан кейинги ҳужумларидан ҳимоя қилишни таъминловчи чора-тадбирлар амалга оширилган. Шу мақсадда 849—850 йилларда шаҳар атрофи ўн бир дарвозаси бўлган узун пахса девор билан ўраб олинган. Бухоро араб ҳалифалигининг асосий шаҳарларидан бирига айлана бошлади. Кейинроқ мустақил катта Сомонийлар давлатининг пойтахтига айланди. Бу даврда Бухоронинг марказий қисмини бозор эгаллаган бўлиб, у нафақат савдо-сотиқ жойи, балки ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожланган жой ҳам эди.

СОМОНИЙЛАР ДАВРИ

874 йилда Бухорога ҳоким қилиб тайинланган Исмоил Сомоний ҳалифаликдан мустақил, марказлашган феодал давлати тузишда ташаббускорлик қилди.

Исмоил давлат арбоби сифатида ўз қобилияти билан бошқалардан ажралиб турар эди. У феодал оқсуякларнинг асосий қисмини ва йирик феодал давлати қуриш тарафдорлари бўлган кишиларни ўзи томонига оғдириб олди. Уларнинг ёрдами билан Исмоил шундай бир давлат барпо қилдики, бу давлат ўша вақтдаги Шарқнинг энг йирик давлатларидан бири эди. У ўз ворислари Аҳмад (907—914), Наср II (914—943), Нух ибн Наср (943—954) ва бошқалар даврида ҳам обрў-эътиборини сақлаб қолган эди. Бу даврда ҳам шаҳар олдингидай савдо ва ҳунармандчиликнинг маркази бўлиб қолаверди.

Бухоро тўқимачилари тўқиган ип-газламалар Мовароуннаҳрдан ташқарида, узоқ жойларда ҳам машҳур бўлган. Айниқса, Занданича матоси Бухородан Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга чиқарилган. Қўй териси, ёғ, турли хил майин газламалар, жойнамоз гиламлар, меҳмонхоналарга ёзиладиган матолар, от эгарлари ҳам Бухоронинг четга чиқарадиган моллари ҳисобланган. Умуман олганда, бу даврда Бухоро бозорларидаги савдо-сотиқда ип-газлама, ҳамда жун тўқимачилик саноатининг маҳсулотлари катта ўрин тутган. Яна шу алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда яна Олд Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан боғлайдиган карвон йўли ҳам Бухоро орқали ўтган бўлиб, Урта Осиёнинг Карвон савдосида муҳим аҳамият касб этган.

IX—X асрларга келиб Бухоро Урта ва Яқин Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан ривож топган шаҳри бўлиш

билан бирга маданий тараққиёт жиҳатдан ҳам энг ил-
гор шахрига айланди.

IX аср ўрталарига бормай, араб ҳалифалиги ўзи-
нинг бурунги сиёсий мавқеини йўқотиб, тушкунликка
учрай бошлади. Ҳалифаликнинг шарқий қисмида со-
монийларнинг сиёсий ўрни мустаҳкамланди. X аср бо-
шига келганда сомонийлар давлати энг кучли ва ҳар
соҳада ривожланган давлатга айланиб, илм, фан, ма-
даният, санъат ва иқтисодий ҳаётнинг маркази Боғдо-
дан Бухорога кўчди.

Бу даврда Бухоро нафақат ҳашаматли саройлар,
парклар ва меъморчилик иншоотлари жойлашган ша-
ҳаргина эмас, балки кўп сонли олиму, фозиллар, жа-
ҳонга машҳур илм, маданият ва санъат арбоблари
яшаган шаҳар ҳам эди.

Ҳозиргача илмий адабиётларда илк уйғониш дав-
ри Италияда бошланганлиги ҳақида кўп гапирилади.
Лекин, Ўрта Осиёда бундан ҳам олдинроқ IX—XII аср-
ларда илм-фан, маданият ва санъат соҳасида эришил-
ган ютуқлар ҳақида, уларнинг уйғониш маданиятигача
жаҳон маданияти ва фанида тутган ўрни ҳақида де-
ярли гапирилмайди. Бунга сабаб нима? Ўз маънавий
қадриятларимизни ҳалигача англаб етмаганимизни ёки
Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг
маҳаллий халқ илм-фани ва маданиятининг кенг тар-
ғиб қилинишига йўл қўйилмаганлигидами?

Тарихий далилларга суянган ҳолда, IX—XI асрлар-
да Бухорода маданият жуда тез ўсганлигини ва жа-
ҳонга машҳур бўлганлигини баралла овоз билан гапи-
ришимиз мумкин.

Инсониятнинг бахтиёр келажагини орзу қилган ки-
шилардан бири — **Абу Наср Муҳаммад Фаробий** (870—
950) таниқли қомусчи олим, математик, шифокор, та-
биёт илмининг билимдони, файласуф, мусиқа билим-
дони ва бастакор бўлиб етишди.

Фаробийнинг ижтимоий-иқтисодий қарашларининг
шаклланишида антик дунёнинг йирик донишмандлари,
айниқса, Арасту қарашларини пухта ўрганганлиги му-
ҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли Фаробий Арасту-
дан кейинги «Устод Соний» (Иккинчи устод) лақабини
олган. Мусулмон шарқида фалсафий таълимотларни
кенг муҳокама қилишга йўл очган киши шу Фаробий-
дир. Унинг ҳаёти ва ижодининг маълум даври Бухоро
шаҳри билан боғлиқ. У аввал Бухорода, сўнгра Боғдо-

да илм олган. Қадимий юнон ва араб файласуфларининг асарларини мукаммал ўрганган Фаробий Аристотелнинг «Метафизика» асарига шарҳлар ёзди, кейин бу шарҳлар Италияда, Францияда ва бошқа мамлакатларда тарқалди.

Фаробий фанларни назарий фанлар (мантиқ, табиатшунослик, математика) ва амалий фанлар (этика, сиёсат) деб иккига бўлди. Аристотель қарашларини ривожлантирган Фаробий инсон — ҳар қандай ижтимоий жамиятда асосий ишлаб чиқарувчи куч эканлигини кўрсатишга интилди. Фаробий моддий дунёнинг объектив равишда мавжудлигини эътироф қилди, инсон олами билиши мумкинлигини исботлаб берди. Фаробий ижтимоий тараққиётнинг бош йўли — ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш эканлигини ҳам таъкидлади. У олимлар инсонлар ва халқлар бахт-саодати учун хизмат қилишлари зарур деб ҳисоблайди. Умуман олганда, Бухоро муҳити таъсирида ижод қилган Фаробийнинг табиёт илмига доир фикрлари, фалсафий ва ижтимоий қарашлари жаҳон фанини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Фаробийнинг тараққиёт сари йўналган қарашлари Ўрта Осиёнинг улуғ қомусчи олими ва донишманди **Абу Али ибн Сино** дунёқарашларининг манбаларидан бири бўлди. У 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилади. 985 йилда оиласи билан Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорога келади. Бу ерда у грек фалсафаси, геометрия ва ҳинд ҳисоби билан эрта танишди. Ибн Сино икки соҳага — тиббиёт ва фалсафага жуда ҳам қизиқди ва бу соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. У 17 ёшида бу фанлардан кўп билимга эга бўлган етук олим ва табиб сифатида эътибор қозонди. Кунлардан бир кун Абу Али Ибн Синони оғир касал бўлиб қолган Нуҳ ибн Мансур саройига чақирдилар ва у амирни дарддан фориг қилади. Амир миннатдорчилик билдириб, ёш олимга сарой кутубхонасидан фойдаланишга ижозат беради.

Ибн Сино ўзининг ёшлик йилларидан бошлаб ўз илмий асарларини ёза бошлади. У Бухорода иккита асарини ёзди, улардан бири қомусий фалсафий асар — «Донишнома» (Илмлар китоби) бўлиб, унда ҳамма аниқ нарсаларнинг моҳияти сифатида, мавжуд нарсалар мангу яшайди ва у турли-туман шаклларда намоён бўлади, деб таъкидлайди. Ибн Синонинг фикрича, киши

сезги органлари ёрдами билан онгдан ташқаридаги аниқ жисмларнинг таассуротини идрок қилади ва бу таассурот натижаларини ўз хотирасида мустаҳкамлайди.

Ибн Сино фалсафаси Шарқ фалсафасини ривожлантиришда бутун бир даврни ташкил этса ҳам, унинг илмий фаолиятида тиббиётга онд асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шарқ фалсафаси тарихида «Китоб уш Шифо»нинг аҳамияти қанчалик катта бўлса ҳам, тиббиётга бағишланган «Китоб-ал Қонун Фит — тибб» («Тиб қонунлари») номли классик йиғма асари ва «Даволаш китоби» орқали у дунёга машҳур бўлди. «Қонун» Оврупада қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлганини шундан ҳам билиш мумкинки, у XV асрда ўн олти марта, XVI асрда эса йигирма мартадан кўпроқ нашр этилди. «Қонун» тиббиётда энг машҳур асарлардан бири бўлиб қолди. XVII асрга қадар Оврупада шифокорлик тажрибаси ва тиббиёт фани Ибн Сино ғоялари таъсири остида бўлган. Ибн Синони Ғарбда «Авиценна» номи билан машҳур бўлиб кетишининг бонси ҳам ана шундан эди. Беш жилтдан иборат «Тиб қонунлари» асарида Ибн Сино қадимий тиббиётнинг энг улкан намоёндалари бўлган Гиппократ ва Гален (Жолинус) лар каби илмий қимматини ва аҳамиятини ҳозирги кунда ҳам йўқотмаган доно кўрсатмалар берган, айрим хасталикларга доир фикрларни, баъзи дардларни даволашга доир маслаҳатларни ёзиб қолдирган.

Ибн Сино касаллик туғдирувчи мавжуд шароитни мукаммал ўрганди ва касалликларни турларга ажратди, уларни даволаш усулларини ишлаб чиқди. Унинг усуллари тажрибага асосланган эди.

Ибн Сино тирик мавжудотнинг ҳаётини қунт билан кузатиб борди, уларнинг касалланиш сабабларини ва симптомлари (касалликнинг ташқи аломатлари)ни белгилади ҳамда унинг диагностикасини аниқлашда юракнинг ишлаш фаолияти ва сийдикнинг хусусиятига катта аҳамият берди. Ибн Сино сувдаги ва ифлосланган ҳаводаги кўзга кўринмас «жуда майда ҳайвонлар» баъзи касалликларни тарқатади, деган фикрни илгари сурди ва юқумли касалликларни туғдирувчи сифатида микробларнинг касаллик тарқатувчи ролини Пастердан саккиз аср олдин пайқаган эди.

Ибн Сино шахсий кузатишлари ва тажрибалари асосида доривор ўсимликлардан тайёрланган кўп сонли

шарбатларни тасвирлайди. Бу шарбатларнинг иқлим ва йил фаслларига кўра маълум шароитда бўлган танага таъсир этишини қайд этади. Ибн Сино болаларнинг айрим касалликларини махсус текширди, диэтикага (парҳез) ва олдини олиш (профилактика) тадбирларига катта аҳамият берди.

Уша даврдаги реакцион кучлар Ибн Синони динсизликда айблаган эдилар. Уларга қарши Ибн Сино шундай деб ёзган эди:

Эшаклар олдида сирингни яшир,
Эшакдан сўраб кўр:—«мен улуғман», дер.
Эшак қулоқ бўлмаган киши
Эшаклар олдида аниқ даҳрийдир.

Кўриниб турибдики, Ибн Сино диний урф-одатларни тўла-тўқис бажариш билан бирга инсоният учун зарур бўлган фанларни ҳам ривожлантирди.

Ибн Синонинг фан олдидаги энг буюк хизмати фақат ўтган даврдаги илмий тафаккур ютуқларини умумлаштиришигина эмас, балки ўз тажрибалари ва кузатишлари орқали ўрта аср фанини ривожлантиришидир.

Ўрта аср Шарқининг буюк донишманди Абу Али ибн Сино Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданиятини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди. У Ўрта аср Шарқ мусиқаси назарияси ва эстетикасига оид амалий ишлари билан ҳам шуҳрат қозонди.

Ибн Сино геология, химия, математика ва астрономия соҳасида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари олиб борди. У минералларнинг таркиби ва тузилиши, тоғларнинг пайдо бўлиши, вулкан ҳодисасининг вужудга келиши билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтган эди. Унинг томонидан вулқонларнинг пайдо бўлиши, тоғларнинг вужудга келиши ва ер қимирлашлари билан боғлиқ ҳодисалар гипотеза тарзида айтиб ўтилган эди.

Ибн Синонинг ўрта аср Шарқининг етук қомусчи олими бўлиб етишишида Ўрта Осиё, шу жумладан Бухоро ижтимоий муҳитининг таъсири катта бўлди. Ибн Синонинг ўзи унга ажойиб хазина бағишлаган Бухорода ўтган ёшлик йилларига катта аҳамият берган эди.

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Бухорода, хусусан поэзия гуллаб-яшнади. Сомонийлар даврида Бухорода 30 га яқин шоир ижод қилганлиги маълум. Бу даврда Бухорода, айниқса ривож топган тожик тилидаги сарой поэзияси асосан халқ адабиёти анъаналари ва фольклоридан озиқланди.

Уша даврнинг машҳур шоирларидан бири — **Абдулла Жафар Рудакий** эди. Рудакий ёшлик йилларида ўзининг ширали овози, шоирлик қобилияти ҳамда чангда яхши мусиқа чала олиши билан машҳур эди. Унинг донғи Бухорога бориб етади ва Сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад (914—943 йиллар) уни саройга чақиртириб, машшоқлар ва шоирлар ичига қўшиб қўяди. Рудакийнинг ҳамма шеърий бойлиги бизгача етиб келмаган, фақат оз сонли майда парчаларигина сақланиб қолган. Улар ичида Бухорога бағишланган қасидаси, «Кексалик тўғрисидаги одаси» ва бошқа асарларида сезгининг ажойиб кучи, ҳаётнинг чуқур ҳақиқати ҳақида кўйлайди.

Рудакийнинг Бухорога бағишланган қасидаси бизгача етиб келган ажойиб асарларидан бири ҳисобланади. Бу қасиданинг яратилиши ҳақида қуйидагича ҳикоят қиладилар:

Бир вақтлар Наср ибн Аҳмад Марвда вақтини ўтказар эди. Сарой аҳллари бегона шаҳарда яшашдан зеркиб қолишади, улар ўз уйларини соғинар эдилар, амир эса Бухорога қайтишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Шунда сарой аҳллари амирнинг пойтахтга тез қайтиш иштиёқини қўзғатиш учун шоирга Бухоро ҳақида қасида ёзишни маслаҳат кўрадилар. Шу муносабат билан ёзилган қасидадан парча келтирамиз:

Димоғимга жўйи мулиан иси келади,
Еримни мен ҳам ўнгимда, тушда эслайман
Шоҳи парда устида юрган кабиман
Жайҳун кенлиги хавфли эмас, кучли отим
Ҳар қандай чуқурликдан олиб ўтади
Қувон ва бахтли бўл, сен, эй Бухоро,
Осмондаги ой ҳам сенга жилмайиб боқар
Бухоро бир гуллаган боғ, шоҳ эса терак
У бу боғда яшнаб гуллар ҳам баҳор
Агар ҳатто хазинага зарар бўлса ҳам,
Сенга шараф-шон фойдасин у келтиради.

Бу шеърни эшитган Наср ибн Аҳмад пойтахтга қайтиш иштиёқида ёнган, дарҳол от сўраган ва шу ондаёқ Бухорога жўнаб кетган экан.

Рудакий ижодининг яна бир эътиборли томони шундаки, унинг ижодида диний оғишлар деярли учрамайди.

Бошқа бир таниқли шоир **Дақиқий** эди. У асосан бахшилар томонидан ҳикоя шаклида яратилган халқ ривоятлари, фолклоридан озиқланган поэтик йўналишни бошлаб берди. X аср охирида Нуҳ ибн Мансур (976—997) ҳукмронлик қилган даврда ижод этган Дақиқий «Шоҳнома» китобини тузишга асос солди. Бу китобда Эрон ва Ўрта Осиёнинг араблар истилосигача бўлган эпик тарихи ўз аксини топиши керак эди. Дақиқий муҳтожликда эрта вафот этди ва ўзи бошлаган ишни охиригача етказа олмади. Гарчанд у ишини охиригача етказа олмаган бўлса-да, «Шоҳнома»чиликка асос солганлиги учун жаҳонга машҳур бўлди ва кўп китобхонларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди. Унинг ишини XI аср бошларида улуғ Фирдавсий ниҳоясига етказди.

Шу даврда Бухорода тарихчилардан — Наршахий, Белазурий, Табарий, Ибн Мискавайх ва бошқалар тарих фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Сомонийлар ўзларининг амир саройида жойлашган бой кутубхонаси билан ҳам шуҳрат қозондилар. Биз таъкидлаб ўтганимиздек, Ибн Сино амир рухсати билан ушбу кутубхонадан фойдаланиш бахтига муяссар бўлган эди.

Сомонийлар даврида архитектура, наққошлик ва тасвирий санъат ривожланди. Булар орасида X аср бошларида қурилган Исмоил Сомоний қабри устидаги мақбара Олд ва Ўрта Осиё Шарқининг энг яхши архитектура ёдгорлигидир. Бу бино квадрат шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Квадратдан чортоқли найзали ровоқлар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирга Исмоил Сомоний мақбараси тўрт фасадли бинодир; чунки унинг тўрт томони ҳам фасад (бинонинг олд томони)дан иборат. Уларнинг ҳаммаси бир хилда безатилган. Исмоил Сомоний мақбарасини ёпишнинг аҳамиятли усули ҳошия билан нишли ровоқлар ўртасига ўрнатилган устунларнинг жуда архаик усуллагидир. Бинонинг ичини ҳам, сиртини ҳам нақшлашда бир хил усулдан фойдаланилган. Ички нақшларга нисбатан ташқи нақшларнинг фарқ қиладиган ери шу эдики, бунда найзасимон ровоқлар

ичида ўйма безаклар ишланган. Исмоил Сомоний мақбараси қурилишида ва унинг безатилишида араблардан олдинги даврларга хос бўлган архитектура белгиларидан ҳам фойдаланилган. Масалан: бинонинг ташқи бурчакларига устунлар ўрнатиш. Бино ичидаги бундай архаик шаклдаги устунлар, шунингдек думалоқ манзарали майдонлар ҳам исломгача бўлган ёдгорликларда учрайди. Бутун архитектура ва безатувчи элементлар бу ерда уйғунлик билан бир органик бутунликни ташкил этган. »

Сомонийлар даврида Бухорода маданий алоқалар ҳам тез ўсган. Бухорода Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида унинг ўғли Нух ибн Наср Хитой маликасига уйланган, деган маълумот бор. Хитой маликаси ўзи билан бирга машҳур Хитой рассомини ҳам олиб келади. Бу рассом Рудакийнинг «Қалила ва Димна» асари таржимасига расмлар ишлаб берган. Сомонийлар даврида Бухорода сопол идишларга сир бериш мавжуд эдики, у ўз нақшларининг аниқлиги ва ялтироқлиги билан бошқа даврларникидан ажралиб турарди.

IX—X асрларда — Сомонийлар даврида Бухоронинг ҳукмрон синфи йирик ер эгалари, яъни граждан ва ҳарбий хизматда бўлган ва бу хизматда бўлмаган аристократ ва руҳоний ер эгалари эди. Сомонийлар даврида юқори мусулмон руҳонийларининг аҳамияти ҳам ўсди. Сомонийлар пойтахти бўлган Бухоро Шарқда мусулмон динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳар ижтимоий ҳаётида юқори мусулмон руҳонийларининг обрўси ўсиб бориши билан уларнинг моддий фаровонлиги ҳам ошиб боради. Исмоил Сомонийдан бошлаб мачит, хонақо ва бошқа диний муассасаларнинг вақф мулклари анча кўпайди. Феодал Бухорода Сомонийлар даврида шаҳарнинг жуда катта қисмини амир ва унга яқин кишиларнинг, қўшин бошлиқларининг ва феодал оқсуякларнинг саройлари, ҳукумат муассасалари феодал ҳокимиятнинг амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бинолар жойлашган кўчалар ишғол қилган эди. Бундай хилдаги бинолар илгариги вақтларда (VIII аср) бўлгани каби, IX—X асрларда ҳам асосан шаҳарнинг ғарбий ва шимоли-ғарбий қисмларида жойлашган эди.

Шуниси қизиқки, Бухоронинг ғарбида «деҳқонлар кўчаси» бор эди. Бухоро қалъасининг ғарб томони Регистоннинг катта майдони билан банд эди. Исломдан

илгариги вақтларда бу майдонда бухорхудоатларнинг саройлари бўлар эди. Носир II ибн Аҳмад Сомонийнинг ҳукмронлиги даврида Регистонда катта амир саройи қурилган, унинг ёнида эса 10 та сомоний девонлари давлатни бошқарадиган идораларининг бинолари қад кўтарган эди. Шундай қилиб, Регистон X асрдаги Бухоро каби, феодал пойтахтининг, ҳукумат ҳаётининг маркази эди.

X асрнинг ўрталарига келиб, қалъанинг шимоли-ғарбига жойлашган савдогар қош-қўшонларга қарашли бўлган қаср (кешк) лардан, Наршаҳийнинг кўрсатмаларига қараганда, фақат икки-учтасигина қолган. Улар ишғол қилган майдоннинг кўпчилик қисми аллақачонлар Кешки-Муғон номи билан шаҳар доирасига кирган эди. Илгари бу ерда бўлган қўзғолонлар тўғрисидаги таассурот «муғлар кўчаси» номида ҳам сақланиб қолган. Сомонийлар даврида бу жойлар шаҳарнинг амалдорлар яшайдиган қисми деб ҳисобланар эди. Наршаҳийнинг сўзига қараганда, бу ерда ернинг баҳоси жуда юқори бўлган.

Бухоронинг оқсуяк ер эгалари ўзларининг амирлари бошчилигида фақат шаҳар ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам саройлар қурганлар. Наршаҳий бундай жойлардан иккитасини Жуи Мулион ва Қарақи-Алавионни кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга у қалъа ва Регистоннинг шимолида жойлашган Жун Мулион билан айниқса завқланади.

Урта Осиёнинг феодал шаҳрида мусулмон руҳонийларининг таъсири жуда кучли эди. Руҳонийларнинг юқори табақаси (муфтийлар, қозилар ва бошқалар) бевосита ёки билвосита йўл билан катта-катта вақф ерларини ва мол-мулкларни идора қилар эдилар. Бухорода сомонийлар даврида кўпгина мачитлар, мақбаралар ва хонақолар бор эди. Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлибгина қолмай, балки мусулмон динининг энг йирик маркази ҳам бўлган Бухорода тегишли диний мактаблар ҳам бор эди. В. В. Бартольднинг аниқлашича, Бухородаги «Фаржоқ мадрасаси» манбаларда берилган энг аввалги маълумотдир. Наршаҳий ўз йилномасининг 937 йилида бу мадраса ҳақида ҳикоя қилади.

Утбий Монинийнинг сўзига қараганда, Бухородаги мадраса ажойиб кутубхонага эга бўлиб, унда жуда кўп қўлёзмалар бўлган. Мадрасада мусулмон дини масалалари юзасидан маърузалар ўқиладиган эди. Шундай қилиб,

сомонийлар даврида Бухорода X асрнинг биринчи ярмидаёқ мадраса бўлган.

Наршаҳий Бухородаги жоъме масчитининг аста-секин бошқа жойга ўтганлиги тўғрисида жуда қизиқ маълумотларни келтиради. IX асрдан X асрга ўтиш вақтида бу жоъме масчити қалъа билан шаҳристон ўртасида жойлашган эди.

Сомонийларнинг Бухоро тарихидаги хизматларининг катта эканлиги яна шундан билинадики, Сомонийлар даврида давлатни марказдан туриб ва вилоятларга бўлиб бошқариш иши жорий қилинди. Бунда, айниқса Исмоил Сомонийнинг хизмати катта бўлди. Ўз ўлкаси ва ундаги бойлиги жиҳатидан ўша даврдаги ҳалифаликдан ортиқ бўлган сомонийлар давлати ўз даврига нисбатан Шарқда йирик давлат эди.

Мустаҳкам марказий ҳокимият ўрнатишга ҳаракат қилиб, ўз ислохотларини ўтказган Исмоил Сомоний Марказий девон (идора) лар системасидан иборат давлат бошқарувини тузди. Бу бошқарув анча соддалаштирилган ва ўша давр учун мукаммал тузум эди.

Шарқнинг, шунингдек Ғарбнинг бошқа феодал давлатлари саройидаги каби, сомонийлар саройида ҳам девон бошлиқлари, мирзабошилар, мирзалар ва бошқалар бўларди. В. В. Бартольднинг сўзича, «шарқий-мусулмон сиёсий ташкилотининг бутун тузumi устидан бошқаришнинг ҳамма органларини иккита катта бўлакка даргоҳ (сарой) га ва девон (идора) га бўлувчи қизил ип ўтади». Аммо феодал жамияти шароитида бундай бўлиниш кўпинча расмий аҳамият касб этар эди, чунки даргоҳдаги лавозим эгалари сиёсий ҳаётнинг ҳамма томонларига араллашиб турардилар. Сарой (даргоҳнинг) бутун хўжалигини бошқарувчи — вакил саройда энг эътиборли ва обрўли шахс ҳисобланган.

Сомонийлар даврида Марказий маҳкама 10 та девондан иборат бўлган. Сомонийлар даврида уларга атаб Регистон майдони атрофига ўнта бино солинган.

Вазир девони ёки хўжайи бузруг бош девон ҳисобланган. Давлатнинг марказий маҳкамасини у бошқарар ва қолган девон бошлиқлари унга бўйсунар эди.

Марказий бошқарма системасида девони мустауфий — бош молня амалдори жуда эътиборли ўринни эгалларди. У давлат даромади ва чиқимларини бошқарар эди. Мустауфий ёки иккинчи ном билан атаганларидек, хазинадорнинг қўл остида махсус ҳисобчилар

бўлиб, улар давлат даромадлари ва чиқимларини аниқлаб турар эдилар.

Девони ар расоил ёки *девони иншонинг* обрўси жуда катта эди, уни баъзан *девони амид ал мулк* деб ҳам юритилар эди. Девони иншо — расмий ҳужжатларни тайёрлайдиган махсус марказий маҳкама эди.

Давлатнинг ҳамма муҳим ҳужжатлари шу маҳкама орқали ўтарди. Бундан ташқари, бу маҳкама бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатларни ҳам олиб борар эди. Девони ар расоил фақат сомонийлар давридагина эмас, шунингдек, ғазнавийлар даврида ҳам давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Идора этиш системасида соҳиб шуръат бошлиқ бўлган девони шуръат ҳам муҳим ўринни эгаллаган бўлса керак. Девони шуръат сомонийлар гвардиясини бошқариш маҳкамаси эди. Ёзма маълумотларнинг жуда камлиги туфайли, биз даргоҳни бошқариб, маълум даражада бутун турк гвардияси устидан бошлиқ бўлган ҳожиби бузуруг билан бу Соҳиб шуръатнинг хўжалик бўлими ёрдамчиси, яъни ариз сомонийлар қўшинига бир йилда 4 марта уч ой оралатиб, маош берар эди. Аммо ариз қўшин хазинасини бошқаришдан ташқари, қўшин интизоми, қуролланиши, озик-овқати ва отларнинг ем-хашаги устидан ҳам назорат қилиб турар эди. Ариз қошида махсус маҳкама—девони ариз ҳам бор эди.

Девони берид, яъни почта—сомонийлар даврида ҳукумат ва давлат зарурияти учун хизмат қилар эди. Маҳаллий почта амалдорлари ҳам соҳиб берид — почта маҳкамасининг бошлиғи қўли остида эди. Бу почта амалдори ихтиёрида бир қанча чопарлар ва кўп сонли почта отлари бўларди. Почта амалдорлари марказий маҳкама қарамоғида бўлиб, ўз жойларидаги маҳаллий ҳукуматга, ҳокимларга бўйсунмас эдилар. Берди — почта амалдорларининг вазифаси фақат ҳукумат хабарлари ва маълумотларини тезда етказишгина бўлиб қолмай, улар маҳаллий ҳукумат амалдорларининг хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам яширин маълумотлар етказиб турганлар.

Сомонийлар даврида шаҳарлар ҳаётига девони муҳтасиб айниқса кучли таъсир қилди. Унинг асосий вазифаси савдогарларнинг тош-тарозуларини назорат қилишдан иборат эди. Бундан ташқари, муҳтасиб ва унинг ёрдамчилари шаҳар ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нормасининг тўла бажарили-

шини кузатиб туришлари ҳам керак эди. Муҳтасиб сифати паст молларни соттирмаслик ҳуқуқига эга эди, шунингдек гўшт, нон ва шунга ўхшаш бошқа энг зарур маҳсулотларни ошиқча нарх билан сотишни ман эта оларди.

Кейинчалик муҳтасиблар шаҳар аҳолисининг ахлоқи устидан назорат қилиш ҳуқуқини ҳам олиб, улар кишиларнинг мачитга боришлари, вино ичмасликлари ва бошқаларни кузата бошладилар.

Сомонийлар давлатида умуман назоратни ва айниқса хазина сарфиёти назоратини девони мушрифлар, яъни кузатувчилар олиб борар эдилар. Феодал жамияти шароитида подшо хазинасини давлат хазинасидан ажратиш қийин эди, бунинг устига даргоҳ пул ва бошқа маблағларни жуда кўп сарфлади, мушрифларнинг вазифаси асосан подшо саройига кетган маблағни назорат қилишдан иборат эди.

Девони аддия, яъни давлат ер-мулкини бошқарувчи девон, бош қози бошқарган қозия девони ва вақф девони, яъни мусулмон ташкилотларига совға қилинган мол-мулкларни бошқарувчилар девони унчалик катта аҳамиятга эга эмас эди.

Марказий девонлар системаси маҳаллий бошқармалар билан яқиндан алоқада бўлган.

Сомонийлар ҳокими, даргоҳи ва давлати ҳаётида турк ғуломларидан иборат бўлган гвардия муҳим роль ўйнар эди. Гарчи Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳарбий жиҳатдан чиниққан турк ёшларини қадимдан ва доимо етказиб берса ҳам, фақат сомонийлар уларни шахсий гвардия сифатида биринчи марта саройга жалб этганлар.

Низомулмулк ўзининг ажойиб «идора этиш китоби»—«Сиёсатнома» асарида сомонийларнинг сарой гвардияси (сараланган қўшини) ҳақида муфассал ҳикоя қилади. Бозордан сотиб олинган ғуломлар (ёш йигитлар) нинг кўпчилиги ғузлар (туркманлар) дан иборат бўлган, улар сомонийлар саройидаги гвардия отрядига олиниб, ўз хизматининг биринчи йилини отга миниб ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, пиёда аскар сифатида ўтказар эди. Акс ҳолда жазоланишлари мумкин эди. Бу вақтда турк ғуломлари ип-газламадан тикилган оддий кийим-бош — *зандони* кияр эдилар. Иккинчи йилда ғуломга оддий юганли от берилар эди, учинчи йилда унинг белида уни бошқалардан ажратиб турадиган камар — *қорачур* бў-

ларди, ғулом бешинчи йилда, яхши кийим-бош ва юлдуз билан безатилган юган оларди, еттинчи йилда, агар у ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўлса, *висак боши*, яъни «чодир бошлиғи» амалини олар эди. Чодир бошлиғи уч кишига бошчилик қиларди. Ғулом ўз амалини билдириш учун кумуш билан тикилган баланд қора кигиз қалпоқ ва Ганжада тикилган қимматбаҳо пойабзал киярди.

Жуда қобилиятли ва содиқ ғуломлар ҳайлбоши — отлик отряд бошлиғи, кейинчалик эса ҳожиблик амалини олишлари мумкин эди.

Демак, кўриниб турибдики, Сомонийлар Бухорода фан, маданият ва санъатни ривожлантириш билан бирга ҳокимиятни марказлаштириш борасида ҳам бир қанча ижобий ишларни амалга оширган эканлар.

Х асрнинг иккинчи ярмида Сомонийлар давлатининг аҳволи ёмонлаша бошлади. Кўпайиб кетган солиқлар асоратига қарши халқ оммаси тўхтовсиз кураш бошлаганлиги, ҳукумат амалдорлари ва заминдор аристократияси аёвсиз зулмига маҳкум этилганлиги мана шундай ички қийинчиликларни вужудга келтирди.

Сомонийлар ҳукмронлигининг охириги йилларида, айниқса деҳқонларнинг ҳирож ва натура мажбуриятларининг оширилишидан норозилиги кучая борди. Натижада улар кўзи олдида Сомонийлар давлати ўзининг бутун шуҳратини аста-секин йўқота борди. Ҳоким синфлар орасида ҳам Сомонийларнинг марказлаштириш сиёсатидан норози бўлган қисми уларга душманлик кўзи билан қарамоқда эди ва Сомонийлар сулоласининг инқирозга юз тутишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Сомонийлар учун энг огир бўлган кунларда деҳқонлар ғалаёнлари бўлиб турдики, булар қорахонийларнинг ғалабасини таъминлашга ёрдам берар эди, холос. Чунончи, 961 йилда Бухоро шаҳрининг аҳолиси Сомонийлар томонидан қўйилган ҳоким Абдумаликнинг саройини талаб ўт қўйиб ёндирдилар.

Ҳатто турк гвардияси (Ғуломлар) ҳам тўла ишонч-ни оқлай олмас эди. Айрим йирик турк ҳарбий бошлиқлари ҳам Сомонийларга қарши лагерга қўшила бошладди. Бухорода яшовчи мусулмон руҳонийлари ҳам сотқинлик қилдилар. Вақфларнинг кўпайганлиги туфайли катта-катта бойликларни ўз қўлида тўплаган Бухоро руҳонийлари қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг кенг доирасига кучли таъсир кўрсатаётган эди, уларнинг Сомо-

нийлар қўл остида бўлган турк гвардияси орасида ҳам таъсири кучли эди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мусулмон руҳонийларининг юқори доиралари сомонийлар билан доим дўстлик муносабатларида бўлавермаганлар. Фалсафа ва аниқ фанлар соҳасида олимлар фаолиятига Сомонийларнинг етарлича қаршилиги кўрсатмасликлари уларга сира ёқмас эди. Шу тариқа X асрнинг охирига келиб Бухорода Сомонийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тута бошлади.

ҚОРАХОНИЙЛАР ВА ҚОРАХИТОЙЛАР

X аср охирига келиб Шарқий Туркистон ва Еттисувда яшовчи туркий қабилалар орасида феодал муносабатлар кучайиб, Қашқар ва Еттисувда бирлашган кучли феодал давлати ташкил топади. Бу давлат тепасига чиқиб олган сулола Қорахон наслидан бўлгани учун улар «қорахонийлар» номи билан машҳур бўлади. X аср охирида қорахонийлар қўшни Фарғона, Шош (Тошкент) ва бошқа ерлардаги турк қабилаларини бирлаштириб, Самарқанд ва Бухорога қарши ҳужум бошлайди. Бухорода Сомонийлар генераллари душманга қарши мудофаа қилиш ўрнига қорахонийларга ён босади. Сомонийлар давлатида қорахонийларнинг таъсири шунчалик кучли эдики, ҳатто Бухородек пойтахтда қорахонийлар хони Бўғраҳонга қарши тура оладиган куч топилмайди. Ҳатто Бўғраҳонга қарши туришга чақирувчиларга шаҳар руҳонийлари ва бошқа табақалар, «улар ҳам мусулмон, биз ҳам мусулмон, урушмоқнинг ҳожати йўқ» деб жавоб қиладилар. Бу аҳвол сомонийларнинг давлат тепасида сиёсий роли қолмаганини кўрсатарди.

Натижада Бўғраҳон 992 йилда Бухорони эгаллайди. Шу йилнинг ўзида Бўғраҳон дардга чалиниб вафот этади, унинг қўшинлари эса Бухорони ташлаб кетади. Аммо икки маҳаллий турк генерали Абу Али билан Фойиқ Сомонийларга қарши курашни давом эттирадилар. Бу икки турк ҳарбий саркардалари Бухоро тахтини Сомонийларга ҳам, қорахонийларга ҳам беришни истамай, ўзлари эгаллаб олишга интиладилар. Бухорода Сомонийлар ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун 999 йилда қорахонийлардан бўлган Насрхон ўз қўшинлари билан шаҳарга бостириб киради. Сомонийлар ҳу-

зурида бўлган турк ҳарбий саркардалари Фойиқ ва Бектутсун Сомонийлардан бўлган ҳукмдор Мансур ибн Нухнинг кўзини кўр қиладилар, унинг ўғли Абдумаликни зиндонга ташлайдилар, Бухорони эса Насрга топширадилар. Шундай қилиб, Хитойдан Амударёгача бўлган кенг ўлкада бўлгани каби Бухоро шаҳрида ҳам Қорахонийлар ҳукмрон бўлиб оладилар.

Қорахонийларнинг 1141 йилгача давом этган ҳукмронлиги йиллари Бухорода феодал жамияти илдиэлари янада мустаҳкамланди. Қорахонийлар бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби Бухорода ҳам «икта» системасини жорий қила бошладилар. Улар йирик-йирик заминдорларнинг ер-сувларини тортиб олиб, уларни давлат ихтиёрига ўтказдилар, сўнгра бу тортиб олинган ер-сувлар ҳарбий бошлиқларга, рухонийларга ва бошқа олий табақаларга «икта» тариқасида тақсимлаб берилди. Натижада меҳнаткаш деҳқонлар оммаси зодагон заминдорлар тутқунлигидан қутулади, «икта» ерларида чорикор бўлиб меҳнат қила бошлайдилар. Деҳқонларнинг бир қисми шаҳарга кўчиб кела бошлайди. Қорахонийлар даврида шунинг учун ҳам Бухоро шаҳри аҳолиси кўпая бошлайди.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Бухорода бир қанча саройлар, масчит ва мадрасалар қурилди.

Пишиқ ғишдан ҳашаматли бинолар қуриш кенг тарқалди. Умумий режалаштиришда ҳам, буюмларни безатишда ҳам бинокорлик санъатининг янги формалари вужудга келди, пештоқ қилиш, сарғиш-қизил лой билан зийнатлаш ишлари, гумбазларнинг устини бекитишнинг янги усуллари пайдо бўлди ва ҳоказо.

Бу даврдаги архитектура санъати ёдгорликларидан, қадимги уста бинокорларнинг Хазор қишлоғида қурган Деҳгарон масчити сингари ажойиб иншоотлари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бу бинонинг эътиборли томони шундаки, унинг енгил ғишдан ясалган ва бир қанча асрлардан бери бузилмасдан турган тўққизта гумбазидир. Бу гумбазларни хом ғишдан солинган деворлар ва бино ичидаги каттакон тўртта юмалоқ ғишт устун кўтариб туради. Уртадаги гумбаз бошқаларидан баланд ва катта қилиб ишланган. Кичик гумбазларнинг пишиқ ғишт териби қилинган кунгиралари, тўрт катта аркнинг чиройли раҳлари ва пастки гулдор қисмлари кишини жуда завқлантиради. Бу бинонинг қачон қурилгани аниқ маълум эмас, лекин сўнгги йилларда ўтказилган

археологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда уни XI асрда қурилган деб ҳисоблаш керак.

Қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон замонидан 1127 йилда солинган жоме масчитининг (Масжиди калон) нинг жуда яхши сақланган минораси Бухорода ҳозиргача ҳам қоматини баланд кўтариб туради. Минора баланд, думалоқ устунсимон бўлиб, устида пештоқли «чироғи» бор. Миноранинг усти жимжимадор шаклда чиройли қилиб терилган пишиқ гишт билан қопланган.

Кейинчалик қайтадан қурилган бўлса-да, ўзининг эски қисмида кошинкор гулларини ва ганчга туширилган ўймакор нақшларни сақлаб қолган Бухородаги Намозгоҳ ва шунингдек, гул ва нақшлар билан безатилган пештоқи бўлган Магоки Атторий масчити XII асрга оидлар.

1141 йилдан Бухоро Садрлардан Абдулазизхон ибн Умарул Маза ҳукмронлик қила бошлади. Қорахонийлар давлати қулагандан сўнг Бухорода шаклланган ўзига хос феодал-садрлар ҳукмронлигининг асосчиси ана шу Абдулазизхон эди. Садрлар Бухоро диний жамоаларининг, раҳбари ва шу билан бирга Бухоро шаҳрининг раиси ҳам эдилар. Садрлар Бухоро ва унинг вилоятларидаги диний ҳокимиятни ҳам, дунёвий ҳокимиятни ҳам ўз қўлларида тутиб турардилар. Улар энг катта ер эгалари, Бухоро теварагидаги энг яхши мулкларнинг хўжайини эдилар, шаҳардаги дўконлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, тегирмон-обжувозлар ва ҳоказолар ҳам садрларники эди. Шу даврда Бухородаги масчитлар, мадрасалар, ҳонақолар ва бошқа диний муассасаларнинг вақф мулклари шу қадар кўпая бошладик, Бухоро руҳонийларининг намояндалари жуда катта ер эгаларига — феодалларга айлана бордилар. Ислом оламида энг эски бўлган Бухоро мадрасалари эса олий мактаб ҳисобланиб, уларда билим олиш шараф ҳисобланган.

Садрлар ҳукмронлиги даврида Бухорода шаҳарнинг меҳнаткаш аҳолисини эзиш яна ҳам кучайди.

Садрлар солиқ ва ўлпонларни кўпайтириб, шулар ҳисобидан беҳисоб бойлик орттирдилар. Жумладан, садр Муҳаммад ибн Абдулазиз 1207 йилда Маккага ҳаж қилганида ҳалифага юз туядан кўпроқ совға-салом олиб борди. У Бухоро халқи орасида ўзининг нуфузини ошириш мақсадида 600 нафар уламони ўз атрофида сақлаб туради. Садрларнинг зулми шу қадар кучайиб

кетадик, Муҳаммад ибн Аҳмадни халқ «дин пешвоси» деб аташ ўрнига «дўзах пешвоси» деб атайдиган бўлиб қолади. Бухоро меҳнаткашларининг ғазаби ҳаддан ошиб, 1206—1207 йилларда қўзғолон кўтарилади. Қўзғолончиларга қалқонсоз хунарманднинг ўғли Санжар бошчилик қилади. Улар бойларнинг мулкини талайдилар, садрни ва унинг оиласини Бухородан ҳайдаб юборадилар. Садрнинг ерларига қараб оқаётган сувни бошқа томонга буриб юборадилар ва шу билан унинг ер-мулкларини қақратиб, яроқсиз ҳолга келтирадилар. Садр ёрдам сўраб ўзининг сиёсий ҳомийси қора кидон Гурхон ҳузурига қочиб боради, бироқ ундан Бухорони идора қилиш ҳуқуқи ёзилган расмий ҳужжатдан бошқа ҳеч нарса ололмайди. Бу орада Малик Санжар бир қаср қурдиради: Жувайнийнинг сўзига қараганда, бу қаср кейинчалик «Малик Санжар қасри» деб аталган. Малик Санжар шу қасрда туриб, афтидан, шаҳарнинг бойлари ва зодагонларига қарши қандайдир тадбирлар олиб борган. Бироқ Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам жим ўтирмайди. Бухородаги воқеалардан эшитиб, халқ ҳаракатини қурол кучи билан бостирмоқчи ва Бухорони ўз қўлига киритиб олмоқчи бўлади. У ўз ниятини амалга оширишни орқага чўзмай, Бухоро устига қўшин тортиб боради. 1207 йилда Бухорони эгаллайди ва халқ томонидан қўйилган янги ҳукмдорнинг фаолиятига барҳам беради.

Муҳаммад хоразмшоҳ шаҳарга бостириб кириши биланоқ дарҳол у ердаги хунармандлар ҳокимиятини тугатади. Бухорони Хоразм давлати таркибига киритиб Мовароуннаҳрнинг Хоразмга қўшиб олиншини бошлаб беради. Малик Санжар эса Урганчга олиб кетилиб, бирмунча вақтгача Хоразмшоҳнинг саройида яшайди ва ҳатто ундан ҳам тантанали маросимларда иштирок қилади.

Бухородаги турли ижтимоий табақалар Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қилмиши ва хатти-ҳаракатига турлича муносабатда бўлдилар. Юқори табақа феодаллар Муҳаммаднинг хунармандлар ҳаракатини бостирганидан хурсанд ва Бохоронинг Хоразм давлати таркибига қўшиб олинганидан мамнун эдилар. Масалага кенг халқ оммаси бошқача қаради: халқ маҳаллий садрларга қандай солиқ, ўлпонлар тўлаган ва мажбуриятлар бажариб келган бўлса, Хоразмшоҳ ҳокимиятига ҳам худди шундай оғир солиқ, ўлпонлар тўлашга ва маж-

бурийтлар бажаришига дучор бўлишни очик кўриб турарди.

Манбаларга қараганда, Муҳаммад Хоразмшоҳ Бухорони эгаллагандан кейин у Мовароуннаҳрнинг бошқа областларини, аввал Самарқандни қорахитойлар зулмидан озод қилиш учун қорахитойларга қарши олиб боражак ҳужумида Бухорони ўзининг мустаҳкамланган биринчи таянч марказига айлантирмоқчи бўлди. Аммо буюк Хоразм давлати Шарқда кўтарилган янги бир даҳшатли кучга дуч келди. Бу Осиё ва Оврупанинг кўп халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий-сиёсий ва бу давр маданий ҳаётига катта зарба берган Чингизхон ҳужумидир.

МУҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ

Маълумки, XII аср охири ва XIII аср бошларида Муғулистоннинг тўхтовсиз равишда ўзаро адоват ва душманлик билан яшовчи турли қабиалари (татарлар, найманлар, керейтлар, маркитлар ва бошқалар) ўртасидаги синфий курашда, ноёнлар, яъни мўғул кўчманчи феодал оқсуяклари манфаатини кўзловчи давлатнинг ташкил топиш жараёни юз бермоқда эди. Мўғуллар бу вақтда патриархал уруғ-қабила муносабатларининг хусусиятлари бўлган феодал типдаги синфий жамиятда яшар эдилар. Мўғулларда феодализмнинг бундан кейинги ташкил топиши уларнинг феодал тузумда бўлган ўтроқ аҳоли яшаб турган деҳқончилик мамлакатларини — Хитой, Ўрта Осиё ва бошқаларни истило қилишлари йўли билан борди. Бир қанча ўлкаларда истилочилик урушлари олиб борган мўғуллар 1220 йил февралида мудофаага яхши тайёрланмаган Бухорога яқинлашиб бордилар. XIII асрнинг биринчи ярмида Чингизхон истилолари даврида яшаган Эрон тарихчиси Жузжонийнинг кўрсатмаларига қараганда, Бухоронинг кичкинагина горнизони бор-йўғи 12 минг жангчидан (Жувайнийнинг айтишига қараганда эса, 20 минг жангчидан) иборат эди, холос. Улар ҳам мудофаага яхши тайёргарлик кўрмаган эдилар. Бухоро қўшинига Севинчхон, Қушлихон ҳамда Қўкхон бошлиқ эди. Кейингиси мўғуллардан қочиб келган уйғурлардан эди. Дастлабки уруш ҳаракатларидаёқ Бухоро лашкари қирилиб кетди. Уларнинг озгина қисми шаҳар ичига кириб зўрға қутулди.

Шаҳар аҳолиси босқинчиларга қаҳрамонона қарши-

лик кўрсатдилар. Лекин руҳонийларнинг очиқдан-очиқ хоинлиги ва баъзи лашкарбошиларнинг сусткашлиги, фаолиятсизлиги натижасида шаҳарни душман анча осонлик билан эгаллади. Рашидиддин Жувайний мусулмон феодал Шарқининг энг машҳур шаҳарларидан бири бўлган Бухорога Чингизхон ва унинг ўғли Тули қандай кириб келганлигини қуйидагича таърифлади: Чингизхон жоме масчитига отлиқ кириб бориб, Бухоро шаҳрининг барча улуғларини ўз олдига чақиртирган. Мўғуллар шаҳарнинг омборхоналарини очиб, ғаллаларни ташиганлар. Битма қуръонлар сақланган сандиқларни отларига охур қилганлар, масчитларга мешларда шароб келтириб, шаҳарнинг ҳофиз ва ўйинчиларини чорлатиб, базм ва майхўрлик уюштирганлар. Мўғуллар долғулига келтириб ўз ашулаларини айтардилар, бой-боёнлар, муридлар, уламолар ва шайхлар эса отбоқарлар ўрнини босиб, отхоналар олдида мўғулларнинг отларига қараб турар ва уларнинг амр-фармонларини бажариш билан машғул бўлганлар.

Шаҳар дарвозалари очилиб, Чингизхон шаҳарга кирган бўлса-да, Бухоро ҳали қатъий таслим бўлмаган эди. Чингизхонга қул бўлишни хоҳламаган шаҳар ватанпарварларидан 400 таси Бухоро аркига бекиниб олиб, мўғулларга қарши 12 кун давомида қаҳрамонона жанг қиладилар.

Мўғуллар шаҳарни батамом қўлга киритганларидан кейин, Чингизхон Бухоро шаҳрининг энг катта бой кishiларидан 280 кishiни тўплайди. Герман Вамберининг таъкидлашича, улардан 190 кishi бухоролик бўлиб, 90 таси ажнабий савдогарлар эди¹. Чингизхон, улардан ҳамма мол-мулкларини топширишларини ва бошқа бадавлат одамларнинг қандай мол-мулк ва давлати борлигини айтиб беришларини талаб қилади.

Бухорога кириб келган Чингизхон шаҳар гўзаллигидан ҳайратда қолган эди. Айниқса, Сомоний тарафидан муҳташам безаклар билан қурдирилган жоме масжидининг кўриниши Чингизхонни ҳайратда қолдирган эди. У ўғли Тули билан бирга отдан тушмай масжидга кириб, минбар олдига бориб тўхтайдилар. Отдан тушиб минбарнинг бир неча зинасига кўтарилгач, орқасида турган мўғулларга қарата: «Ўтлоқ ўрилди, отларингизга ем берингиз!»—дея қичқиради. Бу талон-

¹ Герман Вамбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. «Шарқ Юлдузи» журнали, 1990 йил, 4-сон, 123-бет.

тарож қилишга рухсат ишораси эди. Шундай қилиб, Чингизхон шаҳарни ваҳшийларча талашга рухсат беради. Қимматбаҳо зеб-зийнат буюмларини тўплайдилар. Кўринишдан ҳеч бир қиймати бўлмаган муқаддас нарсаларни ҳам аямайдилар. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилади. Илм юлдузлари бўлган муллолар, шайхлар қуллар каби, эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса, мўғул бахшиларига масхара учун берилди. Кўпгина мўътабар қозилар бошқалар каби эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди.

Бухоро шаҳрида Султон Муҳаммаднинг яширинган аскарлари шаҳарда турган Чингизхонга қарши тунда хужумлар уюштириб турди. Буни кўрган Чингизхон шаҳарликлардан уларни тутиб беришларини талаб қилди. Маҳаллий аҳолига қарата Султон Муҳаммаднинг ҳаракати тўхтатилмаса, уларни оғир жазолар кутишини ҳамда ер остига яширинган бойликларини топиб беришларини талаб қилиб Чингизхон шундай деган эди: «Эй одамлар! Билингиз, сизлар оғир гуноҳ қилдиларингиз. Бунинг асосий сабабчиси сизларнинг хонларингиз. Сенинг ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмоқдасан, деб сўрасангиз. Билингиз мен Тангрининг фарзандиман. Агарда сиз гуноҳкор бўлмасангиз, Тангри сизнинг жазоингизни бериш учун мени юбормас эди. Энди, сизнинг ер устидаги бойликларингиз тўғрисида сира маълумот сўрамаймиз, аммо сиз ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак»¹. Бухороликлар эса Чингизхон талабларини бажармай, яширинган бойликларни асраб турадилар ва тунги хужумларида Султон Муҳаммад одамларига ёрдам берадилар. Шундан кейин Чингизхон ниҳоятда ғазабланиб, бутун Бухоро шаҳрини ёндиришга буйруқ берди. Шаҳарда катта ёнғин чиқди. Аксари ёғоч иморатлардан иборат бўлган Бухоро бир неча кун ичида бутунлай ёниб тушади. Фақат тош ва ғиштдан қурилган масжидлар, саройларгина ўт денгизи ичида қора тош ва нуқталар бўлиб қолади. Зарафшон устидаги маъмур шаҳар хашақка айланади. Қалъа ичидаги аскарлар Кўкхон раҳбарлигида мудофаани давом эттирадилар. Аммо уларнинг сони кам бўлганлиги учун мўғуллар томонидан қириб ташланади. Қирғин бошланмасдан олдин шаҳар

¹ Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. «Шарқ Юлдузи» журнали, 1990 йил, 4-сон, 123-бет.

аҳолисига фақат бир қават кийим-бош билан шаҳардан чиқиб кетиш буюрилган эди. Буйруқни бажармай шаҳарда қолганлар шафқатсизлик билан ўлдирилади. Бухоро шаҳрининг ўзида 30 мингдан зиёд аҳоли жаллод қўлида қатл этилади. Қолганлари эса, табақаларига қарамай, қул қилинади. Ўзларининг санъатлари, илм-маърифатлари, нозик табиатлари ва ахлоқлари гўзал бўлган Бухоро аҳолиси бахтсизликка маҳкум этилади. Қочоқлардан бири Хуросонга келиб, ўз ватани (Бухоро) нинг аҳволи ҳақида кенг шухрат қозонган қуйидаги байтни айтган эди: «Омаданд ва кунданд ва сўхтанд ва куштанд ва бурбанд ва рафтанд» (келдилар ва емирдилар, ёндирдилар ва ўлдирдилар, таладилар ва кетдилар). Тарихчи ибн Аттор шундай ҳикоя қилади: «У ҳақиқатан даҳшатли кун бўлди. Бори мангуга кетган эрларнинг, хотинларнинг, болаларнинг товушларигина эшитилиб турди. Ваҳшийлар хотинлар ва қизларни ўзларининг биродарлари кўзи олдида таҳқирладилар. Улар бу таҳқирга қарши кўз ёшидан бошқа қурол олмадилар. Кўплари бу даҳшатли манзарадан ўлимни ортиқ кўрдилар. Қози Бадриддин, Имом Рукниддин ва унинг ўғли номуссизлик манзарасига чидай олмай, ғазабланиб, ўзлари тенг бўлмаган душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топдилар».

Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини туфайли Бухоро ана шу даражада хароб қилинган эди.

Тамомила қашшоқланган халқ оммаси, яъни деҳқонлар ва ҳунарсандлар ё очлик ва тўла ҳуқуқсизликдан ҳалок бўлиши ёки мўғул маъмурлари ва улар билан иноқлашиб олган маҳаллий феодалларнинг зулмига қарши қўзғолон кўтариб, ўз ҳаётини яхшилаши керак эди. Бухоро ва унинг вилоятларидаги аҳоли иккинчи йўлни танлади, оммавий қўзғолон йўлига ўтди.

Жувайнийнинг айтишига қараганда, Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда 1238 йилда қўзғолон бўлди. Бухородан уч фарсоҳ нарида Тороб қишлоғи бўлиб, бу қишлоқда элакчи Муҳмуд Торобий яшар ва ишларди. Бу қишлоқ ва унинг атрофида яшовчи деҳқонлар, Жувайнийнинг кўрсатмаларига қараганда, «диний ақидаларга хилоф» мажлислар, зиёфатхўрлик ва базм уюштириб, улар шу мажлисларида мўғул босқинчилари ва маҳаллий феодалларнинг чексиз зулми остида қандай жафолар кўраётганларини ҳам муҳокама қилганлар.

Бу мажлисларнинг мазмуни, характери тўғрисида Жувайнийнинг айтган гаплари ажабланарли эмас, чунки ўрта асрларда феодал жамиятидаги тартиблардан норози кишилар ҳукмрон диндан алоқани узиб, мистика (тасаввуф) йўлига кирар ёки ислом нуқтаи назаридан куфр, бидъат ҳисобланган бирор таълимотга эришардилар. Бухоро ва унинг атрофларида меҳнаткашлар оммаси «подшоҳлик худоникидир» ва «Султон худонинг ердаги соясидир» деган гаплар билан халқнинг онгини заҳарлаган мусулмон руҳонийларидан, ислом динидан юз ўгирмоқда эди. У вақтда султон ҳокимияти мўғуллар қўлида бўлганидан мўғулларга ҳамда маҳаллий феодалларга қарши бирор гап айтиш мумкин эмас ва шу билан бирга, ислом нуқтаи-назаридан бидъат ҳисобланган таълимот билан ҳам чиқишиб бўлмасди. Ана шунинг учун меҳнаткаш аҳоли ислом дини ақидаларига хилоф бўлган бирор таълимотга эргашарди. Бу мажлисларда ҳаммадан кўра кўпроқ Маҳмуд Торобий ажралиб турарди: ҳамқишлоқлари ўртасида унинг обрўи жуда катта бўлиб, улар Торобийнинг ҳар бир сўзига амал қилар эдилар.

Маҳмуд Торобийнинг ваъз-насиҳатлари тўғрисидаги хабарлар Бухорога ҳам етади. Бухорода унга тарафдорлар топилади, булар ўртасида зодагонлардан бўлган олим Шамсиддин Махбубий ҳам бор эди. Шамсиддин Махбубий бир қанча сабабларга биноан ўз маслакдошлари билан қаттиқ жанжаллашиб, юқори мансабдаги руҳонийлар назарида муртад бўлиб қолган ва Маҳмуд Торобийнинг ваъз-насиҳатларини зўр бериб қувватлай бошлаганди. Жувайнийнинг сўзига қараганда, Шамсиддин Махбубий Торобийнинг ўзига:— «Менинг отам Бухоронинг Тороб қишлоғидан бир подшоҳ чиқиб дунёни озод қилишини айтган ва унинг нишоналарини тасвирлаб берган, мазкур подшоҳ ва унинг тавсифи китобда ҳам баён қилинган, қарасам — ул нишоналар сизда намоён бўлибдир» — деган.

Маҳмуд Торобийнинг тарафдорлари кун сайин кўпайган. Торобда ва Бухоронинг бошқа қишлоқларида аҳолига Маҳмуд Торобийнинг ваъз-насиҳатлари шу қадар таъсир қилган эдики, халқ мўғулларга ва маҳаллий дунёвий ва руҳоний феодалларга қарши қўзғолон кўтариб чиқишга нишона берилишинигина кутиб туради. Торобий юргизган тарғиботнинг муваффақиятлари мўғулларнинг қулоғига бориб етади. Бухородаги

«Амирлар ва босқоқлар қўзғолонни бостиринш чораларини кўриш тўғрисида кенгаш ўтказадилар ва юз берган аҳволдан хабардор қилмоқ учун Хўжандга — ҳоким Ялавоч олдига чопар юборадилар»,— деб ёзади Жувайний.

Босқоқлар ва амирлар ўзларининг ҳозирча кучсизликларини ва Маҳмуд Торобой ҳамда унинг тарафдорларига қарши очиқдан-очиқ уруш қила олмасликларини тушуниб, халқ йўлбошчисини ҳийла билан Бухорога олиб келмоқчи ва йўлда ўлдирмоқчи бўладилар. Шу мақсадда Тороб қишлоғига Маҳмуд олдига Томш бошчилигида бир неча мўғул лашкарбошиси юборилади. Лекин Маҳмуд Торобий уларнинг найрангларини дарров англаб, ёвуз ниятларини фош қилади ва шу билан ўз ҳаётини сақлаб қолади. Шундай бўлса-да, у Бухорога жўнайди, Бухорода халқ уни хурсандчилик билан кутиб олади ҳамда уни қувватлашга ваъда беради. Шу нарса диққатга сазоворки, Маҳмуд Торобий Бухорога келгандан кейин дарров Малик Санжарнинг саройига боради ва шу билан сиёсатда Малик Санжарнинг юқорида айтиб ўтилган 1207 йилги ҳаракати руҳида иш қилаётганини таъкидлайди. Маҳмуд борган маҳалла ва бозорлар,— деб ёзади Жувайний,— одам билан лик тўлиб кетган эди, мушук ўта оладиган жой ҳам йўқ эди».

Бу орада амирлар ва босқоқлар ҳам жим ўтирмай, қандайдир янги фитналар ҳозирламоқда эдилар. Бунинг биров Маҳмуд Торобийга хабар қилади. Торобий Бухорода туравериш хавфли эканлигини англайди. Бундан ташқари, у қўзғолон учун қулай фурсат келганини, чунки Маҳмуд Ялавочнинг амир ва босқоқларига ёрдам учун Хўжанддан юборадиган аскарлари етиб келгунча бирмунча вақт ўтишини ва бинобарин, бу фурсатни қўлдан бермаслик зарурлигини яхши тушунади. Шунинг учун Маҳмуд Торобий Бухородан чиқиб, шаҳарга энг яқин жойдаги Абухафса тепалигида (шаҳар деворидан шимолда) туришни энг маъқул иш деб ҳисоблайди. Унинг Бухоро шаҳридаги ва шаҳар атрофида жойлашган қишлоқлардаги энг яқин тарафдорлари бу тепаликка келиб тўплана бошлайдилар. Жўвайнийнинг айтишига қараганда, Маҳмуд Торобий ўз тарафдорларига мурожаат қилиб бундай деган: «Ҳой ҳақиқат ҳомийлари, яна нега сусткашлик қиламиз, яна нимани кутиб турамыз? Дунёни кофирлардан тозалаш

зарур, ҳар бир киши бисотида бор яроғ-аслаҳасини ёки сўйил ва таёғини шайласин ва ишга солсин».

Бу чақириқ ҳал қилувчи роль ўйнайди. Маҳмуд Торобий ёнида яхши қуроолланмаган бўлса-да, лекин ўзларининг қадрдон шаҳар ва қишлоқларини мўғуллардан ва уларнинг ҳукмрон феодал синфга мансуб шерикларидан озод қилиш ишига фидокорона тайёр турган содиқ кишилардан иборат катта қўшин тўпланди. Маҳмуд Торобий ўз тарафдорларининг қуроолланган қўшини билан яна Бухорога келиб, Робиа саройига қўнади. Бу сафар босқоқлар ва амирлар қўзғолончиларга фаолият майдонини бўшатиб беришдан ва уларга келгусида зарба бериш учун яширин иш олиб боришдан бошқа илож топа олмайдилар.

Бу орада Маҳмуд Торобий Бухоронинг сардларини, катта амалдорлари ва бойларини Робиа саройига чақиртиради. Жувайнийнинг ёзишига қараганда, «Нуфузли оилага мансуб садр аъзам Бурхониддин Маҳмудни ақл-идрок жиҳатидан ҳам, олийҳимматлик жиҳатидан ҳам ўзига номақбул киши бўлиб кўринмаганидан унга халифалик мансабини берди, ўзи (садр аъзам) эса Шамсиддин Маҳбубийни сард деб эълон қилди».

Маҳмуд Торобий ўзининг Бухоро ва унинг вилоятидаги ҳокимиятини халқ қонуний ҳокимият деб англаши учун бирор чора топиш зарурлигини жуда яхши биларди. Мана шу чора сифатида у қонуний руҳоний ва дунёвий ҳокимиятни ўз қўли остига олиш мақсадида юқори мансабли мусулмон руҳонийларининг вакиллари бўлган садрларни ўзини ҳалифа деб эълон қилишга мажбур этади. Маҳмуд Торобий қонуний ҳукмдор деб эълон қилинганидан кейин дарҳол мўғуллар билан яқин алоқа боғлаб, халқнинг нафрати остида қолган амалдорлар ва феодал зодагонларига қарши бир қанча тадбирларни амалга оширади. У, катта, амалдорлар ва бой боёнларнинг кўп қисмини ҳақорат қилади ва шармандасини чиқаради, баъзиларини ўлдиртиради, уларнинг бошқа бир қисми қочиб қутулади. Оддий халққа ва дарбадарларга эса у илтифот ва марҳамат кўрсатади.

Маҳмуд Торобий энг қийин кунлар энди келишини жуда яхши билганидан, Бухорога келаётган мўғул қўшинларига қарши қуроолли курашга зўр бериб тайёргарлик кўради. Бухородан қочиб кетган амирлар ва босқоқлар Карманада қўзғолонга қарши марказ уюш-

тирадилар. Улар яқин атрофдаги ноҳияларда бўлган ҳамма мўғулларни Карманага тўплаб, каттагина қўшин билан Бухоро устига юрадилар.

Жангда Маҳмуд Торобийнинг тарафдорлари ғалаба қозонадилар. Тор-мор келтирилган мўғуллар Кармана томонга қараб қочади. Қўзғолончиларга Бухоро яқинидаги ҳамма қишлоқлардан янги кучлар келиб қўшилади. Теварак-атрофда яшовчи аҳоли ўз қишлоқларидан болта ва белкураклар кўтариб чиқиб, Маҳмуднинг тарафдорларига келиб қўшилар ва учраган амалдорларни айниқса солиқ йиғувчиларни ва бадавлат кишиларни ушлаб олиб бошларини болта билан ёрарди. Шундай қилиб, улар душманни Карманагача қувиб борадилар. 10 минггача одам ўлдирилади.

Бу ғалаба Маҳмуд Торобий ҳаракати эришган катта муваффақият эди. Кейинча, яъни қўзғолончиларнинг кучлари анча заифлашганда бу ҳаракат жуда пасаяди. Гап шундаки, қўзғолон вақтида Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий ҳалок бўладилар. Қўзғолончилар ҳалок бўлган раҳбарлари ўрнига Маҳмуднинг икки укаси Муҳаммад ва Алини ўзларига бошлиқ қилиб кўтарадилар. Муҳаммадда ҳам, Алида ҳам ташкилотчилик қобилияти йўқ эди. Халқ ўртасида ҳам эътиборсиз кишилар эди. Шу сабабдан қўзғолончилар мўғуллар билан бўладиган янги тўқнашувга ҳеч қандай тайёргарлик кўра олмайдилар. Жангдан бир ҳафтагина ҳам ўтмай, қўзғолончилар устига мўғулларнинг Элдиз Ноён ва Чекан Курчи бошлиқ янги қўшинлари ҳужум қилиб келади. Қўзғолончилар тор-мор келтирилади ва урушда улардан 20 мингга яқин одам ўлади. Мўғуллар яна хўжайин бўлиб оладилар, улар Бухорога кириб шаҳар аҳолисини шафқатсиз суратда талайдилар ва калтаклайдилар. Бухоролиларга ва Бухоро шаҳри атрофида яшовчи деҳқонларга зўравонлик қилиш шу даражага бориб етадики, хатто ўта қаттиққўл ва шафқатсиз киши бўлган Маҳмуд Ялавоч ҳам Бухорога келиб, одамларни бекордан-бекорга уриш ва ўлдиришни тўхтатишни талаб қилади.

Маҳмуд Торобий ҳаракати феодал тартибларнинг асосини қўпориб ташлашга интилдими? Маҳмуд Торобий ҳоким синфларга душманлик билан қараган бўлса-да, аммо унинг душманлиги, асосан, солиқ, ўлпон ва мажбуриятларнинг ҳаддан ташқари оғирлигига, шунингдек, бу солиқ ва ўлпонларни ундиришдаги суинис-

теъмолларга қарши қаратилган эди. Маҳмуд Торобий ва унинг тарафдорлари солиқ йиғувчиларни жуда ёмон кўрардилар.

Маҳмуд Торобий қўзғолонининг оқибатлари нима бўлди? Бу қўзғолон Бухоро ва умуман Мовароуннаҳр тараққиёти учун ижобий таъсир қилдими?

Қўзғолон халқнинг мўғул босқинчиларининг зулмига, зўравонлик тартибларига нафрат билан қарагани ва мўғул истибдодига қатъий зарба бера оладиган қудратли куч эканлигини кўрсатди. Мангухоннинг юқорида айрим парча келтирилган ёрлиғини эслайлик. Ёрлиққа сана қўйилмаган, аммо бу ёрлиқ 1259 йилдан кейин чиқарилган бўлмаслиги керак, чунки 1259 йил Мангухон ҳукмронлигининг сўнгги йили эди. Ҳар ҳолда, бу ёрлиқнинг чиқиши Мангухон ҳукмронлигининг охирига эмас, балки бошларига ёки ўрталарига тўғри келади, демак, Торобий қўзғолонидан 15 йилча кейин чиққан бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ёрлиқда баён қилинган солиқ йиғишдаги ва мажбуриятларни ундириб олишдаги суиистеъмоллар ҳаммадан кўра Бухорода кўпроқ бўлган. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш оммаси ўша вақтда қандай оғир аҳволда яшаганини мўғулларга Маҳмуд Торобий қўзғолони ҳаммадан кўра яхшироқ кўрсатиб берди, деб фараз қилсак хато бўлмайди. Фикримизча, Мангухоннинг ўз ёрлиғида деҳқонларнинг аҳволи тўғрисида ташвиш билан айтган гаплари ва Торобий қўзғолони узвий боғлиқдир. Бухорода бўлган 1238 йилги қўзғолон бу ёрлиқни юзага келтирган сабабларнинг энг муҳимидир.

Демак, Маҳмуд Торобий қўзғолонидан сўнг мўғуллар Бухоро ва умуман Мовароуннаҳрда маҳаллий аҳолининг, айниқса деҳқонлар ва ҳунармандларнинг аҳволи оғирлигини сеза бошлаганлар. Мўғул босқинчиларида маҳаллий аҳолини эзиш кучайтирилаверса, янги халқ ҳаракатлари келиб чиқишидан хавотирланиш ҳис-туйғулари пайдо бўла бошлаган.

Чигатой улусига (Шарқий Туркистондаги Гучендан то Амударёгача ёйилиб кетган территорияга) ҳокимлик қилган Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудбек ҳокимлиги даврида (1254—1289 йй) ҳам маҳаллий аҳолининг мўғул босқинчилари учун бажарадиган мажбуриятлари сони оширилди. Шунга қарамасдан Маъ-

судбек идора қилган вақтда бошқа жойлардан фарқ қилиб Бухорода бир қадар жонланиш бошланди: янги катта бинолар қурилди, бу катта биноларнинг бири «Маъсудия» мадрасаси бўлиб, унинг 1000 та талабаси бўлган. Улуғ хон Мункенинг онаси қурдирган «Хония» номли чиройли мадраса ҳам Бухородаги катта биноларнинг иккинчиси эди. Аммо Бухорода шаҳар ҳаётининг бирмунча жонланганига ва бу икки бионинг қурилганига қараб, мамлакат хўжалиги юксалди,— деб бўлмас эди; шаҳар ҳаётидаги бу салгина жонланиш мамлакатнинг умумий иқтисодий ва маданий тушкунлигидан мустасно бир ҳол эди.

XIII аср иккинчи ярмида ҳам Бухоро шаҳри босқинчилар томонидан яна бир неча марта таланди. Бу эса Бухоронинг Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнига путур етказа бошлади. Масалан, 1272 йилда Эроннинг мўғул подшоши Хулағу-хоннинг қўшини Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Кейин Нахшобни талади, сўнгра Бухорони қамал қилди. 1273 йилнинг 22 январида Хулағухон қўшини шаҳарни ишғол қилди. Шаҳарда талончилик ва қирғин бошланди, бу тўс-тўполонлар вақтида «Маъсудия» мадрасаси ва ундаги кўп қўлёзма китоблар ёниб кетди. Шаҳарда ур-ур, сур-сур, талаш ва ўлдиришлар бир ҳафтагача давом этди. Ниҳоят, Алғунинг ўғиллари Чулой ва Қопон ўн мингча чигатой мўғул отлиқ аскарлари билан Бухорога «ёрдам бергани» келяпти — деган хабар келди. Хулағухоннинг Оқбек бошчилигидаги аскарлари ғоят катта ўлжа (ҳар хил бисот ва буюм, чорва, кўп миқдор қул ва асир) олиб дарҳол Бухородан чиқиб кетадилар. Улар Херамкам номли анҳордан ўтганларида чигатойлар орқаларидан етиб келган бўлсалар-да, аммо уларни таъқиб қилишга ботинмайдилар. Бухорога аскарлари билан киргач, Чулой ҳам шаҳарни талади ва кўплаб бухоролиларни ўлдирди. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб 50000 га яқин киши ўлдирилади. Оқбек, Чулой ва Қопоннинг аскарлари шаҳарни уч йилгача талаб юрдилар. Натижада Бухоро ва унинг атрофи бутунлай вайрон бўлади ва ҳувиллаб қолади.

Етти йил давом этган харобалик ўз оқибатини кўрсатди, Бухоронинг савдо, ҳунармандчилик ва маданият маркази сифатидаги аҳамияти йўқолди. Ҳолбуки, шу вақтдан салгина илгари, яъни 1262 йилдан 1265 йилгача Бухорода яшаган ака-ука Поллолар Бухорони

Урта Осиё ва Эроннинг энг яхши шаҳарларидан бири деб ҳисоблаган эдилар.

XIII аср охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида мўғул ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган айрим тadbирлар ҳам Бухоро шаҳрида мўғуллар истилолари даврида юз берган вайронгарчилик ва харобазорларнинг изларини йўқота олмада.

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА

XIV асрнинг 50—60-йилларида Урта Осиёда мўғуллар истилоси натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тушкунликка тушаётган бир вақтда барлос уруғининг кўрагон тармоғидан Темурнинг майдонга чиқиши ва мўғуллар зулмига қарши озодлик байроғини кўтариши буюк ҳодиса бўлди. Ўз вақтида жаҳон пролетариатининг доҳийси К. Маркс ҳам Амир Темурнинг ҳаёт йўли, курашлари тарихи билан қизиқиб, Темурнинг мамлакатдаги феодал тарқоқлигига зарба беришга ва марказлашган давлат тузишга интилганлигини юқори баҳолаб шундай таъкидлаган эди: «Темур ўз подшолигига давлат тузуми берди ва қонунлар яратди, булар унинг фармони билан, татар босқинчилари¹ қилган йиртқичликлар ва ваҳшиёна харобаликларга қарама-қарши эди»².

Кўриниб турибдики, ҳатто К. Маркс ҳам Амир Темур ҳукмронлигининг прогрессив томонлари борлигини қайд қилган бўлса-да, ҳозиргача яратилган адабиётларда унинг ҳукмронлик даврини қоралаб, ўзини эса фақат босқинчи сифатида талқин қилиб келинди. Тарихий ҳақиқатни баён қилишга ҳаракат қилар эканмиз, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида амалга оширилган айрим ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1370 йилда Бухоронинг Темур империяси таркибига киритилиши шаҳарда тез-тез такрорланиб турган босқинчилик урушлари ва талон-тарожларга зарба берди. Шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ижобий силжишлар кўзга ташлана бошлади.

¹ Амур Темурнинг қўли остидаги талончи аскар ҳисобга олинади.

² Маркс К. ва Энгельс Ф. архиви, 6-том, 1939 йил, 184-бет.

Герман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр та-рихи» асарида қайд қилганидек, Темур бошқариш иш-ларини ўз қўлига олгач, жуда ҳолдан тойган мамлакат-да қонун ва тартиб ишларини жорий этади. У ислом динига ҳурмат билан қарайди. Ислом қонун-қоидалари, удумларини ҳурмат билан бажо келтиради. Амир Те-мур нафақат туғилган жойи Шаҳрисабз, балки Мова-роуннаҳрнинг кўпгина шаҳарлари, жумладан Бухоро-нинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётига ҳам эътибор билан қараган. Илмли ва фозил кишиларнинг қадрига ета олган. Агар бошқа жойларни босиб олса ҳам, биринчи навбатда илм аҳлини, шу ўлканинг рас-сомлари ва моҳир усталарини, кутубхоналардаги ки-тобларни ноёб ўлжа ҳисоблаб, улардан фойдаланиш мақсадида Мовароуннаҳрга юборган. Машҳур шайх Бухорий Амир Темур марҳаматидан фойдаланган. Амир Темур томонидан ноёб ўлжа сифатида қадрла-ниб, Мовароуннаҳрга юборилган маданият ва санъат арбоблари ва уларнинг асарларидан фойдаланилиши Бухоро шаҳрида маънавий ва моддий маданиятнинг юксалишига ҳам салмоқли таъсир кўрсатган.

Турғунлик йиллари деб аталмиш даврда биз Амир Темурни ваҳший, марҳаматсиз деб келдик. Бинобарин, Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атадик. Тўғри, у ўзининг қўшини ва қуролларидан ўз замонасининг таомилига кўра фойдаланган эди. Аслида унинг фаолияти, хусу-сан, душманлари томонидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранроқ қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида рўй берган. Амир Темур томонидан би-рор ўлкани, бирор юртни жазолаш ўта қаттиқ, лекин адолатли бўлган. Шунинг учун ҳам унинг қўшинида доимо мустаҳкам темир интизом ҳукм сурган. Унинг Амир Темурлиги ҳам ана шундадир.

Турк ва араб қавмидан бўлган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби Темурда ҳам она Ватанига нисба-тан тарафкашлик кучли бўлган. Темурнинг яна бир хизмати шундаки, у Урта Осиё шаҳарларини, шу жум-ладан Бухорони ҳам ажнабий давлатлар билан иқти-содий муносабатлар доирасига торта олган. Бунинг далили сифатида христиан элчиси дон Рюи Гонсалес де Клавихо Амир Темурнинг расмий қабулида бўлганида соҳибқироннинг таъкидлаган қуйидаги сўзларини кел-тириш мумкин. Испан элчисини қабул қилаётган, Те-

мур ўз вазирларига хитобан ифтихор билан шундай деган эди: Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюгидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуг халқлардир. Ўғлим, мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истайман».¹

Темурунинг эришилган ҳар бир муваффақиятни, ҳар бир севинчли воқеани шу муваффақият ва воқеа шарафига албатта меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлаши Мовароуннаҳр шаҳарлари маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этганди. Шу мақсадда Ҳиндистондан юзларча моҳир ғишт терувчилар, Шероз, Исфохон ва Дамашқнинг машҳур усталари гўзал иморатлар қуришда иштирок этганлар. Темур Ўрта Осиёдан бошқа жойлардаги шаҳарларда ҳам бинолар қурдиришга аҳамият берган бўлса-да, лекин ўзининг буюк саҳоват ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий меъморчилик бинолари қурдиришга бағишлаган. Ўзининг она Ватани бўлган биринчи шаҳарда отасининг қабри устида олий мақбара бино қилган. Тўнғич ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурдирган. Темур ўз ғалабаларининг илк даврида Кеш шаҳрига катта аҳамият бериб, уни Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантирган эди. Шу боис бу шаҳар Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарлар, жумладан Бухоро шаҳри маънавий ривожига ҳам кучли таъсир кўрсатиб турар эди. Чунки бу шаҳарни ўша даврда «Қуббатул илм ва адаб» унвони билан атар эдилар. Бухоронинг машҳур мадрасаларининг мударрислари, уламолар унинг деворлари ортида ҳижратда яшар эдилар.

Самарқанднинг пойтахтга айлантирилиши унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий марказ сифатидаги ролини ошириб юборди. Гарчанд Бухоро бу даврда ўзининг олдинги сиёсий марказлардан бири сифатидаги таъсирини бир қадар йўқотган бўлса-да, Зарафшон воҳасида ёнма-ён турган бу иккала азим шаҳарнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари кучли эди.

Нақадар ваҳший этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва тараққиётга муҳаббат, шунингдек,

¹ Герман Ванбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. Шарқ юлдузи, 1990, 5-сон, 136-бет.

диний илмлар ва дунёвий фанларга иштиёқ шу даражада кучли бўлганки, унинг замониди нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Шайх Хўжа Баҳовуддиннинг ўз қарашларини тарғиб қилишга кенг имконият яратиб берилган эди. Шайх Хўжа Баҳовуддин вафот этгунига (1388 йил) қадар Бухорода яшаб, жуда ҳурматли киши саналган, Бухоронинг миллий авлиёларидан ҳисобланган. Унинг шаҳардан чорак соатлик масофадаги қадамжонни уч марта бориб зиёрат қилишлик узоқдаги Қазбага ҳаж қилиш билан баробар саналган. Тарихда яна бир нарсани эътиборга олиш лойиқки, Бухорода яшаган нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбандий билан Амир Темурнинг ёшлигидаги устози бир киши, яъни саидлардан — Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодларидан бўлмиш машҳур шайх Шамсиддин Кулол бўлган. Ўз замонасида Темурнинг отаси, Амир Тарағай ҳам бу зотнинг муридларидан бўлиб, ўғлига унинг устозлик қилишини раво кўрган эди. Шамсиддин Кулол Амир Темурда нақшбандийлик тариқатида мавжуд бўлган эркесварлик ва инсоннинг мавжуд ҳаёт лаззатларидан тотишга интилиш истаги каби ижобий хислатларнинг шаклланишига асос солган эди. Шу боисдан бўлса керак, таъкидлаб ўтганимиздек, Темур ўта тақвадор бўлиб, урф-одат ва шариатга ислом қонун-қоидалари, удумларига ниҳоятда ҳурмат билан қарар эди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида (1405—1500) Бухорода уларнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган шайхлар, уламолар ҳамда мадраса мударрислари шаҳар ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлаганлар. Бухоро шу даврда бунёд этилган мадрасалар, масжидлар, қироатхоналарга эҳсон бериш кенг авж олган.

XIV—XV асрларда Бухоро ижтимоий, ҳаётида Нақшбандийларнинг «сўфизм» номи билан юритилган оқими таъсири кучли эди. Шаҳар камбағаллари, ҳунармандлар орасида, айниқса бу оқим кенг тарқалган эди. «Сўфизм» инсонни эркесварлик, ҳаёт лаззатларидан завқланишга ундаш ва шу каби прогрессив ғояларни тарғиб қилувчи таълимот сифатида шаҳар аҳолиси орасида машҳур бўлиб кетди.

Аммо ҳозиргача яратилган тарихий адабиётларда «сўфизм» фақат қўпоровчи ғоя сифатида талқин қилиб келинди, холос. Тарихимиздаги «оқ доғ»ларни тозалаш заруратидан келиб чиқиб, мазкур таълимотнинг моҳия-

тини чуқурроқ таҳлил қилиш, ундаги ижобий томонларни ҳам кўра олиш, имконияти яратилди.

Тўғри, нақшбандийларнинг мухлисларидан бўлган дарвеш шайхлар халққа меҳр-муҳаббат изҳор қилиш ниқобини кийиб олиб, халқни турмуш азиятларига кўникишга чақирувчи даъватлар билан ҳам чиққанлар. Бундан ташқари «сўфизм» таълимотида инсоннинг қадр-қиммати ҳақида ҳам илғор фикрлар мавжуд бўлган.

Улуғбек мамлакатни идора қила бошлаган вақтда Бухорода Муҳаммад Порсо деган йирик шайх шаҳар дин аҳллари ҳаётида катта роль ўйнаган ва «сўфизм»ни кенг тарғиб қила олган.

Улуғбек замонида Бухорода бир қанча фанларни ҳам ривожлантиришга эътибор берилган эди. Улуғбек астрономияни ўрганган йилларида пойтахт Самарқанд билан бир қаторда Бухоро (1417 йил) ва Ғиждувонда (1433 йил) ҳам мадрасалар қуришни буюрган эди. Гап бу ерда мадрасаларнинг қурилишида эмас, балки уларнинг нима мақсадда қурилганидадир. Чунки, узоқ вақт ҳукмронлик қилган ва хазинасида етарли даражада маблағлари бўлган ҳокимларнинг деярли ҳаммаси ҳам Улуғбекдан илгари мадрасалар солдирганлар. Гап шундаки, Улуғбек томонидан қурдрилган мадрасаларнинг қиймати нафақат диний билимлар, балки дунёвий билимларни ҳам ўргатишида эди. Бизнинг давримизгача сақланиб қолган Бухородаги Улуғбек мадрасаси эшикларига ўйиб ёзилган қуйидаги сўзлар эътиборга лойиқдир: «Билимга интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва хотин-қизнинг бурчидир». Бу ҳикматли сўзларнинг қиймати яна ҳам шундаки, феодал тузуми шароитида Улуғбек билимга интилиш фақат эркакларнинггина эмас, балки хотин-қизларнинг ҳам бурчи эканлигини баралла эълон қила олди. Бу фикрини эълон қилиш учун Бухорода бунёд этган мадрасани танлаши ҳам биз учун ниҳоятда қадрлидир.

Кўриниб турибдики, Мирзо Улуғбек буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби, салтанат эгаси бўлиши билан бирга улуғ олим, осмон илми — фалакиётни мукаммал эгаллаб олган эди. Ҳа, энг аввал машҳур француз ёзувчиси, файласуф ва тарихчи олим Вольтер (1694—1778 йиллар)нинг эътироф этганидек, Улуғбек Шарқда ташкил топган биринчи академиянинг асосчиси, илми ҳам, салтанатни ҳам бир қўлда сақлашга қодир бўлган киши эди.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мовароуннаҳрни ва унга қўшни вилоятларни қирқ йил (1409—1449) идора қилди. Ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр шаҳарлари, шу жумладан Бухоро ҳам иқтисодий ва маданий жиҳатдан Темур давридагига нисбатан анча юксалди.

Улуғбек бобоси Темур сингари босқинчилик юришлари қилмади. Унинг ҳарбий юришлари яқинлашиб келаётган хавф-хатарни бартараф қилишга қаратилган эди. Утрор шаҳрида Хитойга юриш учун тайёргарлик кўрилаётганда Темур (1405 йилда) вафот этади. Темурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш кучайиб кетади. Темур зехни ўткир, ақлу фаросати билан бошқалардан ажралиб турган Улуғбекни жондан севарди, «кўзимнинг нури, салтанатимнинг умиди, ниҳоли» деб ардоқларди. Лекин Улуғбек ўз вақтини кўпроқ китоб муталаа қилиш билан ўтказарди. Шунинг учун валиҳдликка номзод Пирмуҳаммад Жаҳонгир эди. Лекин Темур вафотидан кейин унинг энг яқин кишилари ҳокимиятни қўлга олиш учун Хитой юришидан воз кечадилар. Улар ўзларининг қасамларини бузиб, Самарқанд ҳокими Амир Аргуншоҳ билан алоқа ўрнатадилар. Темурнинг жасади солинган тобутни Утрордан Самарқандга олиб келинаётганда Амир Аргуншоҳ шаҳарга фақат тобут ортилган тахтиравоннигина киритади.

Шундан сўнг Улуғбекнинг тақдири қисман бўлса-да Бухоро билан боғланади. Бу ўринда шуни алоҳида эслатиб ўтиш лозимки, Мирзо Улуғбекнинг Бухорода бўлганлиги жумбоқ мавзу эди. Таниқли шарқшунос олим, Ўзбекистон ССР ФА мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби Бўрибой Аҳмедовнинг «Ёш гвардия» нашриётида чоп қилинган «Улуғбек» номли китобида бу масалага аниқлик киритилган. Олимнинг биринчи манбаларга асосланиб гувоҳлик беришича жаҳонга танилган улуғ аллома, беназир инсон, адолатпарвар жамоат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг нигоҳи азим шаҳримиз Бухорога тушган эди. Бу воқеа қандай кечган эди?

Самарқандга киришга рухсат берилмаган Улуғбек 1405 йилнинг 5 мартида бувиси Сароймулк хоним билан хайрлашиш кuni Иброҳим Султон билан биргаликда Бухорога бориладиган 8—9 кунлик йўлни 6 кунда босиб ўтадилар ва Қарманада тунайдилар. Бухоро шаҳар дарвозасига илк саҳар етиб келадилар. Улуғбек ва унинг ҳамроҳларини Ҳамза барлос бошчилигидаги уламолар

гуруҳи зўр тантана билан кутиб оладилар. Ҳамза Улуғбекка шу ернинг ўзида шаҳар дарвозаси калитини топширади. Улуғбек, тўғри Чашмаи Аюбга бориб зиёрат қилади ва Аркка келади. Бу даврда Самарқанд тахтида Халил Султон ўтирарди. Улуғбекнинг ҳаётидан хавфсиз раган Саройимулхоним: Улуғжон, жигаргўшам, Мирза Халилнинг нияти бузуқ кўринадур ва яна анинг Бухорода ҳам одамлари борга ўхшайдур. Ҳар ҳолда ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Менга қолса ўша ердан тезроқ ихрож бўлиб, улуғ отангизнинг олдига боринг», деб чопар юборади. Шундан кейин тез орада Халил Султон Бухоро дарғаси Ҳамза барлос ва унинг оғаси Рустам барлосни қўлга олади ҳамда улар билан тил бириктириб, Улуғбекка қарши фитна уюштиради. Улар Аркка ҳужум қиладилар. Бу фитнани пайқаган Улуғбек, Иброҳим султон ва уларнинг хизматкорлари ўша кечаси ечинмай йўл анжомларини шайлаб қўйиб чироқларни ўчириб ётадилар. Лекин Аркка ҳужум саҳар чоғида бўлганлиги сабабли Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари қуруқ бошларини олиб қочишга улгурадилар. Улар Талипоч дарвозасидан чиқиб, Қорақўл томонга қочадилар. Фақат кечалари юриб, кундузлари бирор ҳилват жойга яшириниб, йўл босадилар. Халил султоннинг одамлари уларни Қорақўлгача таъқиб қилиб борадилар. Шу воқеадан сўнг Мовароуннаҳрда қолиш хавфли эканлигини сезган Улуғбек етти йилдан бери дийдор кўришмакка зор отасининг ёнига — Ҳиротга йўл олади.

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб темурийлар давлати ўзининг олдинги шон-шуҳратини йўқота бошлайди. Темурийлар ўртасида давом қилиб келган феодал урушлари улар давлатининг сиёсий куч-қудратини анча заифлаштириб қўяди. Натижада кўчманчиларнинг Мовароуннаҳрга қилган ҳужумларида уларга қарши тура оладиган бирлашган кучнинг йўқлиги Шайбонийхоннинг бу мамлакатни ўзига бўйсундириши учун замин тайёрлаб берди.

Темурийлар давлатининг емирилиши натижасида Урта Осиё ва Бухоро ўзининг олиймақом маданияти ҳамда ҳақиқий нафосатга тўлиб-тошган даврини ўтаб бўлди. Темурийлар инқирозидан сўнг ташкил топган Бухоро хонлиги эса темурийлар давридагидек Бухорода ақоид, тафсир, тасаввуф каби илмларни ривожлантиришга темурийларчалик журъат эта олмади.

XVI асрнинг бошларида бир вақтлар Волга дарёси бўйида ташкил топган Олтин Ўрда давлатидаги Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек кўчманчи қабилалари Темурийлар давлатини тор-мор қилиб, Ўрта Осиёда ўз ҳукмронликларини ўрнатади. Шайбонийлар Жўжи сулоласидан тўққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон исмига нисбат бериб, ўзларига бир сиёсий қўшма ном — *ўзбек* номини қабул қилиб олганлар. Аслида улар Кўк Ўрданинг шарқида, Волга билан Орол денгизи орасида яшовчи турк-мўғул қабилалари эдилар. Герман Вамберининг ҳисоблашича, ўзбекнинг луғовий маъноси «шахсан ўзига мустақил хўжайин», эркин демакдир.

Демак, шу ўринда таъкидлаб ўтиш жонзирки, ўзбек халқининг шаклланиш илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шайбонийлар бостириб киргунча бу ўлкада яшовчи аҳоли турклар номи билан юритилиб, уларнинг халқ сифатида шаклланиши IX—X асрларга тўғри келган. Бухоро вилоятида ҳам IX—X асрлардаёқ улар халқ сифатида шакллана бошлаган эдилар. XVI асрнинг бошларида Волга дарёси бўйида ташкил топган Олтин Ўрда давлатидаги Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек кўчманчи қабилалари Темурийлар давлатини тор-мор қилишда ўзларининг эътибор ва ишончларини Муҳаммад Шайбонийга қаратган эдилар, уни Шоҳбахт деб атар эдилар. Шайбонийхон 1451 йилда туғилган эди. У ёшлигидаёқ истиқбол учун порлоқ умидлар туғдирган эди. Шайбонийхон отаси Бурдоқ Султон билан онаси Қўзибегимдан ёшлигида етим қолиб, укаси билан бирга отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида яшаган. Қорачабек бу шахзодага камоли садоқат билан хизмат қилган. Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сўнг Қорачабек ҳийла улғайган бу етим шахзодаларни олиб Абулхайр (Шайбонийхоннинг бобоси, ўзбекларнинг ҳокимларидан бири) оиласининг душманларидан Сирдарёнинг қуйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлади.

Шайбоний улғайиб, улуғ бобоси Абулхайрхоннинг йўқолган шон-шавкатини қайтармоқ ниятида катта тайёргарлик кўра бошлайди. Хусусан, Абулхайрхонга олчоқларча хиёнат қилган ва айни пайтда Сирдарёнинг юқори оқимида яшаётган Бурга Султондан қасос олишга аҳд қилади ва унинг саройига ҳужум қилади. Унинг

онла аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл қилади. Қочишга улгурган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмайди. Шайбоний уни топтириб, қатл эттиради. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шаҳзода ҳийла кучайган ўзбек суворийларига бошчилик қилади. У сўнгра Темурийларга қарши курашга отланади. Бу даврда Самарқанд тахтида Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳокимлик қилар эди. Мамлакат шимолӣ чегарасининг ноиби эса Қушлиқхон ўғли Мажид Тархон эди.

Туркистоннинг шимолӣ вилоятларидаги имтиёзли ҳокимлар (тобелар) исён кўтарган пайтда, Абдулхайрнинг ворисларидан исённи бостириш учун фойдаланилади. Лекин ўзбек шаҳзодалари бу ерни ўзларининг она Ватанларидек ҳис этганлари учунми ёки тўплаган кучлари таъсири биланми, ҳуллас, ҳар қандай қуролли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноат қилмайдилар. Шу боис Ўтрор, Соврон, Сигноқ шаҳарларини уларга бериб, рози қилиш лозим кўрилади. Кейинчалик ғоятда кенгайиб кетган Шайбоний мамлакати шу тарзда таъсис этилади.

Шайбонийхон бошлиқ ўзбеклар 1499 йилда биринчи марта Самарқандга тажовуз қилганлар.

Темурийлар ҳокимиятнинг таянчлари нечоғли чириган, асоси бўшашганига қарамай, Самарқанд ҳукмдорига содиқ турклар ҳамон кўп эди. Шайбоний аввало уларни тамоман ўз тарафига жалб қилишни лозим кўради ва бунга эришади. Булар орасида энг муҳимлари — Кўчим Султон, Суюнчхўжа Султон, Ҳамза Султон ва Маҳди Султонлар эди. Ана шундан кейин у ўзининг аввалги ниятини амалга ошириб, кучли тайёрланган қўшин билан Самарқанд устига юради.

Бобур Самарқанддан Андижонга кетгач, давлат бошида қолган Султон Али номигагина ҳоким эди. Улуғ боболари 400 йилдан буён Самарқандда Шайхулисламлик қилиб келаётган қози калон Хўжа Абулмакорим (асл номи Хўжа Яхё) ҳақиқий ҳоким эди. Лекин уларнинг ҳар иккови ҳам раҳбарлик ишларига уқувсиз эдилар. Мамлакатга таҳдид солаётган хавфни даф этишга қодир эмасдилар. Ун кунлик қамалдан кейин Шайхзода эшигидан чиқиб қилинган ҳужум муваффақиятли қайтарилган, Шайбоний Чорраҳа дарвозасидан кириб, Боғи навга бориб етган ва душман лашкарини ҳам ўз измига солган эди.

Уруш кун ўрталарида бошланган. Шайбоний ўлимга тик босиб, урушда шахсан ўзи иштирок этганди. Бутун тун бўйи ҳар икки томонда қирилиш давом этади. Эртаси Шайбонийга хизмат қилган Абдулалӣ тархоннинг ўғли Боқи тархон Самарқандга ёрдамга келади, унинг Дабусия истехкоми ёнида қароргоҳ қургани ҳақида хабар олинади.

Онаси билан оиласини шу ердаги саройга жойлаштиргач, лашкари билан Қорақўл устига ўради. Чунки бу ер биринчи марта забт этилиб, Бобой Султон раислигида қолдирилгач муҳофаза қисмлари шидда билан ағдариб ташланган эди. Шу бонс уни янгида қўриқ этишга эҳтиёж бор эди. Шайбоний ўзбекларининг аксарияти Қорақўл чўлидаги қароргоҳидалик пайтида, 1500 йилнинг кузида Самарқандда унинг ҳокимиятига қарши исён кўтарилади. Исёни бостириш учун Шайбонийхон исёнчиларга қарши қўшин ташлайди. Биринчи тўқнашувда 400 тача аскардан айрилгач, эртаси кунӣ ўз аҳволининг фалокат билан тугашини сезган Шайбоний Бухорога чекинади.

Лекин Шайбонийхоннинг кейинги қамали Самарқанд учун ниҳоятда оғир кечади. Тўрт ой чўзилган бу қамал ҳақиқатда ҳам Темур пойтахти тарихидаги энг оғир дамлардан эди. Қамал қилувчилар гўзал пойтахт атрофидаги бойлик ва неъматлардан ўзлари истаганларича фойдаланадилар. Аммо қамалдаги чигатойлилар эса, озиқ-овқат етишмаслигидан мусулмонлар қошида фавқулодда ёмон саналган от ва эшак гўштлари, ҳатто ўсимлик илдизларини тановул қилишга мажбур бўладилар, отларига эса пайраҳа бердилар. Бунинг устига тартибсизлик ва итоатсизликлар қўшилади. Ниҳоят, Бобур бўм-бўш қалъа ичида ўзининг ёлғиз қолганини кўриб, минг турли таҳлика ва қўрқувлар орасида, ҳечқурса ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида бир кечада Шайхзода дарвозасидан чиқиб, қалъани тарк этади. Катта опаси Хонзода бегим эса асир тушади. Шайбоний уни никоҳига олади.

Шу тариқа Самарқандда Темурийлар ҳокимияти инқирозга учрайди. Шайбонийхон Бухорода тантанали кутиб олинади. У 1508 йилга келиб Темур авлодининг барча мамлакатларини ўз тасарруфига олади ва уларни бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши ҳарбийларига тақсимлаб беради. Шу тақсимотда Бухоро ва Қорақўл ноиблиги Шайбонийнинг укаси Султон Маҳмуд-

ми саррофон бино қилинди. Шайбонийлар ҳукмрслиги даврида Бухоронинг зодагон табақалари мусиқага қизиқар эдилар. Бу йилларда ўзбек ва тожик тилидаги поэзия равнақ топади. Диний фанлар, мусаввирлик, каллиграфия, миниатюра санъати қадрланарди.

Рассом Шайхзода Маҳмуд, Абдулла кабилар миниатюрачи-коллиграфлар мактабининг кўзга кўринган раҳбарлари эдилар. XVI аср Бухоро наққошлик мактаби узоқ қўшни мамлакатларнинг бадий санъатига катта таъсир кўрсатган. Масалан, XVI аср бошларида Туркияга борган машҳур Бобо наққош Туркияда наққошлик мактабини ташкил қилган эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Шайбонийлар даврида ҳам кўркамлиги жиҳатидан теурийлар даврида қурилган бинолардан қолишмайдиган бинолар қурилган. Бухоро янада кўркамлашган, айниқса унинг ташқи қиёфаси гўзаллашган. У туб маънода қайта қурилган. Шаҳар режаси ўзгарган, йирик ансамбллар пайдо бўлганки, булар шаҳар қиёфасига яна ҳам обод кўркамлик ва жозиба бахш этган. Уша давр архитектура-сига хос қурилиш иншоотларининг аксарияти ҳозиргача сақланиб қолган.

АШТАРХОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ

Шайбонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абдуллахоннинг ўз давлатини марказлаштиришга интилиши натижасида фақатгина қисқа бир давр ичида катта бир ўлка қурол кучи билан Бухорога бўйсундирилади. Мамлакатда Абдуллахоннинг сиёсий мақсадларига қарши очик курашган феодаллар қаттиқ жазоланган бўлсаларда, аммо у айрим-айрим иқтисодий мавқега эга бўлган феодалларнинг, жуда кўп ўзбек султонларининг, ўзбек, туркман уруғ-қабилалари бошлиқларнинг айрим мустақил феодал вилоятлари учун курашларига бутунлай зарба бера олмади. Бунинг устига мамлакатда давом этган кескин синфий кураш хонлик негизини заифлаштирган эди. Шунинг учун ҳам хонлиkning Абдуллахондек аскар кучи билангина бирликни сақлаб турган ҳукмдорининг ўлдирилиши биланоқ ҳаракатлари вақтинча бос-тирилган феодал доиралар янги куч билан кўтариладилар. Хорижий давлатларнинг ҳужумлари қайтадан бошланади. Шайбонийлар хонадонида сулолани бу аҳволдан сақлаб қолиш қобилиятига эга бўлган киши

йўқ эди. Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин олти ойлик ҳукмронликдан сўнг 1598 йилда ўлдирилган.

Бухоро хонлигининг Амударёдан жанубдаги, яъни Сабзавордан Ҳиротгача бўлган ерлари Балх билан бирга Эрон шоҳи шоҳ Аббос томонидан истило қилинган. Хоразми Эрон шоҳи ҳузурида Абдуллахондан қочиб юрган ўзбек султонлари Хожи Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари ишғол қилади. Қозоқ султони Таваккал Тошкент ва Самарқанд вилоятларини Миёнқолгача талаб қайтади.

Ўзбек феодал доиралари ҳукумат бошига ўзбекларнинг янги бир хонадони вакиллари чиқариш билан Мовароуннахрнинг сиёсий тақдирини ҳал қиладилар. Бу ҳукумат бошига келганларнинг ота-боболари Каспий денгизининг шимолий соҳилларида — Аштархонда яшаб, XV аср ўрталарида Ўрта Осиёга келган ва шайбонийлар билан яқин алоқада бўлган эдилар. Уларнинг шайбонийлар билан ҳатто оилавий муносабатлари ҳам бор эди. Шулар орасидан хонликка кўтарилган Боқи Муҳаммад (1599—1605) Бухоро тахтини эгаллайди. Боқи Муҳаммаднинг ота-онаси Аштархон (Астрахань) дан бўлганлиги учун бу сулола Аштархонийлар сулоласи деб аталади ва у бир ярим асрдан кўпроқ ҳукм сурди.

Аштархонийлар Абдуллахон вафотидан сўнг Бухоро хонлигидан ажралиб кетган вилоятларни қайтариб ола олмайдилар.

Ички феодал курашларини ва халқ ҳаракатини бостира олмаган Боқи Муҳаммад, Ўрта Осиёнинг ажралмас бир қисми бўлган шимолий Хуросоннинг фақат Балх вилоятинигина қайтариб олади. Бундан кейинги даврда ҳам Бухоро хонлигининг сиёсий вазияти оғирлигича қолаверади. Имомқулихон (1611—1642) ҳукмронлиги даврида, аниқроғи 1611 йилда Эрон аскари Бухорога ҳужум қилади. Имомқулихон бу ҳужумни Мовароуннахр халқи ва Тошкент вилоятидаги қозоқларнинг катта ёрдами билангина қайтара олади.

Имомқули шаҳарнинг хўжалик ҳаётида катта роль ўйнаган руҳонийлар, айниқса, шайхларга суянади. Унинг юргизган сиёсати руҳонийлар томонидан бутунлай ҳимоя этилган, шунинг учун ҳам ўша даврда яшаган сарой тарихчилари уни адолатли хон, деб кўкларга кўтарадилар. Ҳақиқатда эса, унинг аҳолига нисбатан золимлиги Тошкентдаги фожиали воқеада яққол кўриниб туради. 1612—1613 йилларда Тошкентни эгаллаган Имомқулихон

у ерда ҳукмдор қилиб ўғли Искандарни қолдиради. Искандардан чексиз жабр-зулм кўрган, шаҳар аҳолиси қўзғалиб, уни ўлдиради. Бу воқеадан ғазабланган Имом-қулихон иккинчи марта Тошкент устига юриш қилиб, аҳолидан қасос олмақчи бўлади ва аҳолининг қони отининг узангисигача кўтарилгунгача халқни қириб ташлашга қасам ичади. У бир ҳовузни отнинг узангисигача сув билан тўлдириб, унга ўлдирилган аҳолининг қонини қуйдиради. Сувнинг усти қизил қон билан қопланади ва Имомқули бу ҳовузга оти билан тушиб, узангидаги оёғига қон теккандан сўнггина қирғинни тўхтатади. Унинг шу каби золимликни Бухоро аҳолисига нисбатан ҳам қўллаганлиги маълум.

Бухоро билан Хоразм ўртасида бутун XVI аср бўйи давом этган душманлик 1655 йилда Хоразм хони Абдулғозининг Бухоро воҳасига бостириб кириши билан якунланади. Абдулғози Бухоро воҳасига кириб, Қорақўлни талайди, жуда кўп ўлжа ва асир олиб кетади. Бундай ҳужумлар кейинги йилларда ҳам давом этиб, ҳатто узоқ Қармана, Бухоро воҳаси талон-тарож қилинади. Хивалилар истилочилик мақсадида эмас, фақат мамлакатни талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилар эдилар. Бухоро хони хивалиларга қарши қўшин тўплаши биланок, улар олишга улгурган ўлжалари билан тезда орқага чекинар эдилар.

1657 йилда Хива хони Абдулғози Карманага қўшин тортиб келиб, у ердан жуда катта ўлжа билан Хивага қайтиб кетаётганида Абдулазизхон унга ҳужум қилади ва Хива қўшини тор-мор қилинади. Абдулғозининг ҳаёти катта хавф остида қолиб, фақат ўғли Анушанинг ёрдами туфайлигина асир тушишдан сақланиб қолади. Лекин бу мағлубиятга қарамасдан хивалиларнинг Бухорога талончиликдан иборат ҳарбий юришлари давом этаверади: 1658 йилда Вардонзе хароб қилинади. 1662 йилда хивалилар пойтахт Бухоронинг ўзигача келиб етадилар. Хивалилар Бухоронинг Номозгоҳ деган дарвозаси олди-га келиб етганларида Абдулазиз Абдулғози билан сулҳ битими тузади. Абдулғози 1663 йилда вафот этгандан кейин унинг ўғли Ануша Бухорога ҳужум қилишни давом эттиради. Шундай ҳужумларнинг бирида Ануша пойтахтга яқин жойдаги Жуйборгача (Жуйбор хожилари яшайдиган жойга) етиб келади ва уни талайди. Уша вақтда Карманада бўлган Абдулазиз Бухорога ёрдам бериб, уни сақлаб қолиш учун шошилишч йўлга чиқади.

У шаҳарга кечаси етиб келади, бу вақтда шаҳар дарвозаси хивалилар қўлига ўтганлиги маълум бўлади. У жанг қилиб шаҳарга ёриб киради ва ҳали душман қўлига ўтмаган аркка кириб олади. Абдулазизнинг чақириги билан Бухорода ва Бухоронинг теварак атрофида яшовчи барча аҳоли қуролланиб, душманга қарши чиқади. Шундан кейин хивалилар чекинадилар.

Узоқ вақт давомида Хива билан олиб борилган урушлар Бухоронинг умумий иқтисодий аҳволига жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатади ва аштархонийлар давлатида ички зиддиятларни кескинлаштириб юборади.

Хивалиларга қарши олиб борилган урушлардаги муваффақиятсизликлар Бухорода жиддий ҳокимият инқирозига сабаб бўлади. Муккайиб қолган ва бетоб Абдулазиз мамлакат мудофаасини таъминлай олмас эди. Уша вақтда Абдулазизга очикдан-очик қарши чиқаётган Субхонқулининг тазйиқи остида у тахтдан воз кечади ва Маккага жўнаб, ўша ерда вафот этади. Абдулазиз ҳокимиятдан четлатилгандан кейин, Субхонқулихон хон қилиб кўтарилади (1680—1702 йиллар).

Анушахоннинг навбатдаги ҳужуми вақтида аҳволи оғирлашган Бухоронинг қисмати Балхда бошланган феодал тартибсизликлар ва ярим мустақил бўлган ўзбек қабилалари орасидаги ғалаёнлар натижасида яна ҳам мушкуллашди. Субхонқулихоннинг ўғиллари Балхга ҳоким бўлишни талашиб, бир-бирларини ўлдиради ва ҳокимият қўлдан-қўлга ўтиб турар эди: бу курашда ўз қабилаларига суяниб иш кўрувчи маҳаллий амирлар фаол қатнашар эдилар.

Хивалилар ўз ҳужумларининг бирида Бухоронинг теварак-атрофигача келиб етадилар ва Кармана ҳамда Вардонзе атрофларини талаб, Самарқандни эгаллайдилар. Самарқандда шаҳар зодагонлари Анушахоннинг номини хутбага қўшиб ўқишга ва унинг номи билан пул зарб қилишга розилик берадилар, лекин Субхонқулихондан норози бўлган Бухоро амирларининг кўпчилиги қисми ўз қабилалари турган жойларга кетадилар ва Субхонқулихонга қарши исён тайёрлай бошлайдилар.

Бу вақтда Балх ноибни Субхонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад ҳам отасига қарши исён тайёрлаётган эди. Натижада 1681 йилда Субхонқулихоннинг исёнкор ўғлини «тинчлантириш» учун ўз қўшини билан Балхга кетганидан фойдаланиб Хива хони Ануша яна Бухорога бостириб киради ва шаҳарни вайрон қилади. Бухоро

амирларининг қаттиқ қаршилигига дуч келган Анушахон жуда катта ўлжа олиб, Хивага қайтиб кетади. Шундан сал кейин Анушахонга қарши фитна уюштирилади, бу фитнада Бухоро ҳам қатнашган бўлса керак. Анушани унинг яқин одамлари тутиб, 1686 йилда кўзини ўйиб, кўр қиладилар ва унинг ўрнига ўғли Эренгни хон қилиб кўтардилар.

Олиб борилган феодал урушлар Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, албатта. XVIII асрнинг биринчи ярмида, айниқса унинг ўрталарида Бухоро ўзининг фожиали даврларини бошидан кечирмоқда эди. Аштархонийларнинг бутун XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида юргизган ижтимоий-иқтисодий сиёсати натижасида шаҳар хўжалиги маълум даражада тушкунликка юз тутлади.

Субхонқулихоннинг 1702—1711 йиллар орасида хонлик қилган ўғли Убайдулла ва унинг укаси Абулфайзхон (1711—1747) ҳам тез-тез кўтарилиб турган исёнларни бостириш билан овора бўладилар.

Бухоро хонлигида юз берган оғир молиявий аҳвол Убайдуллахон ҳукуматини пул ислоҳоти ўтказишга мажбур этади, бу ислоҳ туфайли хазинанинг пул тартиби тамом издан чиқиб кетади. Хазинадаги етишмовчилик қарз билан тўлдирилди, хазина қарзни пайтахтдаги бой одамлардан олган эди. Бу олинган қарзларнинг ўрнини тўлдиришга маблағ етишмаганлиги туфайли 1708—1709 йилларда муомалага софлик даражаси паст, баҳоси тўла ўлчовли тангага баробар пул чиқарилади, бу пулда асл тангага қараганда кумуш тўрт марта кам эди. Савдогарлар, ҳунармандлар, новвойлар ва майда дўкондорлар бунга норозилик билдириб дўконларни ёпиб, савдо қилмай қўядилар. Аҳоли, айниқса камбағаллар табақаси оғир аҳволда қолади. Минглаб одамлар ҳаммаёқни бузиб-янчиб ташлаш хавфини солиб, аркка (сарой) қараб йўл оладилар. Хон, савдо қилмаганлар қатл қилинади, деб савдогарларга дўконларини очишни буюради. Бироқ, бу чора умумий ғазабни юмшата олмайди: кенг омманинг норозилиги бориб-бориб жиддий ғалаёнга айланади.

«Бухорода яшовчи аҳоли орасида шундай бетинчлик, бебошлик рўй бердики, гуё улар қиёмат куниди тургандай эди»— деб ёзади, ўша замон тарихчиси. Бу ҳаракат ҳукмрон синфларга қарши қаратилган эди. Давлатманд шаҳар аҳолисининг ҳаммаси ваҳима ичида қолганди.

Шаҳар бошлиқлари деворлардаги минораларни мустаҳкамлаб, дарвозаларга қоровуллар қўядилар. Кўрилган чоралар туфайлигина ғалаён бостирилади.

Феодалларнинг Убайдуллахонга душманлик муносабатида бўлишига унинг мутлақ ҳокимият ўрнатиш учун қилган ҳаракатлари сабаб бўлган эди. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, қабила зодагонларини давлатни идора қилишдан четлатишга ва бутун ишни ўзи тайинлайдиган ва ўзига тобе бўлган тағсиз (яъни зодагонлардан чиқмаган) одамлар қўлида тўплашга ҳаракат қилади. Айниқса қулнинг ўғли бўлган Тўрақулнинг иноқлик лавозимига қўйилиши ва унга парвоначи унвони берилиши умумий норозиликка сабаб бўлади.

Уруғ-қабила бошлиқлари эътиборининг иқтисодий ва сиёсий муносабатларда ғоятда кучайишини кўриб турган Убайдулла бунга зарба бериш учун уруғ-қабила бошлиқларини ҳукуматнинг маъмурий ишларидан, умуман сиёсий ишлардан узоқлаштирмоқчи бўлади.

Мавжуд анъанага қарши ҳолда бунгача сиёсий ишларга аралашмаган кишилар, шу жумладан қуллар авлодидан чиққан кишилар маъмурий ишларга тортлади. Буларни «хўжа саройлар» деб атайдилар. «Убайдуллонома» да шулардан чиққан Мехтар шафи исмли киши 17 мансабни эгаллагани ҳақида маълумот бор. У кўп исёнчи феодал доираларнинг, ҳатто Жуйбор шайхларининг ерларини тортиб олиб, давлат раҳбарлигига кўтарилганларга беришга уринади. Лекин феодаллар шундай кучли эдиларки, улар билан курашишга хоннинг ҳарбий кучи ҳам ожизлик қиларди. Убайдулла Самарқанд томонида ўлдиришга ҳукм қилинган катта феодаллардан бири Оллобердибийни қўлга тушира олмагандан кейин, уни ўлдирган кишига, унинг мол-мулкини ваъда қилади. Албатта, марказий давлатнинг бу аҳволи қарши-сида бу курашнинг феодаллар фойдасига ҳал бўлиши табиий эди. Курашда Убайдулла қурбон бўлади.

Шу ўринда Бухорода хонлик тузумининг бошқарув усули ҳақида ҳам фикр юритиш зарурати бор. Чунки Бухоро ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг таъсири кучли эди.

XVI асрдан давлат Бухорода хон уруғининг ихтиёрида бўлган. XVII асрдан бошлаб катта ўзбек уруғ бошлиқларининг вилоят ҳукмронлигини ўз қўлларига олиши феодал тарқоқлигини кучайтирган омиллардан бири эди. Марказий ҳукуматда ҳам, вилоят ҳукуматларида ҳам

махсус раҳбарият ҳукм суриб, бир қатор вазифалар мавжуд бўлган. Бухорода оталиқ (бош вазир), девонбеги (молия ишлари билан шуғулланган), парвоначи (хон номидан ёрлиқлар берувчи), додхо (ариза ва шикоятлар билан шуғулланувчи), қушбеги (бу вазифа XIX асрда бош вазирлик ўрнини эгаллайди), мухтасиб (шариат талабларининг бажарилишини ва бозорларда торозу, нарх-навони назорат қилган) ва булардан кичикроқ бошқа вазифалар ҳам бор эди. Марказий давлат ҳузурида хон томонидан тайин қилинадиган қозикалон ва вилоятларда қозилар суд ишлари билан шуғулланиб, булар руҳонийлар сафидан тайинланганлар. Бошқа вазифалар ўзбек уруғ қабилаларининг энг юқори доиралари вакиллари қўлида бўлиб, бу амалларни эгаллаш учун кескин кураш олиб борилган. Марказ ва вилоятлардаги қуйи раҳбарият анчагина катта бўлиб хон ва катта амалдорлардан бошлаб, кичик амалдорларгача барчаси халқни талаган.

Ўбайдуллахон ҳукмронлиги даврида Бухорода феодаллар ўртасида авж олган адоват ундан кейинги вақтларда ҳам кучаяверади.

Шундай бир вазиятда хонликка кўтарилган Абулфайз аҳволни тузатиш улдасидан чиқмайди, балки хонликдаги бутун ҳуқуқ манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ қўлига ўтади. Исёнлар хаддан ташқари кучайган ва синфий кураш кескинлашган, саройда фитна ва фасод авж олган бир пайтда унинг душманлари ҳатто Бухоро девори тагида турган бир пайтда «Регистон саломат бўлсин» деб фақат Бухоро регистонининггина омон бўлишини истайди. Ўзининг еттита ўғлини ўз кўзи олдида ўлдиртиради.

Абдулфайзга яқин шахслар Бухородан Муҳаммад Ҳакимни четлатишга хонни рози қиладилар ва оталиқ Қаршига жўнаб кетади. Бироқ, омади кетиб қолган бир ҳоким ўрнига бошқаси пайдо бўлади. Очкўз ва таъмагир мансабдорлар шаҳарда бозор ва расталарни ўз қўлларига киритиб олишга ҳамда бирон мол билан савдо қилишни ўз фойдаларига монополия қилиб олишга ҳаракат қиладилар. Ўша замонда яшаган тарихчининг ифодаси билан айтганда, «Бухоро шаҳрининг ҳамма ерида ва унга қарашли туманларда зўравонлик дўконлари очилган эди». Абулфайз эртадан кечгача ичкилик-бозлик қилар ва ўз саройида бузуқлик ишларини авж олдирад эди. Вилоятлар ва айрим туманлар ҳокимлари,

тепаларида ҳақиқатда ҳеч қандай назорат йўқлигини билиб, ўзларини мустақил тутадилар.

Эрон шоҳи Нодиршоҳ (1736—1747 йиллар) Бухородаги оғир аҳволдан фойдаланиб, Бухорога қақшатқич зарба беради.

1740 йилда бошланган Нодиршоҳнинг юришлари Бухоро учун оғир кечади. Бу юришларида Нодиршоҳга Бухоро оталиғи Муҳаммад Ҳаким ва унинг ўғли шуҳрат-параст Муҳаммад Раҳим хайрихоҳлик кўрсатадилар, Нодиршоҳнинг Бухорога яқинлашиб келаётганидан қўриқиб, Абулфайз дарҳол Муҳаммад Ҳакимни Қаршидан чақиртириб, унга Нодиршоҳ ҳузурига элчи бўлиб боришини, шоҳни қаҳридан тушириб давлатнинг хароб қилинишига йўл қўймаслиқни топширади. Муҳаммад Ҳаким шоҳнинг ҳузурига келиб унга жуда қимматбаҳо совғалар ҳадя қилиш билан бирга, Бухоро хонлигидаги аҳвол, Абулфайзхоннинг давлатни қандай бошқараётганлиги, давлатнинг умуман ичдан чириб, қулаб бораётганлиги, аҳолининг норозилиги тўғрисидаги қимматли маълумотларни беради ва ўзининг шоҳ манфаатларини кўзлаб унга хизмат қилишга тамомила тайёр эканлигини айтади. Муҳаммад Ҳаким катта ҳуқуқлар берувчи шоҳ ёрлиғини олиб Бухорога жўнайди, энди у Абулфайзхоннинг элчиси сифатида эмас, балки шоҳнинг вакили сифатида келган эди.

Бухорога қайтиб келган хон ўз қароргоҳига боришини хавфли деб ҳисоблаб, Мири-араб мадрасасига тушади ва мадрасанинг теварак-атрофига қуролли қоровуллар қўяди. Унинг фармони билан барча бозорлар, кўчалар ва масчитларга юборилган жарчилар: шоҳ қўшинининг яқинлашиб келиши муносабати билан кимда-ким шахсий ва мулкый хавфсизликка тааллуқли бирон масалани ҳал қилмоқчи бўлса, оталиқ ҳузурига бораверсин, оталиқдан тегишли жавоб олади, деб жар солиб, ҳаммани бу ҳақда огоҳлантирадилар. Халқ Мири-араб мадрасасига ёпирилиб кела бошлайди. Оталиқнинг бу қилган иши шаҳар аҳолиси орасида обрўсини оширган бўлса ҳам, лекин сарой аҳллари ва зодагонлар оталиқни хонликда айбладилар ва ундан ғазабландилар. Оталиқни хон ҳузурига чақириб кейин умумий куч билан, халқни қўзғатиб, бидъатчи шейтларга қарши чиқмоқ учун ҳаракат қилиб кўрилади. Лекин Муҳаммад Ҳаким хоннинг ҳузурига бормайди. Шундан кейин Абулфайзнинг ўзи оталиқ олдида, Мири-араб мадрасасига боради ва Муҳаммад

Ҳаким хон олдиға салом бериш учун чиққанда уни ушлаб олиб ўлдиришға қарор қилинади. Лекин оталиқ ўз навкарларига, мулозим ва навкарлари билан бирга мадрасаға яқинлашиб келаётган хонга қарши ўт очишни буюради. Абулфайз қаттиқ саросима ичида саройға қайтиб кетади, энди унга Нодиршоҳға таслим бўлишдан бошқа ҳеч илож қолмаган эди. Мансабдор сарой аҳллари билан бирга Абулфайз шоҳнинг олдиға Толли Поч дарвозасидан чиқиб Нодиршоҳ томон йўл олади. Ўз навкарлари билан Номозгоҳ дарвозасидан чиққан оталиқ ҳам ўша томонға йўл олади. Оталиқни аҳолининг турли табақаларига мансуб вакиллар кузатиб борар эди. У йўлнинг ярмида хонга етиб олиб унга қўшилади, шу билан бирга хоннинг хиёнаткор оталиқ билан учрашуви жами қоида-тартибларға мувофиқ бир тарзда ўтади, яъни оталиқ хон олдида мулозимат билан қўл қовуштириб туради, хон ҳам, ўз навбатида, оталиққа эътибор ва шафқат билан қарайди. Шундан кейин, хон билан оталиқ биргалашиб борадилар. Нодир билан Бухоро яқинида, Зарафшон дарёси бўйидаги Чор Бакр деган жойда учрашадилар. Нодир Абулфайзхонга илтифот билан муомала қилади, унинг ҳуқуқини тан олади. Хон шоҳ қароргоҳида ўн икки кун бўлгандан кейин Бухороға қайтади. Туркманлардан чиққан Нодир аштархонийлар хонадони билан қариндош бўлиб олади: Абулфайзнинг бир қизига шоҳнинг ўзи, яна бирига жияни уйланади. Бироқ Нодир Бухоро маъмурлари ва аҳолиси билан фақатгина Муҳаммад Ҳакимбий орқали алоқа қиларди. Чунки шоҳ унга тамомила ишонч билан қарар эди. Оталиққа шоҳ қўшини учун нақд пулга 200 минг эшакка ортилган буғдой ва бошқа ем-хашак етказиб бериш топширилган эди. Шоҳ қўшинини тўлдириш учун Бухоро қўшинидан ўн минг отлиқ аскар ажратиб олинган эди, бу қўшинга бошчилик қилишни шоҳ оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳимға топширади. Оталиқнинг биродари Муҳаммад Дониёлбий Кармана ҳокими қилиб тайинланади. Муҳаммад Ҳаким Нодирнинг ишончига сазовар бўлган амалдор сифатида Бухоронинг ўзида давлатнинг юқори мансабида ишда қолади. Абулфайзхон энди тамомила унга қарам бўлиб қолган эди.

Ўз ҳокимиятини Бухорода мустаҳкамлаб олгач, Нодиршоҳ Хоразм устиға қўшин тортиб боради.

Абулфайзхоннинг ўзбеклар давлатининг азалги душмани бўлган Эрон шоҳларининг олий ҳомийлиги ва

мустақиллигини иқрор қилиши, ҳақиқатда, аштархонийлар хонадонига мансуб бўлган хонларнинг давлатни мустақил идора қилишининг тугаганлигини билдираар эди. XVIII аср бошларида таркиб топган ижтимоий-сиёсий шароитларда аштархонийлар иккинчи жойга тушиб, биринчи ўринга янги ҳокимлар ўзбек қабила зодагонлари вакиллари, хон тахтини босиб олган манғит қабиласининг бошлиқлари чиқиб оладилар.

Бухоро Эрон шоҳининг вассал ерига айлангандан кейин бутун ҳокимият, ҳақиқатда, Эрон шоҳи томонидан тайинланган ва кейинги йилларда форсча улуғ амир (амири кабир) деган унвонни олган оталиқ Муҳаммад Ҳакимбий қўлида тўпланган эди. Муҳаммад Ҳаким 1743 йилда вафот этади, шундан кейин ўзбек амирлари давлатнинг турли ерларида исён кўтарадилар. Ибодулла-хитой (хитой қипчоқлардан чиққан) бошчилигида кўтарилган қўзғолон Миёнкўлни ўз ичига олади ва ҳатто пойтахт деворларигача бориб этади. 1745 йилнинг апрель ойи охирларида бухороликлар шаҳар ташқарисига чиқиб, шайх Баховиддин мазори ёнида ҳар йили баҳорда анъанавий «қизил гул» (гули сурх) байрамларини қилар ва бунда ўн минглаб шаҳар аҳолиси ўз хотини, бола-чақалари билан бирга бир ой муддатга бу ерга келар эди, шу вақтдан фойдаланган Ибодулла Бухорога тўсатдан бостириб кириб, катта ўлжани қўлга туширади ва кўп кишиларни асир қилиб олиб кетади. Амирлардан бирининг қўшини исёнкорлар билан қаттиқ жанг қилгандан кейингина улар олиб кетаётган ўлжанинг ва асирларнинг кўп қисмини тортиб олишга муваффақ бўлади. Нодиршоҳ синалган аскарлардан қўшин тузиб, уни ўлиб кетган оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳим ихтиёрига беради ва Муҳаммад Раҳимни шу қўшин билан 1754 йилда Бухорога жўнатади. Марвда Муҳаммад Раҳимга шоҳнинг ўғли — Марв ҳокими Ризақули қизилбошлар қўшини ва тўплари билан бирга келиб қўшилади. Чоржўйда эса уларга туркманлар қўшини қўшилади. Ана шу қўшин билан Муҳаммад Раҳим Бухорога етиб келади, унга Бухорода «амирлар амири» (амирулумаро) унвони берилади. У пойтахт ёнидаги отасига қарашли Ғозибод қишлоғида жойлашади.

Давлатнинг юқори мансабларига Муҳаммад Раҳимнинг қариндошлари ва тарафдорлари тайинланади. Муҳаммад Раҳим уларга суяниб, хонлиқнинг марказида

Ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олади ва эронликларнинг қўллаб-қувватлаши билан исённи бостиришга киришади. Қаттиқ курашдан кейин Ибодулла-хитой Миёнқалъадан қувланади ва у шимолга қараб Тошкентга қочади, кейинчалик эса у шу ерда ўлдирилади. Шаҳ-рисабзда «ўнг ва чап томон қабилалари» кўтарган исён бостирилади. Нодиршоҳ ўлгунга қадар (у 1747 йилда ўлдирилган эди) Муҳаммад Рахим ўзига қарашли мустаҳкам ва итоатли қўшин тузиб олишга улгурган эди, у бу қўшинга ўзига садоқатли бўлган кишиларни бошлиқ қилиб тайинлаган эди. Муҳаммад Рахим аштархонийлар давлатида отасига қараганда ҳам кўпроқ тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиб олади.

Нодир ўлгандан кейин, орадан кўп ўтмай, Абулфайз Муҳаммад Рахим зодагонлар ва руҳонийларнинг розилигини олиб, 1753 йилда амир унвони билан Бухоро тахтига ўтиради.

Янги манғитлар сулоласи ана шу тариқа ҳукмронлик қила бошлади. Бу сулола 1920 йилда халқ революцияси натижасида афдариб ташланади.

XVII асрда Бухорода ҳунармандчилик соҳасида ривожланиш кузатилади. Айниқса металлни қайта ишлаш билан боғлиқ ҳунармандчилик ишлаб чиқариши жуда тез ривожланади.

Қишлоқ хўжалигида зарур бўлган қуроллар (кетмон, ўроқлар) ҳамда уй-рўзгор буюмлари (пичоқ, болта, идиш-товоқлар) совуқ ва ўт отувчи қуроллар, ҳарбий снарядлар, бадний ишлов берилган бронза идишлар кўплаб ишлаб чиқарилар эди. Буларнинг аксарияти феодал-зодагонлар маиший турмушида кенг фойдаланиладиган буюмлар сифатида ишлаб чиқарилган.

XVII асрга келиб Бухорода қурилиш ишлари бироз қисқаради, аммо бухороликларнинг юқори даражали усталик маҳорати анъаналари сақланади. XVII асрнинг биринчи ярмида кўплаб алоҳида бинолар ва йирик ансамбллар қурилади. Қурилиш ишлари қисман охиригача етказилмаган бинолар ҳам бўлди. Ана шундайлардан бири — Нодира Девонбеги мадраса — хонақоси эди.

Бухорода Абдулазизхон томонидан қурилган бинолар айниқса жуда машҳур ҳисобланган. Булардан биринчиси мадраса бўлиб, Улуғбекнинг Бухородаги мадрасаси қаршисига қурилган ва у билан ягона ансамблини ташкил қилган. Афтидан, бу мадрасани қурган киши

янги бинолар ҳашамати билан шакли ва безаклари жиҳатидан содда Улуғбек мадрасасини орқада қолдириб кетишини мақсад қилиб олган. Ҳажми жиҳатдан жуда катта бўлмиш бу бино безакка ҳаддан ташқари бой, бунда деворларнинг пастки қисмини қоплаган мрамор панеллар, нақшли қимматбаҳо қадама нақшлар, нақшли сопол плиталар, «сталактит» деб аталмиш нарсалар қиёфасидаги мураккаб ганчбанд нақшли қуббалар, ва ниҳоят, масжид, дарсхона ва баъзи бошқа биноларнинг ички деворларидаги нафис нақшлар ўзгача жозиба бахш этади. Безаклар ичида биз Хўжа Зайниддин масжиди ва Баланд масжид нақшларида учратганимиз «кундал»га тилла суви югуртирилган нақшлар ишлаш усулини ҳам савдогарлар келтириб турган чинни буюмлар орқали Бухорода яхши маълум бўлган Хитой санъатининг шубҳасиз таъсирини намоён қилувчи оқ асосга кўк бўёқ билан гуллар чизиш усулини ҳам, дарахтлари ва қандайдир ҳаёлий иморатлари билан Ҳиндистон меъморчилигини эслатиб турувчи парчаларни ҳам учратамиз. Аммо, декоратик пардознинг барча ҳашаматига қарамай, улар ишланиш маҳорати жиҳатидан Улуғбек мадрасасининг безакларидан чоғиштириб бўлмас даражада паст турадилар.

XVIII асрнинг биринчи ярмидаги тасвирий санъат ва архитектуранинг ажойиб ёдгорликлари бизгача етиб келмаган. 1712 йилда Бухоро Регистонининг ғарб томонида қурилган, бадий-меъморчилик сифатлари жиҳатидан XVII асрда қурилган бинолардан анча орқада турувчи Болаҳовуз масжиди бу даврнинг энг йирик қурилишларидан ҳисобланиши мумкин.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг жануби-ғарбий қисмида бир қанча қурилиш иншоотлари қурилиб битказилди. Булар: Хиябон мадрасаси (1654—1655 йиллар) ва Жуйбори-Қалон (1670—1671) мадрасалари ва бошқалар эди. Булар билан бир вақтнинг ўзида Регистонни қайта тиклаш ишлари ҳам давом эттирилди. XVII асрнинг сўнгги чорагида Субхонқулихон (1680—1702) ҳукмронлиги даврида Бухорода тиббиётга қизиқиш кучли эди. Субхонқулихон Бухорода махсус шифохона (доришшифо) қурдиради. Унда касаллар даволанар ва тиббиёт сирлари ўрганиларди. Шифохона қошида махсус тиббий кутубхона бор эди.

Шу даврда сарой доирасига мансуб бўлган муаллифлар томонидан насрда ва назмда ёзилган тарихий

асарлар ҳукмрон синфнинг, хон ва унинг атрофидагиларининг ғоясини ва қарашларини акс эттирар эди. Юқори табақа вакилларига хушомадгўйлик ҳислари билан тўлиб-тошган муаллифлар ўша даврдаги барча воқеаларни ҳаддан ташқари баландпарвоз ва рангдор тилда баён қилар эдилар. Уларнинг тилида муболагали парчалар, сунъий мақтовлар кўп учрарди. Булар асардаги фикрий қашшоқликни, баён қилинаётган маълумотларнинг аҳамиятсизлигини, халқ оммасининг аҳволидан тамомила кўз юмишни ниқобловчи парда вази-фасини ўтарди. Лекин бундай асарларнинг баъзиларида ҳам (масалан, «Убайдуллахоннома»да) маълум қилинаётган тарихий маълумотларни идрок қилишга ва сиёсий ҳодисаларнинг сабабларини тушунтиришга интилиш сезилади. «Абдулланом» ёки «Шарафномаи шоҳи» номли Абдуллахон тарихини ёритувчи йирик асар Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан ёзилган бўлиб, ўша давр тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

Субхонқули қошида 1692 йилда Муҳаммад Боди ас-Самарқандий томонидан Бухоро поэзиясининг антологияси тузилди. Бу антологияда, ўша давр адабий ар-бобларидан 150 таси ҳақида биографик маълумотлар берилади. Сарой шоири Муҳаммад Балхийнинг 5000 байтли «Субхонқулихоннома» номли достони, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Тарихи Субхонқулихон» деган китоби ва қатор бошқа асарлар ҳам шу даврда ёзилгандир.

Адабий ҳаёт албатта, сарой поэзиясидангина иборат эмас эди. Адабиётда ўз дидлари ва талабларига эга бўлган шаҳар демократияси ўзини кўрсата бошлайди. Убайдуллахон даврида «Убайдулланом» муаллифининг ифодаси билан айтганда «Бухоро шоирлари тахтида султон» Сайида Насафий асли самарқандли шоир Қосимхўжа, мадраса талабаси Мулла Сарафроз, ҳунари зар тикиш бўлган ва шу ҳунарининг кетидан кун кўрган самарқандли Фитрат ва ниҳоят, бинонинг ички пардозини бўйича усталик қилган Мулла Мулҳам кабилар Бухоро шоирлари ичида энг шуҳрат қозонганларидан эди.

XVII—XVIII асрларга келиб Бухоронинг Россия билан савдо муносабатлари яна ҳам кенгайди. Бухородан Москвага турли хил тўқилган матолар, ипак газламалар, пахта, ипак, ип, эчки териси, гилам каби нарсалар чиқарилган. Бухоро савдогарлари фақат Бухо-

рода унадиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнигина эмас, балки Хитой, Эрон ва жуда оз бўлса ҳам Ҳиндистон маҳсулотларини ҳам Россия ва Сибирга олиб борганлар. Хитой тўқимачилик маҳсулотлари, айниқса ипак газламалари, чинни идишлар, қимматбаҳо тошлар, чой ва дориворлар. Эрон ипаги каби моллар Бухоро савдогарлари воситаси билан Россияга ўтарди.

Россиядан Бухорога бўз, турли хил ҳайвонларнинг терилари, балиқ тиши, қизил тери, ёғоч маҳсулотлари, айниқса ёғоч идишлар олиб келинган. Бухоронинг хон ва феодаллари Россиянинг ов қушлари билан ғоят қизиққанлар. Бухоро бозорларида Россиянинг темир ва мис буюмларига талаб жуда катта бўлган. Ҳарбий қуrol ишлаб чиқариши қолоқ бўлган Бухоро хони Москва ҳукмдоридан ҳар доим қуrol олиб турган. Булар ичида Россия учун жуда керакли бўлмаган нарсалар сўралган бўлса-да, лекин Москва ҳукумати ҳарбий қуrolни — умуман металл маҳсулотларини Бухорога чиқариш учун рухсат бермаган, фақат турли яширин йўллар билангина металлдан ишланган маҳсулотлар Бухоро бозорларида пайдо бўлган. Россия савдогарлари орқали Ғарбий Оврупа моллари ҳам Бухорога келтирилган.

Пётр I Россиянинг савдо ва саноатини, айниқса металлургия саноатини кучайтириш учун қўшни мамлакатларнинг тоғ бойликлари билан қизиқа бошлайди. Айниқса Россияда буржуазия пайдо бўлиб келаётган бир даврда олтин қидириш ҳаракати зўраяди. Узоқ мамлакатларга сафарлар, текширув гуруҳларини юбориш ташкил қилинади.

Маълумки, 1714 йилда Пётр I Иртиш бўйларига олтин қидириш учун Бухгольц раҳбарлигидаги текширувчиларни юборади. У нотўғри маълумотларга асосланиб, Урта Осиёда ҳам олтин бойлиги бор деб ўйлайди. То бу маълумотларнинг сохталиги аниқлангунга қадар бутун XVIII аср давомида бу масала Россия диққатини ўзига тортган эди. 1714 йилда Пётр I князь Бекович-Черкасский раҳбарлигида текширув гуруҳини юбориб, уларга Ҳиндистонга қадар қуруқ йўлларни ўрганиш, Хева ва Бухоро хонликларини Россия тобелигига давлат қилиш, савдо масалаларини кучайтириш чораларини кўриш, ҳаммасидан ҳам кўра олтин манбаларини аниқлаш вазифасини юклайди.

Кўриниб турибдики, Россия Бухорога ҳам зўр қи-

зиқиш билан қарай бошлаган эди. Демак, манғитлар ҳукмронлиги даври арафасида Россия билан Бухоро муносабатлари янада кучая бошлаган эди.

МАНҒИТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ

Манғитлар ҳукмронлик қилган йиллар (1753—1920) Бухоро Шарқнинг феодал мусулмон маданияти марказидан диний жаҳолатпарастлик, деспотизм ва ижтимоий тараққиётга қаттиқ қаршилик кўрсатиш марказига айлана бошлади.

Бутун XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухорода маданий ҳаёт ўзининг қолоқлиги ва мутаассиблиги билан ажралиб турар эди. Ҳукмрон синфлар халқни қоронғиликда ва дин таъсирида сақлашга урунар эдилар. Бухоронинг охириги амирлари даврида улар тараққиётга қаршилик кўрсатувчи гуруҳларнинг кучли таянчига айландилар. XIX аср Бухоронинг таниқли маърифатпарвари Аҳмад Дониш таъкидлаганидек, манғитийлар даврида Бухоро ҳукмдорлари фақат ўзларининг шахсий бойлик орттиришлари ва айш-ишратлари учун қайғурдилар, холос. Шунинг учун ҳам Бухорода маънавий ҳаёт издан чиқди, қурилиш ишлари асосан тўхтатилди, халқ косибчилиги ва ҳунармандчилиги инқирозга юз тутди.

Бухоронинг давлат тузуми ҳам, ижтимоий тузуми ҳам феодализмга хос эди. Бутун ҳокимият феодалларнинг қўлида эди.

Бухоро хонлигининг тепасида амир турган эди. Манғит сулоласи томонидан қабул қилинган бу араб унвони — теократик жиҳатдан бирлашган мусулмон давлатининг фақат бир вилоятининг ҳокими деган маънони англатар эди. Аммо, ҳақиқатда амирлар ўз ерларида якка ҳоким эдилар. Амирнинг шахсий мол-мулки ва хазинаси давлат хазинасидан ажратилмас эди. Ҳар бир хонлик хон ёки амирнинг шахсий мулки, ота мероси ҳисобланар ва хон хоҳлаганча ёки унинг амалдорлари ва яқин кишилари хоҳлаганича бошқарилар ва эксплуатация қилинар эди.

Бухоро амирларининг давлатни сиёсий жиҳатдан марказлаштиришга интилишлари улкан бюрократик аппарат ва кўп сонли амалдорлар штатини тузишга олиб келди. Бу амалдорлар ўз хизматлари эвазига ер-мулк олар, порахўрлик қилар, ўз фойдаси учун солиқларни ўзи истаганича кўпайтирар эдилар. Амалдорлар-

нинг солиқни ошириб суинистёмол қилишлари деҳқонлар ва ҳунармандлар елкасига оғир юк бўлиб тушар эди.

Бухорода олий маъмурий ҳокимият биринчи амалдор — қушбеги қўлида эди, қушбеги биз тасвир этаётган даврда фақат пойтахт бошлиғи бўлишдан ташқари, хонлиқнинг бутун маъмурий ва ҳўжалик ишларини бошқарувчи бош вазир ҳам эди.

Халқ ўртасида «кичик қушбеги» деб аталган шахс қушбегидан кейинги иккинчи амалдор эди. У хонлиқнинг молия ҳўжалигини асосан мол-мулк солиқларини идора этар эди. Бу амалдор энг катта областлар (Чоржуй, Қармана ва шу каби бошқа вилоятлар)нинг ҳокимлари қошидаги ҳамма девонбегиларнинг бошлиғи эди.

Тўпчи боши лашкар, яъни артиллерия қўшинлари бошлиғи амалини олган Бухоро шаҳар гарнизони бошлиғи — хонлиқнинг барча қўшинлари бўлимларининг ҳамма лашкарбошилари устидан ҳам бошлиқ эди.

Иккинчи даражадаги турли-туман ишлар ҳар хил амалдорлар томонидан бажарилган. Ҳамма хизмат этувчи амалдорлар дунёвий ва диндор кишилардан иборат бўлган, биринчилари ҳарбий табақалар (сипохийлар), иккинчилари руҳонийлар (уламолар) эди. Ақондчилар, қонуншунослар ва юқори конфессионал мактаблар — мадрасаларнинг мударрислари, уламоларни ташкил этар эди. Шайхулислом, қозилар, муфтилар, раислар ва бошқалар мана шу табақадан тайинланар эди.

Агар илгари вақтларда, тахминан XVI—XVII асрларда Бухоронинг маъмурияти бажариб турган иш амалига мос келиши асосида тузилган, бошқача қилиб айтганда, агар илгарилари мансаб маълум функциялар билан боғлиқ бўлса, XIX асрга келганда бундай эмас эди. Мансаблар фақат фахрий унвон эди, руҳоний бошлиқлар ўзлари учун белгиланган махсус унвонлар билан юқорига кўтарилганлар.

Манғитлар сулоласининг биринчи хони Муҳаммад Раҳим (1753—1758 йиллар) давлатни идора этиш ишларига йирик феодалларнинг аралашувига йўл қўймай Бухоро хонлигини самодержавие усулида идора этди. Ҳамма маҳаллий манбалар Муҳаммад Раҳимхоннинг мамлакатни марказлаштириш сиёсатини қайд этади. В. В. Бартольнинг таъкидлашича, Муҳаммад Раҳимхон Бухоро руҳонийлари ва «ҳунармандлар ҳамда фуқаро-

ларнинг атоқли кишилари» иштирокида тахтга чиқарилган. Унинг қўшини ёлланма қўшин бўлган. У бу қўшинларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун бир қанча янги солиқлар жорий этган. Бу солиқлар фақат XVIII асрнинг 80-йилларидагина халқ норозилиги туфайли бекор қилинган.

«Гулшан ал мулк» номли Бухоро йилномаси муаллифининг қайд қилишича, «Муҳаммад Раҳимхон 92 ўзбек уруғини марказий ҳукуматга қаршилик кўрсатгани учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум этиб, уларни бўйсундиришга ҳаракат қилган». Ҳақиқатан ҳам, Муҳаммад Раҳим ҳокимиятни идора этиш даврининг бошидан то охиригача сепаратист-феодалларга, ўзбек қабилаларининг бошлиқларига ва йирик ер эгаларига қарши курашди. Уларни марказий Бухоро ҳокимиятига бўйсундириш учун ҳаракат қилди. У Нуротанинг ҳокими Тўғай Мурод бургутнинг Миёнқаладаги сепаратчилик қўзғолонини бостирди. Миёнқала ўша вақтларда Бухоро хонлигининг аҳолиси кўп марказий районларидан бири бўлган Зарафшон водийсининг ўрта қисмида, Самарқанд билан Бухоро ўртасида жойлашган эди. Хон Тўғай Муродни енгиб, бу феодалга мерос тариқасида қолган Нурота юртини тортиб олади. «Тухфан хони»нинг муаллифи Муҳаммад Вафой Карманагий ўз китобида ҳикоя қилишича, «хон Тўғай Мурод ўз содиқлигини кўрсатганига қадар, ўзи туғилган ерда идора этишдан четлатилсин, унинг ўрнига Бухоро туманидан тирикчилик қилиш учун ер-мулк берилсин» деб буйруқ берган.

Муҳаммад Раҳим Миёнқала қипчоқларининг қалъаларини бузиб ташлашга буюрди, кўпчилик ўзбек зодагонларини ўлдирди, оддий фуқарони бу вилоятдан кўчирди. Миёнқалага Насафдан қарлуқлар кўчириб келтирилди, етти уруғ ва баҳрин қабилалари эса Бухорога яқин ерларга кўчирилди.

1753 йилда Муҳаммад Раҳим Ургут ҳокимлари устига юриш қилди. Кейин Шаҳрисабз, Ҳисор ва Кўлобни бўйсундирди. Кейинги йилларда у Хўжанд, Тошкент Туркистон ва бошқа областларни Бухоро хонлигига қўшиб олди.

Муҳаммад Раҳим томонидан Ҳисорга мажбуран кўчирилган юз, кенагас, бургут, баҳрин ва сарой деган ўзбек қабилаларининг амирлари Муҳаммад Раҳим тирик эканида ўз норозиликларини изҳор қила олмаган

эдилар. Лекин 1758 йилда унинг ўлганини эшитиб, 10 мингга яқин қуролли қабиладошларини йиғдилар ва улар билан Бухоро устига юриш қилдилар. Оддий ва камбағал кўчманчилар ўз аҳволларидан норози бўлишлари учун асослари кўп эди. Амирлар бу норозиликлардан фойдаландилар ва бу қабилаларни манғитлар ҳокимиятига қарши отлантирдилар.

Қатта жоме масчити ҳовлисига йиғилиб, амирлар пойтахтдаги ҳокимиятни ўз қўлларига олишга ва манғит сулоласини ағдариб ташлашга қарор қилдилар. Аммо манғитларнинг бошлиғи бўлмиш Дониёлбий оталиқ фитначиларга қарши бир қанча тadbирлар кўрди. У арк ҳимоячиларини кучайтириб, амирларни сулҳга кўндириш учун Махдуми Аъзамнинг наслдан бўлган эшон Исҳоқ хўжани уларнинг олдига юборди. Лекин эшоннинг насиҳатларига бахринлар боғлиғи Ғайбуллагина қулоқ солди, бошқа амирлар эса очикдан-очик исёнга чақира бошладилар. Шундан кейин Дониёлбий уларга қарши қўшин юборди, отлиқларнинг юришини қийинлаштириш учун кўчаларни тўсиб қўйишга буюрди ва шаҳар аҳолисини хон сулоласига қарши чиққан қабилалардан ҳимоя қилишга чақирди.

Афтидан манғитларнинг марказлаштириш сиёсати Бухоро шаҳрининг савдо-ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳолиси манфаатларига мос бўлган, чунки улар қўзғолон кўтарганларга қарши уюшиб курашганлар. Албатта, шаҳар аҳолисининг асосий кучи шаҳар камбағаллари бўлган. Улар Бухоро шаҳридаги қабила бошлиқларининг бой уйларини буза бошлаганлар. Золим феодалларга қарши камбағалларнинг қадимдан сақлаб келинган газаби сиёсий марказлаштириш тарафдорлари томонидан фойдаланилган эди.

Муҳаммад Шариф томонидан ёзилган «Тажут таворих» номли тарихий йилномада бу воқеалар шундай тасвирланади: «Камбағаллар, гадойлар, дайдилар ва етим-есирлар оломон бўлиб, зодагонларнинг уйларига бостириб кирдилар, мол-мулкларини таладилар, зўрлик қила бошладилар ва мағрур кишилар (амирлар)ни таёқ, тошлар билан уриб ярадор қилдилар, ўлдирдилар, иморатларини ёндириб юбордилар. Бу бой уйлардан фақат тўзон ва тутун кўтарилди. Кўпчилик фитначилар ўлдирилди, мингга яқини ўз хотин бола-чақаси, мол-мулки ва бойлигидан ажралиб, ўз оиласи билан тирик қолганига шукур қилиб шаҳардан қочиб кетди.

Шохмурод (1785—1800 йилда) идора этган йиллар Бухорода бирлаштириш ва марказлаштириш ишларининг иккинчи босқичи давом этди. Манғит авлодидан бўлган бу шахс Бухоро шахрида 1785 йилда кучли халқ қўзғолони бўлиб ўтгандан сўнг ҳокимият тепасига чиққан эди.

Қўзғолон вақтида шахар аҳолисидан бир мингдан ортиқ кишининг ўлдирилиши бу ҳаракатнинг қанчалик кенг қулоч ёйганлигини кўрсатиб турибди.

Шохмурод қўзғолонни бостириш учун Бухоро аҳолисига бир қанча ён беришга мажбур бўлди. Шохмурод уларга тархон ёрлиғини (яъни солиқ ва бошқалардаги енгиллик)ни тантанали суратда берди.

«Фатҳномаи Султоний» йилномасининг муаллифи Муҳаммад Алим Бухорий бу инъомнинг сабабларини қуйидагича таърифлайди:

«Бухоро аҳолисининг аҳволи жуда оғир ва азоб-уқубатли, дейдилар. Дониёлбий идора этган даврда олий халқ ва камбағаллар турли-туман солиқлар йиғувчи сипоҳийлар томонидан зулм ва тамаъгирлик кўрди. Шунга кўра (Шохмурод) Бухоро шахрининг аҳолисига фармон билан тархон ёрлиғи бериб, уларни солиқлардан озод қилди».

Шохмуроднинг ташаббуси билан тўртта ислоҳот, молия, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилди. У бу ислоҳотларни, хонликда халқ қўзғолонлари туфайли ўтказишга мажбур бўлди. Бу ислоҳотлар деҳқонлар ва ҳунармандлар эксплуатация қилиниш даражасини енгиллаштирмай туриб, солиқ ишларида, суд ва маъмурий идораларда маълум тартиб ўрнатиши, савдогарлар ва ҳунармандларнинг мол-мулкига феодаллар томонидан қилинадиган тажовузга баъзи кафолатлар бериши керак эди.

Шохмуроднинг аграр сиёсатида XVIII асрнинг бошларидаги «бетинч даврлар»да йўқолган вақф ҳужжатларини янгилаш йўли билан руҳонийларнинг даромадли ер-мулкларини тиклашга ҳаракат қилиш характерлидир.

Шохмурод бир қанча янгиликлар киргазди, лекин у буларни «янгиликка қарши кураш» ва шариятдан четга чиқиш шиори остида қилди. У Бухоро тахтига ўтиргач, хон унвонидан воз кечди ва ўзини Бухоронинг амири деб атади.

Амир Ҳайдар (1800—1826 йиллар) ҳукмронлиги дав-

рида олиб борилган доимий урушлар натижасида Бухоро иқтисодиёти пасая борди. Ҳарбий чиқимлар кўпайиши шаҳар аҳолисига янги-янги солиқлар солинишига сабаб бўлди. Бунга қарши шаҳар аҳолиси қўзғолонлар кўтариб турди.

Насруллахон (1826—1860) амирлиги даврида Бухоро билан Хива ўртасида Марв шаҳри учун жуда кўп жанглар бўлди. У 1842 йилда Қўқонга катта қўшин юбориб, Маъдалихон қўшинларини тор-мор келтиради, Қўқон шаҳрини, унинг атрофидаги ерларни босиб олади ва талон-тарож қилади. Орадан кўп ўтмай, Насрулло Тошкентни ҳам босиб олади. Бу ерларни у ўз қўлида узоқ сақлаб тура олмаган бўлса-да, олиб борилган бундай тўхтовсиз урушлар Бухоро аҳолиси учун иқтисодий қийинчиликларнинг янада кучайишига ҳамда халқ ўртасида кучли норозиликлар туғилишига сабаб бўлди.

Бухорода ўша вақтда асосий солиқ-хирождан ташқари капсан (амлоқдор фойдасига ғалладан ва пахтадан олинадиган натура солиғи), муштак (амин ва оқсоқол фойдасига солинадиган солиқ) олинар эди. Бухорода ўша даврда закот хазина фойдасига мажбуран олинадиган солиқ бўлиб қолмай, ҳатто бир молнинг ўзи бир шаҳардан иккинчи шаҳарга неча марта олиб борилса, шунча марта олинадиган солиқ бўлиб қолди. Шундай қилиб, закот божнинг бир турига, молнинг қиймати устига қўйиладиган қўшимчага айланиб кетди ва шу тариқа истеъмолчидан олинадиган йиғим бўлиб қолди.

Шу билан бир қаторда шарнат буюрмаган янги закотлар ҳокимлар, амирлар ва беклар фойдасига олинадиган чакана закотлар ҳам пайдо бўлди. Ҳақиқатда мустақил беклар ва ҳокимлар кўп бўлганлиги сабабли ҳар бир бек ёки ҳоким одатдаги солиқлар ва ўлпонлардан ташқари, четдан келтириладиган моллардан ўзинча бож ҳам ола берар эди.

Бухорода дарёлардан қайиқда олиб ўтилган юклардан сув пули ҳам олинар эди. Деҳқонлар хирождан ташқари яна сабзавот ва бошқа экинлар эккан ерларидан таноб пули, бедапояларидан алаф пули ҳам тўлар эдилар. Иш ҳайвонларидан олинадиган *яксара* деган солиқ ҳам бор эди. Ариқ ва зовурларни тозалаш ва миробларнинг ҳақини тўлаш ҳам халқ зиммасига тушган оғир юкларнинг бири эди.

Бухоро амири Музаффар моллар қимматининг бир ярим фозизга баробар келадиган миқдорида *аминона* деган янги солиқ жорий қилади. Буларнинг ҳаммаси Бухоро аҳолисининг норозилигини кучайтиради.

Бухоро амирлигининг сиёсий ва иқтисодий маркази — Бухоро шаҳри XIX асрнинг 40—50-йилларида девор билан ўраб олинган шаҳар майдони 1739 таноб ерни эгаллаган. Деворнинг узунлиги 14 чақирим, баландлиги 4 саржин, қалинлиги 2 саржин эди, унда 130 гумбаз қоровулхона, Самарқанд, Қоракўл, Имом Шайх номли ва шунга ўхшаш 11 дарвоза бор эди. Бухоро ҳунармандчилик тараққий қилган шаҳарлардан бири эди. Аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан, қолган қисми қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланарди. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган бошқа феодал шаҳарлардаги каби, Бухоро кўчалари ҳам тор (Бир ярим-икки саржин) ва эгри-бугри эди. Умуман бу ерда қарийб 360 кўча ва тор кўча бор эди. Шаҳар марказида катта намозгоҳ бўлиб, бу майдон чеккасида Масчити калон, унинг ёнида энг катта Мириараб мадрасаси ва Минораи калон қад кўтарган. Шаҳарга кириладиган 11 дарвозанинг йўллари мана шу марказий майдон орқали ўтарди. Бозорлар, мачит ва мадрасалар, аҳолининг уйлари марказдаги майдон билан шаҳар девори ўртасига жойлашган эди. Регистонда давлат маъмурияти ва амир саройи жойлашган эди. Туркистон ўлкасининг ҳамма жойларидан, Татаристон, Ҳиндистон, Эрон, Қашқар, Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан Бухоро мадрасаларига талабалар келиб ўқир эдилар.

Юқорида кўрсатилган карвон саройларнинг бир қисми амирники, бошқалари эса хусусий кишиларники эди. Бухорода 9 та тим бор эди. Ҳар бир тимнинг узунлиги ярим чақиримгача чўзилган бўлиб, ҳар иккала томонга қатор дўконлар жойлашган эди. Тимлардаги дўконлар сотиладиган мол ва маҳсулотлар турига қараб ўрнатилган эди. Масалан, бир тим тагида фақат темирчилик дўконлари, бошқа тимлар тагида пойабзал дўконлари, кийимлик матолар сотиладиган дўконлар, қассоблик, заргарлик ва бошқа дўконлар бўлар эди. Шаҳар ичкарисида мол ва маҳсулот турларига қараб 50 та бозор, шаҳар ташқарисида эса 30 та бозор бор эди.

Бухоронинг савдо йўли устида бўлиши савдонинг тобора ривожланишига катта таъсир кўрсатган эди. Қўй

бозори жуда катта бўлиб, бу ерга хонликка қарашли жойлардан, айниқса Шаҳрисабз ва Ҳисордан кўп майда мол келтириларди. Бухорода пахта, ип ва ипакдан тўқилган газламалар, гилам, кигиз, шолча, тўнлар, ипакли кийимлар, рўмоллар, турли маъданлар, хусусан қоракўл терилар савдоси кучайган эди.

Амир, унинг авлодлари ва амалдорлар ички савдо ишлари билан ҳам шуғулланар эди. Амир ўз ерларидан олинган ва солиқлар йўли билан тўпланган ғаллани, ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган турли кийимликларни бозорларда соттирар эди. Шу билан бирга, у ўз гумашталари орқали ички ва ташқи савдо ишлари билан шуғулланар эди.

Маълум фониз миқдорида тўлов тўлаш шарти билан амир савдогарларга пул қарз берар эди. Қарзга бериладиган пулларнинг миқдори 100 тилладан 1000 тиллагача бўлиб, амирдан қарз олувчилар фақат унинг белгилаб берган моллари билан савдо қила олар эдилар. Савдогарлар Россиядан олтин, кумуш ва мовутлар келтириб, ички бозорларда сотар эдилар. Бундай савдогарлик, айниқса XIX асрнинг 40—50-йилларида кучайган эди.

Бухорода ҳинд ва яҳудий судхўрлари ҳам пулларини ижарага бериш йўли билан катта маблағ тўплар эдилар. Судхўрлар косиб ва деҳқонларга қарз берар эдилар.

Бухоро савдогарларининг учинчи гуруҳи фақат пул ёки молларни қарзга олиш йўли билан савдо қилишган. Улар пулдор бойлардан пул ёки молни ички бозор баҳосида қарзга олишарди. Бундай савдогарлар қарзга олинган пул ёки мол учун ижарачига 30 фониз қўшиб тўлашарди. Улар ўз молларини, асосан ташқи бозорларда сотишарди.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоронинг маданий ҳаётида ҳам айрим ўзгаришлар кўзга ташланади. Гарчанд ҳукмрон синфлар халқни қоронғилик ва нодонликда сақлашга ҳаракат қилсалар-да, конфессионал мактаблар кўп сонли бўлиб, мадрасаларда илоҳиёт ҳақидаги билимлар тарғиб қилинган.

Бухоро мадрасаларида обрўли мударрислар ишлашган: улар ўзларининг илми билан Туркистонгагина эмас, ҳатто Шарқ мамлакатларига ҳам танилган эдилар.

XIX асрнинг ўрталарида ҳам Бухоро хонликлари орасида фақат иқтисодий ва сиёсий марказгина эмас, балки илмий марказ ҳам ҳисобланарди. Уша даврда Бу-

хоро ҳатто Ўрта Осиёнинг Афинаси деб аталарди. Шунинг учун ҳам Бухоро медресаларига фақат ўлканинг турли томонларидангина эмас, балки Ҳиндистон, Қашмир, Афғонистон, Қашқар, Татаристон ва бошқа жойлардан ҳам ўқиш учун келар эдилар.

Н. Ханиковнинг берган маълумотига кўра, XIX асрнинг 40—50-йилларида Бухорода 103 медреса бўлиб, улардаги талабалар сони тахминан 9—10 минг кишидан иборат эди.

Н. Ханиковнинг 1842 йилдаги маълумотига қараганда, Бухоро медресаларидаги мударрисларнинг ҳар бири йилига 100 тилладан 700 тиллагача олар эдилар. Чунки баъзи медресаларда кўпроқ, баъзиларида эса камроқ иш ҳақи тўланар эди. Ҳар бир талаба йилига уч ярим тилладан 20 тиллагача олар эди.

Шунингдек, Бухорода ўзига хос адабиёт ва санъат ҳам шаклланди. Бухоро адабий муҳитида Мирзо Содиқ Муниший катта ўрин эгаллайди. У 15 минг мисра шеър ва кўп Сонли маснавийлар муаллифи бўлиб, «Манғит подшоларининг тарихи» асарини шеър билан ёзди ва Шарқ адабиётида кенг тарқалган Юсуф тарихини шеърый йўлда баён этди.

Ўзбошимчаликка ва воқеликнинг мудҳиш томонларига қарши кучли норозилик, эркин фикр Ўрта Осиё хонликлари сарой аъёнларитомонидан раҳмсизлик билан бостирилар эди. Умархон ўлгандан кейин истеъдодли лирик шоир Ҳозиқ Ҳиротдан Бухорога келади. У бу ерда Амир Насруллонинг золимлигини фош қилиб шеър ёзади. Шеър амирнинг қўлига тушади ва шоир Шаҳрисабзга қочишга мажбур бўлади. Аммо амир томонидан юборилган қотил шоирни ўша ерда ўлдиришга муваффақ бўлади. Оддий халққа хайрихоҳлик билдириб ёзган шеъри учун Умархон саройидан қувилган шоир Мужрим Бухорога қочади, лекин у ердан ҳам қароргоҳ топмай кетишга мажбур бўлади.

Аммо бундай таъқиб қилишлар демократик йўналишдаги шоирларнинг ижодиётини йўқотиб юбора олмади. Халқ ижоди айниқса Бухорода кучли ривожланди. Бухоро хонлигида яшаган Хиромий ҳам шаҳарда демократик кайфият тарқалишига катта ҳисса қўшди.

XIX асрнинг 30 йилларида шоир Хиромий халқ ўртасида кенг тарқалган форс-ҳинд ҳикоялари тўплами бўлган «Чордарвеш» ва Тўтинома»ни Шаҳрисабзда таржима қилди. Бухорода «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва

Зухро», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад» каби машҳур халқ романлари ва шеърӣ йўл билан баён этилган «Гўрўғли» номли эпик қисса ва бошқалар кенг тарқалган эди.

XIX асрнинг ўрталарида таниқли бухоролик мутафаккир Аҳмад Донишнинг дунёқараши шаклланди. А. Дониш 1827 йилда таваллуд топган. Аммо унинг кенг адабий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бошланиши 60—70-йилларга (Россияга сафаридан кейинги даврга) тўғри келади, шу туфайли унинг ижоди ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Бухоро халқларининг оммавий ижодиёти қўшиқларда, ҳикояларда, қиссаларда ва шаҳарма-шаҳар кезиб юрувчи артистларнинг кўча-кўйдаги ўйинларида ўз аксини топган эди. Бу актерлар шаҳар майдонларида декорациясиз ва махсус кийимларсиз оддий турмуш воқеаларини кўрсатганлар. Улар бундай сахна асарларида руҳонийлар, қозилар ва амалдорларнинг икки юзламачилигини ва сотқинлигини фош қилганлар. Бухорода қўғирчоқ театрининг томошалари ҳам худди шундай сатирик йўналишда бўлган. Энг яхши мимистлар, тақлидчилар ва қўғирчоқ ўйнатувчилар бўлган.

Халқ санъатининг бошқа турларидан бири бўлган акробатика ва фокуслар кўрсатиш кенг тарқалган эди. Театр ва акробатика томошалари асосан байрамларда ва тўйларда кўрсатилар эди.

Бухорода мусиқа ҳам оммабоп санъат эди. Пуфлаб чалинадиган, торли, уриб чалинадиган мусиқа асбоблари жуда содда эди, аммо мусиқачилар ўзига хос ва мураккаб куйларни ижро этишда улардан усталик билан фойдаланганлар. Одатда ашула айтиш пайтида мусиқа асбоблари жўр бўлган. Театр ва акробатика ўйинларида ҳам мусиқачилар қатнашганлар.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухорода тарихнавислик ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Тарихий асарларда ўтмиш тарихи ва манғитлар ҳукмронлиги даври ўз аксини топган эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода Абдураҳмон Таълий томонидан «Абдулфайзхон тарихи» ва Муҳаммад Вафой Карманагий томонидан «Тухфайи хони» деган тарихий асарлар ёзилган. Шунинг эътирофи этиш керакки, бу асарлар ўзига хослиги ва ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт воқеалари ҳақида мустақил фикр юритишда XVIII аср бошларида Мир Муҳаммад

Амин Бухорий томонидан ёзилган «Убайдуллонома» номли асардан анча орқада туради. Аммо улар бой ва кўпинча анча тўлиқ маълумотларга эга. Тарихчи XVIII асрдаги Урта Осиёнинг сиёсий ҳаёти ва синфий кураши воқеаларини бу асарларсиз тўлиқ ўргана олмайди.

XVIII асрнинг охирларида Муҳаммад Шариф «Тожут-таворих» номли катта тарихий воқеаномани ёзади. Бу асар шайбонийлар тарихининг баёни билан бошланади, лекин XVI, XVII асрларга оид ҳамма маълумотлар ва қисман XVIII асрга оид маълумотлар бошқа тарихчилар (Убайдуллонома», «Тухфайи хони» ва бошқалар) асарларидан кўчириб олинган. Китобнинг XVIII аср охирларини ҳикоя қилувчи сўнгги қисми терма эмас, балки асл нусхадир. Бу қўлёзмада XVIII аср охирларидаги халқ қўзғолонларини тасвир этишга бағишланган қисми катта аҳамиятга эгадир.

Муҳаммад Миролим Бухорийнинг «Фотиҳномаи султоний» номли қўлёзмасида XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарих баён этилган. Бу асарда солиқ ислохотлари ҳақида, хитой қипчоқлар қўзғолони ҳақида ва 1826 йилдаги сиёсий воқеалар ҳақида қизиқ маълумотлар бор.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида қурилган биноларнинг олдингиларидан фарқли томонлари мавжуд эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода қурилган бинолардан бири 1753—1754 йилларда қурилган Шайх Жалол хонақосидир. Бу хонақо Шайх Жалол номидаги дарвоза яқинида жойлашган. Хонақо анча катта бўлиб, ўз носимметрик режасига ва баъзи қисмларининг анча тартибсизлигига кўра, ўзига хос кўринишга эга. 1796—1797 йилларда қурилган Домулла Турсунхўжа мадрасаси ҳам анча катта майдонни эгаллаган. Бу даврларда қурилган кўпчилик бинолар учун катта эмаслиги, қурилиш услубининг пасайгани, зийнатли безакларининг деярли бутунлай йўқлиги билан фарқ қилади. Айрим қурилишлар ичида Халифа Худойдод гуруҳи қурилиши ўз безаклари билан бир қадар диққатга сазовордир. Бу қурилиш масчит, мадраса, мазор ва сардобдан иборат (буларнинг ҳаммаси 1777 йилдан 1855 йилгача бўлган давр ичида қурилган). Чорминор мадрасасига кираверишда Халифа Ниёзқул, 1807 йилда қурилган бири иккинчисига яқин турган ҳаворанг гум-

базли тўртта минора ҳамда Эрназар элчининг кичик мадрасаси (1795 йил) жуда жозибалидир.

Тупроғи шўрланган Бухорода ва синч деворли бинолар анча кўп қурилган, чунки бундай ерларга пахсадан ёки хом ғишдан уйлар қурилганда, улар тезда емирилган ва тўсатдан босиб қолиш эҳтимоли бўлган.

Қурилишларда арча ёғочдан энг кам фойдаланилган, уни тоғ ўрмонларидан олиб келинган.

Шаҳарда қашшоқ аҳоли ерни газ ва ундан ҳам чуқурроқ қилиб ўйиб қилинган пахса деворли ярим ертўлаларда яшаган. Соғ тупроқ иссиқликни кам ўтказгани туфайли бундай ертўлаларда қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлар эди. Ярим ертўлаларда кўпинча дераза ўринлари бўлмас, қуёш нури эса, фақат эшикдан ва том тепасидан қилинган махсус туйнукдан тушар эди. Ярим ертўлаларда одатда гулхан ёқилгани учун бундай туйнуклардан тутун ҳам чиқиб кетган, яъни улар мўри вазифасини ҳам бажарган. Қишнинг энг совуқ кунларида ертўла эшикларини ёпиб, туйнукни эски қиз ёки латта билан бекитганларида хона шундай қоронғи бўлиб кетар эдики, ҳатто кундузи ҳам мойчироқ ёқиб ўтиришга тўғри келар эди. Ойна йўқлиги туфайли хона деразалари матолар билан ёпилар эди. Эшик ва дераза дарчалари қишда одатда кун бўйи берк турар ва деразаси жанубга қаратиб солинган уйларни иситишда қуёш муҳим роль ўйнар эди. Иситиш усули ҳар хил бўлган. Бухорода «сандал» ёки «сандали» энг кўп тарқалган эди. Сандал Ўрта Осиёнинг кўп жойларида ҳозир ҳам бор.

Бухорода ёғочга ва мисга моҳирлик билан уйма нақш бериш, сопол ва чинни идишлар, қуроллар, турли газлама ва бошқа буюмларни тайёрлаш кенг тарқалган эди; кўпинча бундай буюмлар ўз мукамалликлари билан фарқ қилар эди. Орнаменти ўзига хос, лекин жуда чиройли қилиб тўқилган гиламлар, тожик ва ўзбекларнинг шоҳига, ип-газламага, гулдор газламага, духобага гул солиб тиккан кашталари ва бошқалар халқ ижодининг ажойиб намуналаридир. Ёғочга ўйма нақш ишловчилар, уста кулоллар, ўз буюмларига ўйиб нафис нақшлар солган мисгарлар, тошлар ва сирлар билан безаб, зеб-зийнат буюмлари ишлайдиган бухоролик заргарлар ажойиб бадий буюмлар яратганлар. Бухорода ишланган бадий ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўпчилиги узоқ жойларга тарқалган эди.

XVIII—XIX асрлар давомида Бухоро шаҳар аҳолиси ўсиб боради. Бухоро шаҳрида XVIII аср ўрталарида тахминан 15000 хонадон, яъни 70 минг киши бўлган. XIX асрнинг ўрталаридаги ва Урта Осиёнинг Россияга қўшилишининг биринчи йилларидаги саёҳатчилар ҳам тахминан шу рақамни айтадилар. 1795 йилда Бухоро шаҳрида тўққизта икки қаватли карвонсарой бўлган ва буларда доимо кўп чет эл савдогарлари яшаган. 1840 йилда Бухорода 38 та карвонсарой, тўққизта тим, ўн олтита шаҳар ҳаммоми, шаҳар ичида 45 та ва шаҳар атрофида 22 та бозор бўлган.

Бухородан унча узоқ бўлмаган кичиккина Гиждувон шаҳрида Урта Осиёда энг йирик мол бозори бўлган, бу бозорга Қозоғистондан, ҳатто Россия билан бевосита чегарадош бўлган ерлардан қўй ҳайдаб келтирилган.

Бухорода ўзбеклар, тожиклар ва Бухоро яҳудийлари ҳам яшар эдилар. Шунингдек, четдан келган аҳоли анча кўп бўлиб, эронийлар, афғонлар, татарлар, ҳиндлар ва бошқалар яшар эди.

Бухоро амирлари феодалларнинг меҳнаткашлар омаси устидан ҳукмронлигини сақлаб қолмоқ учун хонликда яшаган майда миллатларга — тожик, туркман, қozoқ ва бошқа халқларга нисбатан миллий зулм қилиш сиёсатини амалга оширдилар. Бир томондан, тожиклар, туркманлар ва қozoқлар ўртасида сунъий равишда миллий адоват ва душманлик туғдирилди. Хонликда яҳудийлар айниқса ҳақорат қилинар ва оғир аҳволда яшар эдилар. Улар алоҳида маҳаллаларда турар эдилар, уларнинг ясаниб-тусаниб юришлари ва шаҳарларда отда юришлари тақиқланган эди. Белбоғ ўрнига улар белларига арқон боғлаб юрар эдилар, бу — уларнинг ҳуқуқсиз эканликларини кўрсатиб турар эди. Амир фуқароларидан ҳар бири яҳудийни ўлдирган тақдирда жазоланмас эди. Яҳудий миллатига мансуб кишиларнинг Бухорода пайдо бўлиш тарихи анча узоқларга бориб тақалади. Мазкур жараён ҳақидаги маълумотларни олишда бизга Нью-Йорк фанлар Академияси аъзоси, доктор Меер Рахманович Бенъяминовнинг 1983 йилда Нью-Йоркда босмадан чиқарилган «Бухарские евреи» («Бухоро яҳудийлари», Нью-Йорк, 1983 йил, 192-бет.) асари катта ёрдам беради.

Ундаги маълумотларга қараганда, римликлар ва бошқалар билан бўлган урушлардан сўнг яҳудийлар давлатининг қулаши натижасида бу халқ бир неча қисмга

бўлиниб кетган. Уларнинг бир қисми Испанияга ва кейинроқ бошқа қисми Ғарбий Европа давлатларига, айниқса катта қисми Германияга тарқалган. Бир гуруҳ яҳудийлар Ефратдан ўтиб, Шарқда Боғдодга қараб ҳаракат қилган, улар кейинроқ Эронга ўта бошлаган.

Яҳудийларнинг шарқ мамлакатларига шу жумладан Бухорога келиб жойлашишга интиланларининг асосий сабабларидан бири — бу ҳудудларда форс тилидан фойдаланиш ва ўз урф-одатларини сақлаб қолиш ҳамда яҳудий иуданизмини тўла сақлаб қолиш имкониятларининг бир қадар мавжудлиги эди.

Бухорода яҳудийлар поселениелари асримизнинг 14-юз йиллигида пайдо бўла бошлади¹. XVI аср охирида Бухоро хонлиги исломнинг марказига айланди. Яҳудийларга бу вақтга келиб ўзларининг турар жойлари учун алоҳида кварталлар танлаб олишга рухсат берилди. Улар кейинчалик ҳам ана шу ўзлари учун белгиланган кварталларга жойлашишлари мумкин эди. Уларнинг мусулмонлардан уй-жой сотиб олишлари тақиқланган эди.

Яҳудийларга мусулмонлардан ажралиб туриш учун энгига боғич (повязка) тақиб юриш талаб қилинар эди. Уларга инсон қадрини камситувчи айрим солиқлар ҳам солиб турилар эди.

XVIII аср ўрталарига келиб инсон фанатизмининг кенг масштабда кучайтириш натижасида анча қисм яҳудийлар исломни қабул қилишга мажбур бўлдилар².

XIX аср иккинчи ярмида Бухоро рус босқинчилари томонидан босиб олингандан сўнг ҳам яҳудийлар аҳволи олдингидай қолаверди.

Рус ҳукумати қўли остига ўтган Ўрта Осиё шаҳарларида яҳудийларга бўлган муносабатда Бухоро амирлиги ҳудудидагига қараганда бир оз юмшоқлик муносабатлари сезила бошлади. Шундан сўнг яҳудийларнинг Бухородан Туркистон ўлкасидаги бошқа шаҳарларга бориш учун ҳаракатлари бошланган. Иккинчидан, у нарса мусулмонлик урф-одатларини мажбуран қабул қилган яҳудийларнинг иуданизмга қайтишларига сабаб бўлди.

XIX аср охирларидан бошлаб, Ўрта Осиёдаги рус

¹ Доктор Меер Р. Бенъяминов, «Бухарские евреи», Нью-Йорк, 1983, 8-б.

² Уша жойда.

ҳукмрон доиралари яҳудийларнинг Бухоро, Хива ва Афғонистондан оммавий кўчиб кетишларидан норози бўлиб, 1901 йилда махсус фармон чиқарди. Унга асосан, Ўрта Осиёда руслар ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг Ўрта Осиёнинг чекка ўлкаларидаги шаҳарлар (Ўш, Қаттақўрғон ва бошқалар)га кўчиб келган Бухоро яҳудийларини Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига жойлашишларига рухсат берилди. Натижада Бухоро яҳудийлари сони Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарларида кўпая бошлади.

Бухорога мамлакатимиз ҳудудида яшовчи бошқа миллат вакилларининг (корейслар, татарлар ва бошқалар) кириб келиши кўп жиҳатдан фожиали 1937—1938 йиллардаги Сталинча қатағон ва қирғинбаротчилик йилларига бориб тақалади.

Негаки, Сталин буйруғи билан Узоқ Шарқдан ҳайдалган корейслар, ўзлари туғилиб ўсган жойлардан қувилган татарлар ва бошқа миллат вакиллари ўзларига нотаниш ўлкаларга келиб тушадилар. Уларнинг кейинги ҳаёти Бухоро билан боғланди, улар бошқа халқлар билан ҳамкорликда шаҳарнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Шундай қилиб, амирликдаги феодал-деспотик зулм устига миллий зулм ва ҳуқуқсизлик ҳам қўшилган эди.

Бухорода қонунлар ҳам амирнинг манфаатларига хизмат қилишга мослаштирилган эди.

Бухорода суд эксплуататорлар — феодаллар қўлида синфий эзиш қуроли эди. Ҳамма судлар тепасида олий судья — қозикалон турар эди. Қозикалон амир томонидан тайинланар эди ва у давлатдаги қолган судьяларнинг бошлиғи ҳисобланар эди. Бу судьялар ҳам амир томонидан тайинланар эди. Судьялар мол-мулк битими, мерос бўлиш ва бошқа ҳужжатларга муҳр босиб нотариал ишларини ҳам бажарганлар. Улар вақф-мулкларни устидан назорат қилганлар ва камбағал ҳамда ҳуқуқсиз ворисларнинг ишлари устидан восий бўлганлар. Бундан ташқари, улар маҳаллий ҳокимларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида амирга маълумот етказишлари керак эди. Ва, аксинча, судьяларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш учун ҳокимлар томонидан айғоқчилар қўйилган эди. Судьялар амирдан таъминот олмас, балки турли-туман ҳуқуқий ишларни бажаргани учун

олган пули ҳисобига яшаган. Бундай пул солиқларининг қанча бўлиши судланувчи томонларнинг келишиши билан, кўпинча қозиларнинг ўзбошимчалиги билан белгиланган.

Судьялар ишларини шариат бўйича, яъни мусулмон дини ҳуқуқлари бўйича қуриши керак эди. Шариат эса, кирдикор ҳақидаги ривоятлар ва Муҳаммаднинг сўзларидан иборат бўлган Қуръонга, эски суд қарорлари тўпламига ва ҳоказоларга асосланган.

Одатда қозиларнинг ҳукми қатъий ҳисобланар эди, чунки қонуний шикоят қилиш йўқ эди. Қози ўзи ҳал қила олмаган ишларини Бухоро шаҳрининг илоҳиёт билимдонларига юбориши мумкин эди.

Суд жараёнининг ўзи жуда содда эди: қози томонларнинг арзларини ва гувоҳларнинг айтганларини тинглаб (иккита хотин-қизнинг гувоҳлиги бир эркак кишининг гувоҳлигига тенг бўлган) бўлиб, шу заҳоти ҳукм чиқариши керак эди. Чиқарилган ҳукм шу ондаёқ ижро этилган. Жазо штраф қилиш, турмага қамаш, таёқ билан калтаклаш, қўл, оёқ панжаларини кесиб ташлаш ((ўғирлик қилганлик учун) ва кесилган аъзодан оқаётган қонни тўхтатиш учун уни қайнаб турган ёққа ботириб олишдан иборат бўлган. Дастлабки текшириш ҳам, томонларнинг ҳимоячилари ҳам бўлмаган.

Судья ўлим жазосига ҳукм қилиш учун амирдан рухсат сўраши керак бўлган. Жинсий ишларни кўришда Бухоро суди бошқа мусулмон мамлакатларнинг судларидан ўз қаттиққўллиги билан катта фарқ қилар эди. Ўғирлик ва бошқа ишлар қилган кишиларни минорадан ташлаш ҳоллари ҳам бўлган. Турмага қамаш ёки миршабхонага қамаб қўйиш суд тадбири бўлибгина қолмай, маъмурий тадбир ҳам эди. Кимнинг бой ва обрўли қариндош уруғлари ва дўстлари бўлса, унинг эркинликка чиқиши осон бўлган, бирор камбағал шахс Бухоронинг каналар ва бошқа маҳлуқлар тўлиб ётган қоронғу зиндонида неча йиллар қолиб кетиши мумкин эди. Фанатизм ва амирларнинг ўзбошимчалиги ҳукм сурган бир даврда Бухоронинг бу қўрқинчли зиндонларига тушиб қолиш ҳеч гап эмас эди. Бухоронинг бу зиндонлари ҳатто Урта Осиёдаги қўшни хонликларни ҳам ваҳимага солар эди.

Суд қилиш ишида амир томонидан ва қонуншунослар ичидан сайланган муфтилар муҳим роль ўйнар эди.

лар. Уларнинг вазифаси фатво беришдан ва ривоятлар тўқишдан, яъни асосланган ҳуқуқий ҳулосалар чиқаришдан иборат эди. Ҳар бир ривоят манфаатдор томонларнинг илтимосига кўра, муфти томонидан маълум миқдордаги пул бадалига тўқилар, унинг муҳри ёки бир қанча муфтиларнинг муҳрлари билан тасдиқланар, сўнг судьяга берилар, судья эса унга асосланиб ҳукм чиқарар эди. XIX асрда амир Музаффар даврида Бухоро амирларининг ва амир-амалдор талончиликларини фош қилиб, мана бундай деб ёзган эди: «Манғит ҳокимлари ҳукумат ишларини ўзлари эгаллаб олиб, ҳамма нарсага хоҳлаганларича эгалик қилдилар: улар бева аёлнинг ўчоғидан ўтин ўғирладилар, бечора камбағалларнинг, стим-есирларнинг ҳақига ҳиёнат қилдилар, ҳамма нарсани ўз балон нафсларига, бузуқчилик йўлига сарфладилар. Ҳукумат бошида турганлар орасида майхўрлик, қиморбозлик, айш-ишратлар ва фахш ишлар авжга минди, ноҳақ солиқлар ва жабру-ситамлар деҳқонларнинг ва шаҳар меҳнаткашларининг шўри бўлди; бу кулфатлардан улар ҳайрон ва вайрон бўлдилар.

Қўл-қўлни ювади деганларидек, амиру вазирларнинг, уламою амалдорларнинг — ҳаммаларининг тили бир. Сен сўрайсан: амирнинг ўзи ким? Амир гўё мўмин мусулмонларнинг отаси. Султон қанақа одам? Қарасанг кўрасан, у фосиқ ва золим, қозикалон эса очкўз ва мунофиқ киши. Ноинсоф раис ҳам барча катта ўғри ва каллакесарларнинг боши, ичкиликдан бош кўтармайдиган қиморбоз миршаббоши ҳам шулардан биттаси.

Амир юртни идора қилишда, унинг ҳокимияти худонинг қудрати билан борлиққа келган, деб тарғиб қилувчи мусулмон руҳонийларига ва ер эгалари бўлган зодагонларга таянарди. Амир феодалларнинг ва савдогарларнинг манфаатларини ҳимоя қилди ва эксплуатация қилинаётган омманинг ҳаракатини бостириш тадбирларини амалга оширди. Ўзининг феодал деспотиясини сақламоқ учун, у ҳокимиятга қарши чиқишга журъат этганларнинг ҳаммасини шафқатсизлик билан таъқиб қилди. Итоатсизларни азоблаш ва калтаклаш, уларни зиндонга ташлаш, мол-мулкларини мусодара қилиш қонулаштирилган эди. Улим жазоси билан жазолаш усуллари одатдан ташқари мудҳиш эди.

Саёҳатчи Н. Стремоухов зиндонни мана бундай тасвирлайди: «Қандалали зиндон Бухоро шаҳрида, са-

ройнинг ўзида бўлиб, оғзи тор, таги кенг қилиб ишланган; муҳбусни унга арқон билан туширадилар. Ундан чиқиб кетишнинг асли иложи йўқ. Зиндоннинг ичи лик-лик қандала бўлиб, қандалаларни қонхўр қилиш учун атайлаб гўшт бериб боқилган...

Зиндоннинг чуқурлиги 38 фут, тагига учи ўткир қозиқлар ва найзалар ўрнатилган бўлиб, бечора маҳбусларни шулар устига ташлайдилар, уларнинг қонга беланган жасадлари зиндон ичида қолиб кета беради. Баландлиги 60 аршин думалоқ минора. Ҳукм қилинганларни шу миноранинг тепасидан тош йўлга ташлайдилар. Ташланган кишилар ерга тушганда парча-парча бўлиб кетади».

Сарбозлар қўшини амирнинг ва ҳукмрон феодал зодагонларнинг таянчи эди.

Утган асрнинг 90-йилларида Бухоро қўшини 13 минг пиёда аскардан, 500 отлик аскардан ва 620 тўпчидан иборат эди. Аскарлар қуйидаги манзилларда жойлашган: Бухоро шаҳрида 8 минг аскар, Широбудунда (амирнинг Бухородан 5 километр наридаги саройи) 2 минг, Шаҳрисабзда 1000, Кўлобда 1000 ва Балжувонда 1000 аскар жойлашган. Отлик аскарлар ва 150 та тўп ёнида турувчи тўпчилар тўпчибоши қўл остида Бухоро қалъасида ўрнашган эди. Доимий қўшиндан ташқари, амирлик тупроғида «осойишталикни» ва жамоа «тартибини» сақламоқ учун амир ихтиёрида 2 мингдан ортиқ миршаб ҳам бўлган.

Сарбозлар ойига бир тилладан олиб турганлар, ва уларнинг овқати ҳам, кийими ҳам шу пул устидан бўлган. Шунинг учун улар деҳқончилик ва чакана савдо билан шуғулланганлар. Амир бирор жойга сафарга чиққанида у билан бирга борган сарбозлар йўл маоши олганлар, лекин бу пул сарбозларнинг ва оилаларининг тирикчилиги учун етмас эди. Уларнинг хўжаликлари деярли ҳамма вақт хароб ҳолда бўлган, ўзлари эса ярим оч яшар эдилар.

Бухоро амирлигида давлат идора аппаратида амирнинг биринчи вазири — қушбеги бошчилик қилар, маъмурий ишларнинг ҳаммаси унинг измида бўларди.

Молия идораларининг ишларига раҳбарлик қилиш ва назорат қилиб туриш қушбегига топширилган бўлиб, у хирож, закот ва бошқа ўлпонларнинг тўпланишини кузатиб борар эди. Ер ўлпони хирож тўловчи девонбеги ва чорва моллар ҳамда жонли мол-мулклар юза-

сидан солиқлар тўпловчи закотчилар қушбегига итоат этар эдилар.

Давлат идора аппарати молия идоралари тўпланган солиқлар билангина таъминланиб қолмай, бунинг устига маҳаллий ҳокимлар ва ўлпон тўпловчилар меҳнаткашлар оммасини ошкора талар эдилар. Бухоро хонлигида ўлпонларнинг асосий турлари хирож, закот ва аминана (яъни экспорт қилинадиган моллар юзасидан олинадиган бож) бўлган. Амир, қушбеги, қозикалон ва бошқа амалдорларнинг «пешкаш» (яъни «тортиқ») тариқасида олган катта даромадлари ҳеч қачон ҳисобга олинмаган ва ҳисобга олиниши ҳам мумкин эмас эди. Амир ўзига қарам бўлган ва ўз қўл остидаги расмий шахслардан «пешкаш» олиш билангина қаноатланмай, ҳатто бек ва амлокдор, қози ва раис мансабларини ҳам сотиб турган. Бухоро ҳаётини яхши билган С. Айнийнинг ёзишича, амирнинг тўғри ва ғайри солиқлардан ҳамда «пешкаш»лардан олган даромадлари йилига 30 млн. сўмга етган. Бунинг бутун оғирлиги мамлакатдаги маҳнаткашлар оммаси устига тушар эди.

ЧОРИЗМ ИСТИЛОСИ

Маълумки, Чор ҳукумати XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Аштархон, Қозон, Сибирь ва Қрим хонлиklarини босиб олгач, рус давлати Ўрта Осиё ва Қозоғистонга қўшни бўлиб қолган эди. Натижада рус давлати ўзбек хонликлари билан, жумладан Бухоро билан ҳам бевосита барча соҳаларда муносабатга киришиш имконини қўлга киритганди. Шунинг учун ҳам чоризм Бухорони газлама кийим-кечак ва бошқа турли-туман молларга бўлган эҳтиёжини қондиришдаги асосий манбалардан бири деб ҳисоблаб, Бухоро билан ўзаро савдони ривожлантиришга қаратилган муҳим чораларни амалга ошира борди. Ўз навбатида Бухоро ҳам, Сибирь, Волга, Урал бўйида яшовчи халқлар билан тижорат ишларини кучайтиришдан манфаатдор эди. Чунки у ерларда Бухорода ишлаб чиқарилган молларга талаб катта эди. Рус давлати бирмунча илғор ва қудратли бўлгани учун ўзининг сиёсий-иқтисодий режаларини усталик билан руёбга чиқара борди.

Ўзбек хонлиklarини забт этиш нияти очиқдан-очиқ Пётр I давридан бошланган эди.

XIX аср бошларида Бухоронинг Россия билан элчилик муносабатлари, савдо алоқалари кучая борди.

1825 йилда Бухородан Бекназар Абдулкарим бошчилигида амир ёрлиғи ва совғалари билан Петербургга махсус элчилар юборилди. Улар хиваликлар ва кўчманчилар томонидан қарвонларнинг таланиши натижасида савдогарларнинг кўп зарар кўраётганликларини подшо саройига хабар қилдилар ва қарвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни сўрадилар. Шунингдек, улар рус давлатидан Бухорода мадраса ва Петербургда Бухоро элчилари учун махит қуришни илтимос қилдилар.

1830 йил август ойида Бухоро амири Насрулло ўз ҳарбий қўмондони Султонқули Раҳматбек бошчилигидаги 30 кишидан иборат элчиларни ёрлиқ ва совғалар билан Петербургга жўнатди. Элчилар янги амирнинг Россияга нисбатан отаси Мирҳайдарнинг тутган сиёсатини давом эттираётганини билдирдилар.

1835 йилда рус давлатининг элчиси прапорщик Виткевич Бухорога келиб, ҳар иккала давлат ўртасида иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан амир Насрулло ва сарой ходимлари билан суҳбатлар олиб борди. У, хонлиkning иқтисодий ва сиёсий ҳаёти, Бухоронинг қўшни давлатлар билан муносабатлари тўғрисида муҳим маълумотлар тўплади.

1836 йилнинг июль ойида Бухоро амирининг қорувулбеги Қурбонбек Ашурбек бошчилигида 15 кишидан иборат вакиллари Орска ва у ердан рус подшоси номига ёзилган ёрлиқ, унга совғалар, қушбеги номидан ташқи ишлар вазири ва Осиё департаменти директори номига ёзилган мактуб билан Петербургга бордилар. Бу дипломатик элчилар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари, дўстона ва сиёсий муносабатларни баён этишлари билан бир қаторда, инглиз мустамлакачиларининг Туркистон ерларига суқилиб киришига интилаётганликларини ҳам рус давлатига хабар қилдилар.

1838 йил 5 августда Насруллохон яна Болтақулибек бошчилигидаги элчилар орқали рус подшосининг ташқи ишлар вазири граф Нессельрод ва Оренбург генерал-губернатори Перовский номларига ёзилган мактубларни, подшога отлар, филлар ва бошқа совғаларни юборди, элчилар озод қилинган рус аскарларини олиб Петербургга бордилар. Амир бу сафар ҳам рус давла-

тидан Бухоро ер ости бойликларини қидириб топиш ва уларни ишга солишда ёрдамлашиш учун Бухорога рус кон муҳандисларини юборишни илтимос қилди. Насруллохон Бухорога инглиз жосусларининг келганлигини, уларнинг дўстлик ва савдо масалалари юзасидан сулҳ тузишни таклиф этганликларини ҳам хабар қилди. Бухоро элчилари олиб борган музокаралар натижасида қўйилган масалаларнинг ҳаммаси ҳал этилди: амирнинг талабига биноан, подшо 1839 йил апрель ойида кон муҳандиси капитан Ковалевский бошчилигидаги мутахассисларни Бухорога юбориш ҳақида фармон беради.

Ковалевский бошчилигидаги элчиларга ер ости бойликларини аниқлашда Бухорога ёрдам бериш билан бирга, хонликнинг ер ости бойликлари ҳақида, унинг ички ва ташқи савдоси, ўлкада ишлаб чиқарилаётган ҳамда четдан киритилаётган моллар, айниқса инглиз молларининг нусхалари, сифати, нархлари тўғрисида тўлиқ маълумот тўплаш, Бухорода доимий рус консулхонасини очиш масалаларини ҳал этиш топширилган эди. 1839 йил ноябрида ковалевскийчилар Оренбургдан Бухорога жўнадилар. Лекин йўл қароқчилари Ковалевскийга ҳужум қилганлиги сабабли улар Оренбургга қайтишга мажбур бўлдилар ва элчилар сафари натижасиз тугади.

1839 йилда инглиз ҳарбий кучларининг Афғонистонни босиб олганлиги ўзбек хонликларини жиддий хавф остида қолдирган эди.

1840 йил июль ойида Насруллохон Қулибий Мулла Муқимбек бошчилигида 39 кишидан иборат элчиларни Петербургга жўнатди. Улар инглизларнинг Ўрта Осиё ерларига хавф сола бошлаганлигини рус давлатига маълум қилишди, агар инглиз ҳарбий кучлари ҳужум қиладиган бўлса, Россиянинг хонликни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олишини сўрашди. Элчилар Хива-Бухоро муносабатларининг кескинлашиб бораётганлигини, Оллоқулихоннинг Бухоро шаҳар ва қишлоқларини талаш учун босқинчилик ҳаракатларини давом эттираётганлигини ҳам хабар қилишиб, ҳар иккала хонлик ўртасида муносабатларни яхшилаш ва тинчлик ўрнатишда ҳам рус давлати воситачилик қилиши зарурлигини таъкидлашди. Улар бу гал ҳам, Бухорога кон муҳандисларини юборишни сўрашди.

Россиядан кон муҳандиси, подполковник Бутенёв

бошчилигида Бухорога элчилар юборилди. Элчилар орасида икки муҳандис ва икки устандан ташқари, шарқшунос Н. Хаников, табиатшунос Леман, топограф Яковлевлар бор эди. Элчилар орқали амирга подшо номидан ёрлик одатдагидек совғалар, унинг вазирларига Россия ташқи ишлар вазирлигидан мактублар юборилди. Бутенёвга бир қанча масалаларда йўл-йўриқ кўрсатилган эди. Чунончи: амирнинг илтимосига кўра, ер ости бойликларини аниқлашга ёрдам бериш, савдо алоқалари ва дипломатик муносабатларни янада яхшилаш, Бухоро хонлиги ҳақида, унинг чегаралари, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик саноати, улар етиштираётган маҳсулотлар, сиёсий тузилиши, қуроли кучлари, бойликлари ва даромади ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш маҳаллий ва Оврупа саноат молларидан намуналар, жумладан Қобул орқали Бухорога келтирилаётган инглиз буюмларининг нусхаларини йиғиш ва нархларини билиш, маҳаллий бозорларда қандай моллар кўпроқ талаб қилинаётганлиги, хусусан уй-рўзгор ва қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган асбобларни аниқлаш. Бухорода рус савдо консуллигини ташкил этиш, инглизларнинг ташқи сиёсат соҳасида Шарқ ва Ўрта Осиёга нисбатан қилинаётган хатти-ҳаракатларини, уларнинг Афғонистонга бостириб киришлари Бухорога қандай таъсир этганлигининг, инглиз буюмларига қарши рақобат қилиш йўли билан уларни Ўрта Осиё ва бутун Шарқдан сиқиб чиқариш чораларини белгилаш, Амударёнинг чап қирғоғидаги мустақил ўзбек бекликлари бўлган Қундуз, Ҳулим, Андиҳой ва Мозори Шарифни тўла-тўқис ўрганиш, улар билан иқтисодий дипломатик муносабатлар ўрнатиш чораларини кўриш, Афғонистон ва Ҳиндистон томонларга ўтиш йўлларини аниқлаш, хусусан Бухоро-Хива муносабатларини яхшилаш тадбирларини қўллаш, жумладан Хиванинг илгариги хони томонидан қилинган ғайриқонуний ҳаракатларни ёддан чиқаришга амирни кўндириш зарур эди.

Бутенёв бошчилигидаги элчилар олдида турган энг муҳим масалалардан яна бири — Бухоро хонлиги билан Россия муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида акт-шартнома тузиш эди. Шартнома лойиҳасида қуйидагилар кўрсатилган эди: Россияга, унинг фуқароларига ошкора ва махфий равишда қарши чиқмаслик, Бухородаги ҳамма рус асирларини Россияга қайтариб юбориш, бундан кейин рус асирларини со-

тиб олмаслик, Бухорога қўшни ўлкаларда рус асирларининг борлиги билиниб қолганда уларни қутқариш учун барча чораларни кўриш ва озод қилинган асирларни рус давлати ҳисобидан керакли нарсалар билан таъминлаб, Россияга жўнатиш мажбуриятларини олиш, Бухородаги эркин рус қочоқларини тезлик билан тўплаб, рус қўшини ихтиёрига топшириш, агар бундан кейин рус қочоқлари пайдо бўлса, уларни ушлаб, рус давлати ҳисобидан Россияга жўнатиш, Бухорога савдо-сотиқ учун келаётган рус савдогарларидан олинадиган божни маҳаллий савдогарларга солинадиган божга барабарлаштириш, рус савдо карвонларини Бухорога қарашли бойлар томонидан тўлиқ ҳимоя қилиш, улар қароқчилар томонидан таланган тақдирда молларининг қиймати миқдорида пул билан товон тўлаш, агар рус савдогарлари Бухородан ташқари ерларга, жумладан, Қундуз, Хулим, Қобул, Кашмир ва бошқа жойларга ўтиб савдо қилишни истасалар, уларга асло қаршилиқ қилмаслик, уларни қўллаб, бож олмасдан жўнатиш, у ердан турли моллар билан Бухоро ерлари орқали Россияга қайтиш вақтларида ҳам бож олмасдан Россияга кузатиш, Бухорода савдо-сотиқ иши билан юрган рус фуқароларининг ва уларга қарашли мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш, агар у вафот этса, мулкни давлат ҳимоясига олиб, наслига қайтариш учун рус чегараларига етказиб бериш, рус савдогарларига Бухоро ерларида тўлиқ эркинлик бериш шарт қилиб қўйилган эди.

Агар амир юқоридаги мажбурият шартларини ўз зиммасига олса, рус давлатининг тубандаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кўрсатилган эди: Россия империяси ерларида бухоролик фуқароларининг шахсий ҳаёти ва мол-мулкларининг даҳлсизлигини таъминлаш, уларни Россиянинг ҳамма ерларида савдо қилиш имтиёзларидан фойдалантириш, Россия фуқаролигидаги қозоқ ва туркманлар Бухоро карвонларини талаган тақдирда уларнинг молларини қидириб топиш, Бухоро фуқароларининг Россия ерларидан ўтиб, Маккага боришига рухсат этиш, Бухорога қарши ҳеч қандай уруш ҳаракатида бўлмаслик (агар Бухоро амири томонидан бундай ҳаракат бўлмаса) ва ҳоказолар.

Ҳар иккала томон учун белгиланган мажбуриятларнинг таққослаб кўрилишиёқ, уларнинг қайси томон учун кўпроқ фойдали эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бутенев бошлиқ элчилар 1841 йил 5 августда Бухорога етиб келдилар. Элчилар Бухорода яхши кутиб олинди. 1841 йил 15 августда рус элчилари билан амир ва унинг сарой ходимлари ўртасида музокаралар бошланди.

Подполковник Бутенёв амир ва сарой ходимлари билан олиб борган музокаралар пайтида Бухорога техника соҳасида ҳам ёрдам беришни кўзда тутиб, Россиядан ҳар хил материаллар, косиб-ҳунармандлар, машиналар ва машинистлар юборишни ваъда қилди. У Бухородан бир қанча ёшларни Россияга юбориб, уларга ҳунар ўргатиш масаласини ҳам қўйди. Аммо амир ва саройдаги реакцион руҳонийлар Бутенёвнинг бу таклифини қабул қилишмади.

Шундай қилиб, Бутенёв бошчилигидаги элчилар юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан амир ва сарой ходимлари билан бир қарорга кела олмасдан, 1842 йил апрель ойида қайтиб кетдилар. Айни пайтда амир қоровулбеги Худоёрбек ва Қиличбий бошчилигида 17 кишидан иборат элчиларни подшо ва унинг вазирлари номига ёзилган ёрлиқ ҳамда совғалар билан Петербурга жўнатди. Лекин амир Бутенёв тақдим этган актни имзоламаганлиги сабабли унинг элчилари Оренбургдан қайтариб юборилди.

Н. Хаников 1843 йилда Бухоро хонлиги ҳақидаги муҳим илмий асарни нашр қилдиришга муяссар бўлди¹.

Россия билан Бухоро хонлиги ўртасида акт тузиш Насруллохоннинг турли баҳоналари туфайли чўзилиб кетиши орқасида бу давлатлар ўртасидаги муносабатлар анча сусайиб кетган эди. 1848 йилда амир ўз дипломатик элчиларини Россияга юбориш йўли билан бу муносабатларни жонлантиришга уриниб кўрди.

Насруллохон 1848 йилда Мирзахўжа Хайрулло Мирохўр бошчилигида 20 кишидан иборат элчиларни совғалар ва подшо номига ёзилган ёрлиқ билан Раим қўрғонига жўнатди.

Инглиз мустамлакачилари 1848 йилда Ғарбий Ҳиндистон ерларини эгаллаб, Афғонистон чегарасига келиб қолишган эди. Улар Афғонистон амири Дўстмуҳаммад-ни ҳам ўз таъсирига олиб, Бухоро ерларига яқинлашиб

¹ Хаников Н. Описание Бухарского ханства, СПб, 1843.

қолишган эди. Инглизлар Бухорога ўз жосус ва элчиларини юбориб, Насруллохонни Лондон кабинетлари билан дўстлик асосида дипломатик алоқа боғлашга, Бухорода инглиз консулхонасини ташкил этишга, Россия билан алоқаларни узишга даъват этмоқда эдилар. Бу хатти-ҳаракатлар, шубҳасиз, амирни ваҳимага соларди.

Элчилар инглизларнинг бундай хавфли хуружларини рус давлатига билдириш билан бирга, агар инглизлар ҳужум қилгудек бўлсалар, Россиянинг Бухорони ўз ҳимоясига олишига ишонч изҳор этдилар. Элчилар Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва орадаги баъзи бир англашилмовчиликларни бартараф қилиш юзасидан музокаралар олиб бордилар. Улар Хива хонлигининг Россия билан чегаралар масаласида Бухоронинг воситачилик қилишини сўраганлигини, Насруллохоннинг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик баҳонаси билан бу илтимосни рад этганликларини хабар қилдилар.

Подшо ҳукумати Бухоро амирига ёзган жавобида Россия билан Бухоро ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва тобора ривожлантира бориш, ҳар иккала мамлакат учун энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди. Подшо Бухоро амирига ерларида рус фуқароларининг, Россияда эса Бухоро фуқароларининг маҳаллий савдогарлар билан тенг ҳуқуқга эга бўлишларини таъминлашга, уларни доимо ҳимоя қилишга чақирди.

Кўриниб турибдики, чор Россияси дипломатик тазйиқ ўтказиш орқали Бухорони ўзига тобе қилиб олишнинг турли йўллари тинимсиз қидирган эди.

Рус давлатининг Бухорога таъсир ўтказишни кенгайтиришни улар ўртасида савдо муносабатларининг ўсиб боришида, айниқса яққол кўриш мумкин.

Бухородан Россияга пахта, калава ип, гилам, жун, қора кўл, турли ҳайвон терилари чиқарилар эди. Россияга олиб бориладиган моллар орасида турли қуруқ мевалар ҳам алоҳида ўрин эгалларди: шунингдек, фируза каби жавоҳиротлар чиқариларди. Бухоро орқали Россияга хитой, ҳинд ва афғон моллари юборилар эди. Е. Мсендорфнинг маълумотларига қараганда биргина Қашмирдан ҳар йили Бухорога келтириладиган 3 мингта гулдор рўмолдан 2 мингтаси Россияга жўнатилар эди. Бухоро савдогарлари Шарқий Ҳиндистондан кел-

тирилган инглиз молларини ҳам Оренбургга олиб бориб сотишарди. Яна Россияга пахта, йигирилган ип, бўз, чит, қалами олача беқасам, адрас, атлас сингари моллар юборилар эди. Шунингдек калами олача ва беқасам тўнлар, шойи рўмоллар ва бошқа тайёр кийимлар ҳам чиқариладди.

Бухородан Россияга буюм чиқариш ва у ердан олиб келиш (яъни буюм айирбошлаш) йилдан йилга ўсиб борган. 1801 йилда бу жараён қуйидагича эди: 1801 йилда Бухородан Россияга:

483,7 минг сўмлик ип газлама калавалари,

42,5 минг сўмлик ип газлама моллари,

19,5 минг сўмлик пахта,

101,7 минг сўмлик хом тери,

45,8 минг сўмлик қоракўл терилари,

25,7 минг сўмлик равоч олиб кетилган эди.

Шу 1801 йилнинг ўзида Россиядан Бухорога:

217,7 минг сўмлик олтин червонлар,

112,0 минг сўмлик мовут ва бошқа газламалар,

83,0 минг сўмлик қалампир мунчоқ ва қизил бўёқ,

76,0 минг сўмлик қизил булғори чарм олиб келинганди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг бошларида Бухородан Россияга олиб кетиладиган молларнинг 75% ни пахта ва ип газлама буюмлари ташкил қилар эди. Бу даврларда Россияда элликтача тикув фабрикалари бўлган ҳолда ип йигирув фабрикаларининг йўқлиги туфайли пахтага нисбатан жуда кўп миқдорда калаваларни талаб қилар эди.

XIX асрнинг бошларигача, Россиядан Осиё мамлакатларига металл чиқариш ман қилинган эди. Баъзангина Ўрта Осиё хонларининг илтимосларига кўра, бу қоидадан ташқари чиқилар эди. Масалан. 1731 йилда Бухоро амирига Россиядан 3 минг пуд мис сотиб олиш учун рухсат олинган эди. 1801 йилда Осиёга темир, мис, пўлат ва чўян чиқариш учун рухсат берилгандан кейин, Россия Ўрта Осиё савдосида металл биринчи ўринни олди. Бухорода рус мисидан идишлар тайёрлашдан ташқари, чақа пуллар зарб қилинган, темир, пўлат, чўяндан эса деҳқончилик қуроли, қурол-яроғлар ва бошқа зарур буюмлар ишлаб чиқарганлар.

Россияга чиқарилган моллар орасида йигирилган иплар пахтага қараганда асосий ўринни эгаллаб 8 мил-

лион 473 минг 879 сўмни ташкил этган. Тайёр кийимлар иккинчи ўринни, пахта эса учинчи ўринни эгаллаган.

1833—1842 йилларда Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо-сотиққа онд маълумотлар

1-жадвал

Йиллар	Тоза пахта, сўм ҳисобида	Пахта иплари, сўм ҳисобида	Кийимликлар, сўм ҳисобида	Мўйна, сўм ҳисобида	Жами суммаси
1833	4 080	81 5052	529 183	313 885	1 774 888
1834	7 783	727 375	534 123	200 893	1 625 788
1835	114 483	1 027 500	893 690	304 090	2 415 434
1	2	3	4	5	6
1836	519 129	1 155 063	560 875	389 351	2 786 962
1837	272 376	1 593 543	1 122 379	324 291	3 550 127
1838	188 183	929 096	1 248 658	375 794	2 948 897
1839	414 993	680 796	1 074 912	417 270	2 825 304
1840	181 725	224 508	324 553	119 109	1 011 229
1841	85 938	288 484	686 068	198 568	1 461 307
1842	103 323	182 462	469 616	102 774	952 488
Жами ¹	1 880 468	8 473 879	7 443 007	2 756 025	

XIX асрнинг 40-йилларида Нижегород ярмаркаси ўзбек хонликлари билан рус давлати ўртасидаги савдода муҳим роль ўйнаган. 1840 йилда Бухородан бу ярмаркага 657 минг 745 сўмлик мол юборилганлиги маълум. Уша йили Бухородан Россияга чиқарилган 1 млн 11 минг 229 сўмлик молларнинг 60 фоиздан ортиқроғи Нижегород ярмаркасига юборилган эди. Россияга чиқарилган 181 минг 752 сўмлик 29 383 пуд пахтанинг ҳаммаси шу ярмаркада сотилган эди. Бухоролик айрим

¹ Жамида юқоридаги моллардан ташқари, ипак, ипакли кийимлар ва қуруқ мева каби бошқа моллар баҳоси ҳам қўшиб кўрсатилган.

савдогарлар Москвада доимо яшаб савдо ишларини олиб борар эдилар. Масалан, Усмонхўжа Шариф, Саидмин Авезбадаев, Саид Маъруф кабилар Москвада истиқомат қилиб, Россия бозорларида савдо-сотиқ ишларини олиб борар эдилар.

XIX асрнинг 50 йилларидаги Россиядан Бухорога келтирилган мис, темир ва темир асбоблар ҳам кўпая борди (2-жадвал)¹.

2-жадвал

Бухорога келтирилган маҳсулотлар					
Йиллар	мис (пуд) ҳисобида	баҳоси	темир (пуд) ҳисобида	баҳоси	темир асбоб- лар баҳоси
1840	2 540	20 838	18 662	20 038	21 378
1841	182	2 129	12 834	12 933	27 512
1842	4 517	3 338	33 723	33 941	20 387
1843	3 826	33 340	39 002	40 873	13 224
1844	23 063	27 563	23 063	27 563	4 788
1845	4 144	35 221	38 786	42 272	26 744
1846	3 268	27 749	6 301	52 074	11 287
1847	1 109	9 424	36 711	44 827	15 028
1848	2 492	21 102	4 375	48 475	15 206
1849	1 806	14 531	30 713	45 775	29 230

Ҳозиргача яратилган кўпгина тарихий асарларда, илмий тадқиқот ишларида Ўрта Осиёнинг Россия таъсирига ўтишининг туб моҳияти очилмасдан, гўёки, Ўрта Осиё хонликлари ўз ихтиёри билан Россияга қўшилганликлари ҳақида, агар Россия томонидан қўшиб олинмаса, инглизлар таъсирига тушиб қолиши ҳақида кўп гапирилар эди. Бу фикрлар Бухорога нисбатан ҳам ишлатилар эди. Эндиликда буларнинг ҳаммаси тарихий ҳақиқатдан йироқ эканлиги маълум бўлиб қолди. Биз тарихчилар, умуман жумҳуриятимиз тарихини, шунингдек, Бухоро тарихини ҳам «оқ доғлар»дан тозалашимиз зарур экан, эндиликда тарихий ҳақиқатни айтмоғимиз жоиздир.

Ўрта Осиёни, шу жумладан Бухоронинг чор Россия-

¹ Соатов С. Ўзбекистон ССЖ тарихидан ўқув қўлланмаси (XIX асрнинг иккинчи чораги). Тарих фанлари доктори, профессор Х. Зиёевнинг умумий таҳрири остида. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 1973, 104-105-бетлар.

си томонидан босиб олинганлиги тўғрисидаги масала ўтган асрда яшаб ижод этган тарихчилар асарларида аниқ баён этилганлигига қарамасдан биз ундан кўз юмиб келдик. Масалан, Аҳмад Донишнинг шартли ном билан юритиладиган «Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғитийа» Мирза Салимбекнинг «Таърихи Салими» асарларида бу масала кенг ёритилгандир.

Ўрта Осиёда Чор Россиясини узоқ вақтлардан буён қизиқтириб келган ўлкалардан бири Бухоро бўлиб, Черняев Тошкентни босиб олгандан кейин 1865 йилда Бухоро қўшинлари билан тўқнашади. Лекин Черняевнинг 1865 йил кузида Жиззах ёнида Бухорога қарши пухта тайёрланмай, қилган уруши муваффақиятсизликка учрайди. Руслар чекинишга мажбур бўладилар. Бухоро амири Музаффар (1860—1885) чор Россиясига қарши янги урушга тайёрлана бошлади. Чунки у бундай урушнинг янгидан бошланишини билар эди. Бухоронинг чор Россияси томонидан босиб олинганлигини исботловчи далиллардан бирини келтирамиз. Бу Бухоро ҳукмдори Амир Музаффарнинг Туркия султонига чор Россиясининг истилочи армиясига қарши курашда ёрдам беришни сўраб ёзган мактубидир. Бу мактуб бир неча нусхада ёзилган бўлиб энг яхшиси Турк султонига юборилган. Ҳозирги вақтда унинг иккита нусхаси (Тошкент ва Бухоро нусхалари) мавжуд, ҳозирда Бухоро музейида сақланаётган нусхаси асл нусхага яқинроқ бўлиб, мактуб мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мактуб Тошкент ва Хўжанд (1990 йилгача Ленинобод номи билан аталган, 1991 йилдан яна Хўжанд номи билан атала бошлади, чор Россияси томонидан босиб олиниб (1865—1866 йиллар), бу ерлар руслар тасарруфига ўтгандан кейин битилган, Амир Музаффар рус армияси билан тўқнашиб, талофот кўргач, уни енга олмаслигига кўзи етгандан сўнг ёрдам сўраб Турк султонига мактуб битган. Мактубда чор Россиясининг босқинчилиги батафсил баён этилади. Русларнинг шу пайтгача (яъни мактуб ёзилгунгача бўлган даврда) ўзлари босиб олган жойларга беҳад зулм қилганликлари ҳақида ҳам фикрлар мавжуд.

1867 йил Чор ҳукумати Ўрта Осиёдан босиб олган жойларда ҳамда Қозоғистонда ташкил топган Сирдарё ва Еттисув вилоятлари таркибида Туркистон генерал губернаторлиги барпо этилади. Бу мансабга генерал

К. П. Кауфман тайинланади. Тошкент шаҳри генерал губернаторлик маркази бўлиб қолади.

Генерал К. П. Кауфман Урта Осиёда рус давлати мавқеини мустаҳкамлаш ва қонли урушларни ниқоблаш мақсадида бир гуруҳ маҳаллий табақалар вакиллари, яъни рус давлати тарафдорларини марказий ҳукумат билан келишган ҳолда Петербургга юборишга қарор қилади. Бу вакиллар асосан «Рус давлатига содиқ, рус қўшинларига ҳар томонлама ёрдам берган» кишилардан ташкил топган эди.

Туркистон вакиллари 1867 йилнинг март ойида Петербургга етиб келдилар. Бу ерда улар иззат-икром билан қарши олинадилар. Улар тузилган режаларга биноан ҳукумат нозирликларида, император саройида, эрмитажда, халқ кутубхонасида, музейларда, финлар академиясида, зоология боғида, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, савдо биржаси, магазинларда, театр ва циркда, касалхоналарда, император боғида, (Царское село) ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўладилар.

Кўриниб турибдики, Чор Россиясининг режаси кенг, мазмунли тузилиб, вакилларга Рус давлати ҳақида катта таассурот ва тушунча бериши лозим эди. Бу билан уларнинг кўзи олдида Рус давлати қудратини намойиш қилиш эди. Ҳатто Туркистон вакиллари зўр эҳтиром билан шахсан император Александр II қабул қилган. Улар императорга гўё Туркистон аҳолисининг Рус давлати тобелигига олинганлигидан бахтиёрлигини, мангу содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширадилар. Бу мактубда Туркистоннинг катталаридан 59 нафари имзо чеккан ва муҳр босилган эди. Вакиллар ўз вазифаларини адо этгач, ватанларига қайтганлар.

Чор ҳукумати ана шу тилхатни туркистон генерал губернаторлиги таркибидаги аҳоли гўё ўз ихтиёри ва истаги билан рус давлати фуқаролигига ўтганликлари ҳамда бундан мамнун эканликларини хорижий мамлакатлар кўз ўнгига намоён этишга уринди. Яна бир нарсани таъкидлаш мумкинки, Петербургга юборилган вакиллар ичида Бухородан ҳеч ким йўқ эди. Шунга қарамасдан, чор ҳукумати Бухорони ҳам тўла забт этишга уринди ва қонли урушларни давом эттира борди. Чунончи, 1867 йилнинг 7 июнида Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Ямғиқўрғонда 45 минг кишилик Бухоро қўшини ва халқ кўнгиллиларини қат-

тиқ жанг билан мағлубиятга учратди. 1868 йил 1 майда эса Самарқанд шаҳри остонасидаги Чўпонота тепалигида беаёв уруш бўлади. Чор аскарлари эртасига Самарқанд шаҳрига бостириб кирадилар. Ваҳимага тушган ерлик аҳоли душманга қарши тура олмайди. Бундан хабар топган Амир Музаффар қаттиқ даҳшатга тушиб, бу хабарни олиб келганларни «шум сўзлари» учун дарҳол осиб ўлдиришга фармон беради. Унинг васвасаси аста-секин йиғига айланиб, «Худо мени Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра жонимни олгани яхши эди», деб нола чекади. Амирнинг ношудлиги халойиқ орасида юрт соҳибига қарши норозилик ғазабини янада кучайтиради. Айниқса, унинг Чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни ўта кескинлаштиради. Натижада Бухоро атрофидаги аҳли жамоа Амирдан қандай бўлмасин урушни давом эттиришни талаб қилиб қўзғолон кўтарадилар. Амир Музаффар халқ қўзғолонининг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан қўрқиб, дарҳол чоризмга қарши харбий юриш уюштиради. Чўли Малик деган жой қўзғолон марказига айланди. Бу ерда ойболта, сўйил, найза ва шунга ўхшаш оддий нарсалар билан қуролланган қўзғолончиларнинг ососий кучлари тўпланган эди. Бироқ, қўзғолон тор-мор этилиб бостирилади.

Талвасага тушган Амир нима қиларини билмай, ўз атрофидаги беклар билан кенгаш ўтказиб, сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласини муҳокамага қўяди. Кенгашда биринчи бўлиб сўз олган лашкарбоши Усмонбек шундай дейди: «Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирларга контрибуция (товон) тўлагандан кўра бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқ»дир. Бу фикрларни кенгаш қатнашчилари бир овоздан қўллаб-қувватлайдилар. Шундан кейин 15 минг отлик, 6 минг пиёда ва 14 та тўпдан иборат Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Қўшинни руҳлантириш ва ғалабага чорлаш ниятида амир Музаффар уларга мурожаат қилиб шундай дейди: «Содиқ мусулмон фуқаролари! Сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, ғалаба биз томонда бўлғай. Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик катта йўқотиш эмас. Биз темурийлар авлодимиз, биз ўз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанимиз учун

мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишига кафирлар кўз ўнгига намоён этишингизга умид қиламан. Халқ биздан ғалаба кутаяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашган ва еримизни кофирлардан тозалашга эришганлар деб айтишсин. Зирабулоқ жанг майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёргорлик ўрнатилади. Мусулмонлар! Туркистон генерал губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла (500 минг сўм) совға сифатида сизларга берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рўёбга чиқариб, Самарқандликлар тўнидаги қора доғни ювасизлар. Мусулмонлар, сизларга зафар ёр бўлсин!»¹

Ушбу мурожаат тўп ўқлари овози остида ўқиб эшитирилади. 1868 йил 2 майда генерал К. П. Кауфман қўмондонлигидаги қўшин ва ҳимоячилар ўртасида жанг бошланади. Аммо кўп талофот кўриб, ҳимоячилар мағлубиятга учрайдилар. Бу ҳақдаги хабар бутун Бухоро халқининг ғазабини янада кучайтиради. Амир қўрқиб Қизилқум томонга қочади. Амирнинг қочиши, унинг обрўсига ва юртдаги таъсирига путур етказаётган эди. Амир Қарманага келиб, ўз амалдорлари иштирокидаги кенгашда чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бўлақ чора қолмаганини маълум қилиб: «Эндиликда, барча қўшин ва қурол аслаҳаларни, тўпларни оқ подшога топшириб, менга Маккага хажга боришга рухсат берилишини ундан сўрайман. Сезиб турибманки, менинг ўлимим яқин, тақдирим ва ҳаётим халқнинг қўлида» — дейди.

1868 йилнинг 23 июнида амир Музаффарнинг элчилари Самарқандга, К. П. Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдирадилар. Сулҳга кўра Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонликдан ажратиб олиниб, Россия таркибига киритилади. Амир товон сифатида 5 юз минг сўм тилла пул тўлашга ва хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия савдогарларига хонлик тасаруфида бемалол савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга ҳамда карвонсаройлар қуришга ижозат этилади. Улар тўлайдиган савдо божлари миқдори бухороликлар тўлайдиган божлардан ошмаслиги керак эди. Хул-

¹ Зиёев Ҳ. Чоризм истилоси. «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон, 188-бет.

лас, шартнома тузгандан сўнг Бухоро амири урушни расман тўхтатиб рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар, хур фикрли одамларнинг қаттиқ норозиликка сабаб бўлди. Ҳатто амирнинг ўғли Катта тўра бир неча нуфузли беклар биллашиб, Музаффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттирдилар. Улар амирнинг тахтдан маҳрум этилганини эълон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта куч тўпладилар. Шаҳрисабз беклари Катта тўрани хон деб эълон қиладилар. Натижада амир Музаффарнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бола қўшинлари ўртасида Самарқанд яқинидаги Жом қишлоғида содир бўлган жангда амир сарбозлари енгилди. Шундан сўнг амир чор маъмуриятига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қиладди. Буни инобатга олган генерал Абрамов 1870 йилда Шаҳрисабз ва Китобда Жўрабек ва Бобобек бошчилигидаги қўшин ва оломонни енгиб, у жойларни Амир Музаффар ихтиёрига топширади. Бундан илгари, яъни 1868 йилда чор қўшинлари томонидан босиб олинган Қарши шаҳри ҳам амир измига топширилади. Бу билан чор ҳукумати амир Музаффарнинг рус давлатига яна қўлларча итоат этишини мустаҳкамлай борди. Амир эса сулҳ шартларини оғишмай бажараверди.

Шу тариқа Бухоро ўзининг мустақиллигини қўлидан бой бериб, чор Россияси таркибига киради. Гарчанд амирлик сақланиб қолган бўлса-да, рус давлати манфаатлари доирасида иш юритиш лозим эди. Чор ҳукумати минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритгани ва ногирон қилгани етмаганидек, 1868 йил 23 июндаги шартномага асосан уруш харажатларини ундириш учун Бухоро хонлигини 500 минг сўм товон тўлашга мажбур қилди. Бу оғир жарима меҳнаткаш омманинг мушкул ҳаётини янада оғирлаштирди.

Барча ўзбек хонликлари сингари Бухоронинг босиб олинishi чор Россиясининг юқори табақалари томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олинди. Россия молия министри Вишнегородский бу жойларни «Рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» деб баҳолаган эди. 1879 йилда 1868 йилги шартномага янги қўшимчалар киритилган эди. Қўллик тугатилиб, амир ҳузурида Россиянинг доимий сиёсий агентлиги ташкил этилди. Демак, Бухоронинг чор Россияси томонидан истило қилиниши мустамлакалар босиб олишдан иборат расмана босқинчилик эди. Чор ҳукумати Ўрта Осиёни, шу жум-

ладан Бухорони урушиб босиб олишга киришганида туғилиб келаётган рус буржуазиясининг ва Россия ҳукмдорлари юқори табақаларининг манфаатларини қондиришни кўзда тутган эди.

Бухоро Россиянинг мустамлакаси бўлиб қолганлигига қарамасдан чор Россияси қўли остига ўтгандан сўнг шаҳардаги ўзаро тўқнашувлар деярли тугатилди. Бухоро асосан Россия учун хом ашё базаси сифатида керак эди. Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги каби Бухородан ҳам Россия кўпроқ иқтисодий жиҳатдан манфаатдор эди. Бухоронинг истило қилиниши уни рус капитали учун очиб қўйди. Россия ўз саноатини хом-ашё билан таъминлайдиган айрим тармоқларни Бухорода ҳам ривожлантириш учун қайғуришга мажбур бўлиб қолди.

Бухоронинг чор Россияси томонидан босиб олинishi бу территорияга буржуа муносабатларининг кириб келишини таъминлади.

Қўпгина тарихий ва илмий адабиётларда ҳам Бухоронинг чор Россияси томонидан истило қилиниши ҳақида сўз юритилар экан, унинг прогрессив томони бўрттирилиб кўрсатилади, кўп ҳолларда эса бир томонлама ёритишга берилиб кетилади.

Бухорода қул савдоси тугатилиши, феодал тарқоқликка барҳам берилиши, ўзаро феодал урушларининг деярли тугаши, темир йўллар, телеграф, почта каби тармоқларнинг ривожлана бошлаши, масалан, 1877—1888 йиллар давомида Красноводскдан Самарқандгача қурилган темир йўлнинг Бухоро ерларидан ўтиши, 1907 йилда эса Бухородан Когонгача темир йўл қурилиши ижобий деб баҳоланса-да, руслар босиб олгандан сўнг Бухородаги маҳаллий аҳоли томонидан шу пайтгача тўпланган илм-фан, маданият дурдоналарининг авайлаб-асралмаганлиги ёки йўқ қилиб юборилганлигини қандай баҳолаш мумкин. Чор Россияси маҳаллий усталар меҳнати билан қурилган Бухородаги айрим саройларни ўзларининг отлари боқиладиган жойга айлантириб, уларнинг сақланишига зиён етказганликлари ҳақида бирорта тарихчи тўла гапирмасдан келди. Қолаверса, темир йўллар қурилиши билан Бухоронинг Россия билан савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайганлиги рост. Аммо бу кўпроқ чор Россияси манфаатларига хизмат қилганлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Бухорода яратилган ноёб асарлар, маданият ёдгор-

ликларининг бир қисми ҳозир шаҳардан ташқарида сақланмоқда. Сабаби чор Россияси қўшинлари шаҳарга кирар экан, фақат осойишта юрмадилар, айрим ҳолатларда қимматбаҳо зиб-зийнат буюмларини ҳам, маданият дурдоналаридан ҳам ўлжа қилиб олдилар, ўзлари билан олиб кетдилар.

Бу йилларда Бухорода диний ва илмий билимлар ривожланишига муносиб ҳисса қўшган Аҳмад Дониш (1827—1897) 1856 йилда амир Насрулло элчилари билан бирга Москва ва Петербургда бўлди. Кейин эса XIX асрнинг 60—70 йилларида у яна икки марта Россия бўйлаб саёҳат қилди. Уни Аҳмад Қалла деб ҳам юритар эдилар. Аҳмадга Дониш ва Қалла («Қаллали») деган лақабни унинг дунёқарашлари тарафдорлари бўлган замондошлари берган. Аҳмад Донишнинг Москвада, Петербургда бўлиши ва унинг рус маданияти ютуқлари билан танишиши унга ғоят катта таъсир қилди ҳамда Бухородаги ўрта аср тузумининг чириганлигини ва ўз мамлакатининг асрлар давомида қолоқ бўлиб келганлигини тўла тушуниб етишга имкон берди.

Аҳмад Дониш Бухоронинг Россия билан курашига қарши чиқиб, Россияга нисбатан тинчлик сиёсати юритиш зарурлигини Бухоро амирига исбот қилиб беришга интилиши Россиянинг куч-қудратига, «маърифатпарварлиги»га ўта ишонганидан келиб чиққан эди. Уларнинг босқинчилиги, маънавий ва моддий маданиятга етказиши мумкин бўлган зарарларини олдиндан тасаввур қила олмаган эди.

Аҳмад Дониш ўз ватанининг ғоятда қолоқлигига нималар сабаб бўлаётганини бухороли замондошларига қараганда чуқурроқ ва тўғрироқ тушунган. Бухоро амирининг жабр-зулмлари Бухорода фан ва маорифнинг ривожланишига қаттиқ тўсқинлик қилаётганини кўриб, жуда ҳам қайғурган.

Аҳмад Дониш ўз шеърларида меҳнаткашлар ҳамда фан ва адабиёт намояндаларининг оғир кун кечираётганларини чуқур қайғу билан кўрсатиб берган.

Дониш ўзининг «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») ва «Рисола» каби асарларида халқ бошига тушган кулфатларнинг асосий гуноҳкорлари амир ва унинг амалдорларидир деб уларни танқид остига олади.

Аҳмад Дониш мамлакатда ислохотлар ўтказишни талаб қилган ва бу ислохотларни қандай қилиб амалга оширишнинг муфассал лойиҳасини тузиб чиққан.

Аҳмад Дониш мамлакатнинг прогрессив тараққий қилишида асосий куч халқни маърифатли қилишдадир деб ҳисоблаган.

Аҳмад Дониш Петербургга (1850—1870 йилларда) уч марта бориб келишида, рус демократик маданияти ғоялари билан танишган. «Новодурул воқое» номли асарида, у европаликларда шундай бир назарияга мувофиқ дастлабки вақтларда жами одамларнинг мол-мулки тенг бўлган, лекин кейин кучлироқлари кучсизларни талаб тенгсизлик пайдо бўлган, шунинг учун ҳам бутун мол-мулкни ҳаммага баробар қилиб, бошқатдан бўлиб чиқиш лозим, деб ёзган эди. Аҳмад Дониш бу ғояларга жуда ҳам хайрихоҳлик билан қараган.

Аҳмад Дониш, одамлар орасидаги мулкий тенгсизлик йўқоладиган, дини ва миллатидан қатъи назар, барча одамлар бир-бирига ёрдам берадиган ва ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаб, тинч меҳнат билан шуғулланадиган замонлар келажагига ишонган. Уша замонда урушларга барҳам берилиб, ерда бор қимматли нарсаларнинг ҳаммаси инсоният хизматида бўлади, деб билган.

Бу ғояларни яқин орада Бухорода амалга ошириш мумкин эмаслигини тушунган Аҳмад Дониш тушкунликка тушган.

Ўрта аср реакцион қарашларига қарши чиқиб, Аҳмад Дониш астрономияга онд ёзувларида табиатдаги ҳодисаларни табиий-илмий жиҳатдан тушуниш учун курашган. У ернинг юмалоқ шарлиги, сайёраларнинг ҳаракат қилиб туриши, қуёш ва ой тутилишини олдиндан айтиб бериш мумкинлиги тўғрисида гапирган. Аҳмад Дониш ер қимирлаши, ернинг ўртасида жойлашган иссиқ пар массаси ҳаракатга келиши натижасида содир бўлади, деб тушунтиришга ҳаракат қилган.

Аҳмад Дониш бу фикрлари билан динга қарши чиқмаган, аксинча дин йўлида бирлашиш, ислом тартиб-қоидаларига бўйсуниликнинг қатъий тарафдори эди. У Бухорода демократик ўзгаришларни амалга оширишда диний ташвиқотдан фойдаланишга ҳам ундаган.

Шу тариқа Аҳмад Дониш XIX аср охирларида Бухорода амирлик тузумига қарши бошланган деҳқонлар ва шаҳар меҳнаткаш табақаларининг курашига хайрихоҳлик билан қараган. Бухорода демократик ўзгаришларнинг тарғиботчиси бўлиб майдонга чиққан.

Асримиз бошларида Бухоро феодал-деспотик давлат бўлиб, Россия қўли остида эди. Бу ерда сиёсий тузум ўзининг синфий табиатига кўра, феодал монархияси эди.

Бухорога рус капиталининг кириб келиши, уни товар-пул муносабатлари доирасига тортди. Улуғ Октябрь инқилобига қадар Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда 60 га яқин майда корхоналар, шу жумладан 20 та пахта тозалаш, тўртта ёғ, 3 та вино, 10 та гишт заводлари, гугурт фабрикаси ва темир йўл устахонаси бўлиб, улардан фақат 7 тасигина бухоролик маҳаллий ҳукмдорларга қарашли эди. Қолганлари асосан руслар ҳукмронлиги остидаги корхоналар эди. Саноатнинг вужудга келиши билан ишчилар синфи ҳам шакллана бошлади. Октябрь инқилоби арафасида Бухорода 3,5 мингга яқин ишчи бўлиб, уларнинг иш вақти 13—16 соатга етар эди, иш ҳақи жуда паст бўлиб, меҳнат муҳофазаси мутлақо йўқ эди.

Бу даврда ҳам Рус-Бухоро савдо муносабатлари тез ўса бошлади. 1883 йилдан 1911 йилга қадар Рус-Бухоро савдоси салкам 100 баробар ўсди.

XX аср бошида Бухорода 60 га яқин карвонсаройлар бўлиб, келтирилган товарларни сақлаш учун кўплаб омборлар ва бостирмалар мавжуд эди. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, Бухорода савдо жуда тез суръатлар билан ривожланган эди.

Бухорога Россиядан келтириладиган маҳсулотлар ичида тўқимачилик маҳсулотлари 59 фоизни ташкил этар эди. Россиядан яна шаффоф идиш-тавоқлар, тери, ўрмончилик саноати маҳсулотлари, спирт ва бошқа маҳсулотлар келтирилган.

XX аср бошларида Бухоро Ўрта Осиёда пахта етиштириш бўйича Фарғонадан кейин иккинчи ўринда турар эди. Четга пахта чиқариш 1915 йилда 1913 йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Қоракўл тери ҳам Бухородан четга чиқариладиган буюмлар ичида муҳим ўрин эгаллар эди. Ҳар йили Бухородан 15 млн. сўмлик қоракўл тери четга чиқарилар эди. Бу Бухородан четга чиқариладиган жами буюмларнинг 42 фоизини ташкил этар эди. Кейинчалик қоракўл тери чиқариш яна ҳам ўсади.

Четга жун чиқариш ҳам катта ўрин эгаллар эди. Би-

ринчи жаҳон уруши йилларида 280 минг жун маҳсулотлари Бухородан четга чиқарилди. Булардан ташқари яна қуруқ мевалар, ипак маҳсулотлар, қўй териси, ги-лам, ип газлама буюмлари (одеял, халат ва бошқалар) нинг ҳам чиқарилиши салмоғи катта эди.

Биринчи рус инқилоби Бухорода ҳам халқ ҳаракатларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Социал-демократик группалар ва тўғараклар вужудга келди, уларда қатнашган илғор ишчилар марксистик ғояларни, марксистик адабиётларни Бухорога тарқата бошладилар. Бу ҳаракатларнинг бошида пахта тозалаш, ёғ ва ғишт заводлари, темирўл устахоналари ишчилари (айниқса Когонда) турдилар. 1905 йил 17 ноябрь Янги Бухородаги тўққизга пахта тозаловчи заводда иш ташлаш эълон қилинди.

Биринчи жаҳон уруши Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқаларини бўшаштирди, Россиядан келтириладиган ғалла ва кенг истеъмол молларининг миқдори қисқарди.

Ўмуман олганда, 1917 йилга қадар ҳам Бухоро чор Россиясининг саноати кам ривожланган чекка ўлкаси бўлиб қолаверди,

ШАҲАРНИНГ ТАРИХИЙ МЕЪМОРЧИЛИК ОБИДАЛАРИ

Бухоро — Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Моддий маданият ва санъатнинг шунчалик хилма-хил ва турли даврга оид ёдгорликлари тўпланган бундай шаҳарлар жуда оз. Шаҳар шарқ меъморлари яратган нодир архитектура ёдгорликларининг бойлиги жиҳатидан энг салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди.

Бухоро арки — шаҳарнинг қадимий қўрғони, архитектура ва археологик ёдгорлиги. Арк милод бошларида қурила бошлаб, асосан, шайбонийлар сулоласи даврида ансамбль ҳолига келган.

Баландлиги 20 метргача бўлган тепалик устига қурилган Арк майдони 4 гектар. Арк ёпиқ кўпбурчак шаклидаги иншоот. Арк пештоқининг икки ён томонидаги гулдаста ва улар оралиғидаги уч қаватли бино яхши сақланган. Арк ичкарасига олиб кирадиган узун долон йўлакнинг чап деворида ўн учта тахмон — токча қилинган. Чап томонидаги токчаларнинг баъзиларида зиндон-

га кириладиган эшикчалар бор «Гулдаста»лар тагида хавфли жиноятчилар сақланадиган зах ва дим канахоналар бўлган. Долоннинг ўнг томонидаги ўрта токчасида афсонавий қаҳрамон Сиёвуш арвоҳига Наврўз байрамида чироқ ёқилган. Амир сайипхонасига ҳам шу ердаги зинадан қирилган.

Долондан чиқаверишда тўпчи бошининг маҳкамаси, шу ердаги айвон тагидаги ертўлада қийноқхона бўлган. Ундан сал нарида жулла масжид [сарой масжиди) қурилган.

Арkning шимоли-ғарбий бурчагида тўпчи бошининг уйи ва таъмир ишлари устидан назорат қилувчи киши турадиган «кафисхона», масжиднинг шарқ томонида ошхона, орқа тарафида зарбхона жойлашган. Зарбхонанинг шимоли-шарқида заргархона, жанубида девонбегининг маҳкамаси ва қушбегига қарашли бинолар бўлган. Жума масжидидан бошланган тор йўлак қушбеги ҳовлиси орқали чорсига туташган. Чорсининг чап томонида тош ётқизилган катта ҳовли кўринишхона ўрнашган. Унда элчилар қабул қилинган ва амирларнинг тахтга ўтириш маросимлари ўтказилган. Ҳовлига кираверишда нақшли пештоқ бўлган. Ҳовлининг уч томони пешайвон билан ўралган. Ҳовлининг жануб томонида Раҳимхон меҳмонхонаси ва қорихона қурилган. Бу бинолар тагида ертўлалар бўлиб, уларда хазина сақланган.

Арkning ғарб томонидаги ҳовлида мирзалар ва бошқа хизматчилар учун икки қаватли бинолар қурилган. Сал нарида — саломхона, ундан шарқ томонда меҳмонхоналар, амир ҳамда олий мансабдорларга қарашли бошқа бинолар жойлашган. Жануброқда ҳаммом, ҳаммомнинг шарқ томонида кичкина масжид бўлиб, у ҳозиргача сақланган. Ҳаммомнинг шарқида духтархона — амир ҳарамидagi қизларнинг уйлари. Шимоли-шарқий бурчакда Чил духтарон масжиди ва Баттол ғозимозори бўлган. Арkning шарқий девори бўйлаб ғуломбачча, жануби-шарқий бурчагида дорихона (ўқ-дорилар омбори) жойлашган. Аркдаги қарийб 80% иморат сақланмаган. Арkning ғарбий деворларидан бошқа ҳамма деворлари, бурчаклардаги миноралар бузилиб кетган. Бухоро арки дарвозаси олдидаги Регистон майдонида кўпгина иморатлар бўлган. Унинг ғарбий деворига қараган пешайвонга замбараклар қўйилган. Арк дарвозасининг чап томонида лашкарбоши меҳмонхонаси, шимолида

эса қурол-яроғлар тузатиладиган устахона ва аслаҳа-хона (қўрхона) бўлган¹.

Арkning тик девори бир вақтлар ёппасига блок билан маҳкамланган эди, бир оз вақт ўтгандан кейин эса унга хом гишт, кейинчалик пишиқ гишт терилди. Қадимий деворнинг қандай қурилганини усти сал очилиб қолган шимолий томондан яхшироқ кўриш мумкин. Бу ерда ҳар хил ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, идиш-товоқ синиқлари ва бошқа нарсалар аралашган тупроқ қатламлари кўриниб туради.

Арк ҳамма томондан қўрғон девор билан гир айлан-тириб ўраб олинган. Бу девор кейинги иккинчи-учинчи асрда қурилган. Девор кўп марта қайта қурилган ва таъмирланган. Арkning шимолий девори унча мустаҳкам эмас. Бу ерда кейинчалик таъмир қилинган ўнлаб жойни кўриш мумкин. 1920 йилда шаҳар ўққа тутилган вақтда деворнинг емирилган жойлари ҳозирги колхоз бозори томонга қараган шарқий қисмида яққол кўри-нади.

Араблар истилосига қадар Аркда шаҳар ҳокимла-ри — бухорхудотлар яшаган. Сомонийлар даврида мезаналар билан мустаҳкамланган, (шимоли-ғарбий) томонидаги мезананинг ўрни ҳозиргача сақланган.

Қорахонийлар сулоласи даврида (XI—XII асрлар) ва мўғуллар босқинчилиги вақтида (XIII аср) Арк бир неча бор вайрон қилинган. Арkning ҳозирги қиёфаси XVI асрда Шайбонийлар сулоласи даврида шакллан-ган.

Арк пештоқи архитектура жиҳатидан устунсимон иккита минора бўлиб, юқори қисми узун тор йўлак би-лан бирлашган ва устига айвонли бино солинган. Бу ерда машшоқлар ва шаҳар қоровули турган.

Аркка кираверишдаги йўл аста-секин кўтарила бо-риб, узун йўлакдан Жомеъ масжидига олиб чиқади.

Арк деворларидан бирига осиб қўйилган катта қам-чи амир ҳукмронлигининг рамзи бўлган. Ривоятларга қараганда, бу қамчи афсонавий халқ паҳлавони Рус-тамники эмиш.

Йўлакнинг чап томонида обхона ва регхона бўлган. Бу биноларнинг бир қисми жиноятчиларни қамайдиган

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси, 2-том, 1971 йил, 518—519-бет-лар.

авахта қилиб қайтадан қурилган. Бу ерда хавфли жиноятчиларни қамайдиган «канахона» деб аталадиган хоналар ҳам бўлган.

Аркдаги бинолар XVII—XX асрларга, яъни аштархонийлар ва манғитлар сулолаларига доирдир. Уша вақтларда Арк шаҳар ҳокимлари, кейинчалик хонлар, амирлар, мансабдорлар ва ҳарбий бошлиқлар яшайдиган жой бўлиб қолган.

XX аср бошларида Арк аҳолиси тахминан уч минг кишига етган. Жомеъ масжидидан бошланган тор кўча қушбеги ҳовлиси олдидан ўтиб, кичкина гумбазга — Чорсуга олиб чиқади, бу ерда саломхонага кирилади. Саломхонада амир ўз амалдорларини ва келган кишиларни қабул қилган. Чорсунинг ўнг томонида амирнинг отхоналари бўлган. Отхонадаги шалтоқ бандилар ётган зиндонга (обхонага) сизиб ўтган. Отхона ҳовлисида қоровуллар ва машшоқлар яшайдиган нагорхона бўлган. Нагорхонанинг қуйи қисмида сағана бўлиб, уни Аркни қурган Сиёвуш қабри дейдилар.

Чорсунинг чап томонида тош ётқизилган катта ҳовли — маросимлар саройи бор. Бу ерда элчиларни қабул қилиш ва амирларни тахтга кўтариш маросимлари ўтказилган. Ҳовлининг уч томони айвон. Қираверишда нақшли пештоқ бор. Ҳовлининг шарқ томонидаги тахтиравон тагида Нурота мармар тошидан қилинган мармар тахт турган.

Аркнинг бутун шарқий қисми ҳозирги пайтда бузилиб кетган. Бу ер археологик қўриқхона бўлиб, иккитагина бино тасодифан сақланиб қолган. Аркнинг шимолий қисмида бир вақтлар амир Нусруллохон азоблаб қудуққа ташлаган қирқ қиз тўғрисидаги ривоятга алоқадар бўлган Чил духтарон бор.

Жанубий томонда нимага аталиб солинганлиги номаълум бўлган бир бино сақланиб қолган. Ҳозирги вақтда Аркда вилоят ўлкашунослик музей-қўриқхонаси жойлашган.

ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ

Исмоил Сомоний (848—907 йиллар) сомонийлар сулоласининг йирик вакили, сомонийлар давлатининг асосчиси. Исмоил 887 йилда Бухоро атрофидаги деҳқонлар қўзғолонларини бостиргач, Бухоро ноиб, 888 йилда эса бутун Мовароуннаҳр ҳокими бўлган.

Бу даврда Бухорода кўп мутахассислар тўпланган. Шаҳар ва унинг атрофи обод этилган. Исмоил Сомоний мақбараси қурилган.

Исмоил Сомоний мақбараси — Бухородаги энг ноёб археологик ёдгорлик бўлиб, Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари шарафига бунёд этилган. Мақбара квадрат шаклида бўлиб, усти гумбаз қилиб ёпилган. Тўрт бурчаги устунсимон килиниб, гумбаз атрофида тўрт минорача ўрнатилган. Деворлари қалин (1,8 м). Барабан ўрнида сиртда галерея, ичкарида ингичкароқ арklar ишланган. Мақбаранинг тўрт томонидаги эшик бир хил.

Бинони безашда ўша даврда кенг тарқалган ёғоч ўймакорлиги нусхаларидан фойдаланилган. Бинонинг ташқарисида ҳам, ичкарисида ҳам «қалама» (квадрат шаклидаги пишиқ ғишт ($23 \times 23 \times 3$) ни бўрттириб чиқариш) ўсулида ажойиб нақшлар ҳосил қилинган. Бинонинг шакли ҳам, ундаги нақш шакллари ҳам мақбарага улғуворлик бахш этган¹.

Исмоил Сомоний мақбараси ҳозирги Сомонийлар номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган. У куб шаклида бўлиб, ярим шарсимон қубба билан ёпилган. Унга ҳусн бўлсин учун бурчакларига тўртта кичкина қубба ўрнатилган. Девори қалин (1,8 метргача) бўлганлиги туфайли бу ёдгорлик минг йилдан бери яхши сақланиб келмоқда.

Мақбаранинг юз томони (фасади) йўқ, тўрт томони ҳам бир хил. Бундай иншоотлар центрик композиция деб аталади. Мақбаранинг юқори қисми бўйлаб қирқ дарчали галерея бор. Бу галерея ёдгорликнинг чиройини очади ва гумбазининг вазнини анча енгиллаштиради.

Мақбара квадрат шаклида бўлиб, пишиқ ғишдан қурилган. Унинг деворлари текис бўлиб, квадрат рамали ва кейинги вақтларда темир панжара ўрнатилган биттадан равоқли эшик ўрни бор. Бинонинг шарқ томонидан кирилади, кираверишдаги пештоққа мақбаранинг қурилган вақти ва бошқа ёзувлар битилган.

Мақбаранинг ташқи ва ички деворларига жимжимадор қилиб пишиқ ғишт терилган. Ўша вақтларда кошин бўлмаганлиги сабабли бино шундай безатилган. Усталар тўртбурчак шаклидаги ғиштларни ҳар хил усулда териб, деворни бадийий жиҳатдан гоят гўзал қилиб бе-

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси, 5- том, 104.—105- бетлар.

затганлар. Бу ўзига хос нақшлар мақбаранинг текис деворини шундай нафис безаганки, қуёш оққан сари, эртадан кечгача деворнинг ғиштлари ҳар хил тусда товланади. Ой ёруғида эса ўзгача бир чиройга эга бўлади. Жаҳон архитектураси бу усулда безатилган бирорта ҳам бошқа тарихий ёдгорликни учратган эмас. Баъзи бир олимларнинг фикрига қараганда, бу безаклар ёғоч ўймакорлигининг, яъни шарқ мамлакатларида кенг тарқалган санъатнинг таъсиридир.

Ёзма манбалар ва халқ ривоятларига кўра, бу ёдгорликни сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил Сомоний ҳаётлик пайтида отасининг қабри устига қурдирган. Кейинчалик ўзи ҳам шу ерга дафн қилинган. Бу ёдгорлик 892—907 йилларда қурилган, деб тахмин қилинади.

Исмоил Сомоний мақбараси қурилиш услуби жиҳатидан ўз замонасининг манфаатлари ва руҳини акс эттиради. 1920 йилгача мақбара ташландиқ ҳолда қолиб, маҳаллий руҳонийлар қўлида бўлган. Бойлар дафн этилган қабристон мақбара баландлигининг тахминан учдан бир қисмини тўсиб турар эди. Мақбаранинг гумбази шикастланган эди. Шимол томонда ёғочдан солинган масжид бор эди. Руҳонийлар Исмоил — барҳаёт, мусулмонларни қўллайди, деб авом халқни алдар эдилар. Мақбара сағанасининг икки томони — бош ва оёқ томони тешиб қўйилган эди. Бир томондаги тешикка орзу тилакларини ёзиб ҳатлар қўярдилар, иккинчи томондаги тешикдан эса муллалар тўқиган «жавоблар»ни оладилар¹.

1934 йилда бу ёдгорлик таъмир қилинди, атрофдаги қабрлар кўчирилди ва текисланди. Мақбара атрофига ғишт териб, майдонча қилинди. Ҳозир саёҳатчилар мақбарани бемалол томоша қила оладилар. Бу ёдгорликни Ватанимиздан ташқари жойларда ҳам яхши биладилар.

Номозгоҳ масжиди — Бухородан жануб томонда жойлашган. Бу масжид ҳайит кунлари шаҳар масжидлари номоз ўқувчиларни сиғдира олмаганлигидан ўша вақтда шаҳар ташқарисида қурилган. Мазкур масжид ҳам анъанавий услубда қурилган бўлиб, унда меҳроб деворига катта пешайвон солинган ва сал нарига супача қилинган. Супачада сўфи айвон ташқарисида саф тор-

¹ Мўминов Х. Музаффаров А. Бухоро области. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, 103—104-бетлар.

тиб намоз ўқиётганларга эшитарли қилиб имомнинг ўқиганларини баланд овози билан қайтариб турган. XIV асрга келиб меҳроб нозик ўйма гулли сопол ғишлар ва майда ғишт парчалари билан безатилган. Булардан ташқари: деворнинг юқори қисмида зангори, кўк ва оқ сир билан арабча хат ёзилган. Горизонтал кошинлар ҳам ишланган. XVI асрга келиб, Номозгоҳнинг пешайвон галерея шаклидаги биносига нафис қоплама безакли пештоқ қурилган, ғарб томондан бинонинг монументал қисми меҳробли қадимий деворга тақалган.

Моғоки Аттори масжиди — шаҳар марказида жойлашган. Бу масжид илгариги атторлар растаси ўрнига қурилгани туфайли Моғоки Аттори деб аталган. Масжид қарийб 6 метр ерга кириб туради, аслида кўп асрлар давомида аста-секин шаҳарга тупроқ қатламлари уюлиб, у шундай кўмилиб қолганлиги маълум.

X аср тарихчиси Наршахий, бир вақтлар бу жойда Моҳ масжиди бўлган, у оташпарастилар ибодатхонаси ўрнига қурилган, деб ҳикоя қилади. Дарё оқиб ўтган ва дарахтзор бўлган бу ерда йилига икки марта бозор очилиб, ёғоч ва лойдан ясалган санамлар сотилган. 1934—1935 йилларда бу масжидда В. А. Шишкин археологик қазиш ишларини ўтказиб, бир неча қават пол бўлганлигини аниқлаган. Археологик тадқиқот натижасида олинган ашёвий далиллар Моғоки Аттори масжиди ўрнида илгари мажусийлар ибодатхоналари бўлганлигидан далолат беради.

Моғоки Аттори масжиди ёпиқ турдаги масжидлардан бўлиб, томини 6 тош устун кўтариб туради. Бу масжиднинг жанубий пештоқи Ўрта Осиё архитектурасининг ноёб асари ҳисобланади. Пештоқ ва унинг равоғи ҳар хил, чунончи, ўймакор ганч, сайқал берилган ғишт, кошин ўйиб нақшланган сопол ғиштчалар билан безатилган.

Бинонинг шарқий томонидан кириладиган қисмида кенг тош зина бор. Бу зина масжидга кириш учунгина хизмат қилмасдан, балки номоз ўқиладиган жой ҳам бўлган. Зина жанубий пештоқ қурилгандан кейин қилинган.

Минораи Қалон — Катта минора Мухандис ва меъмор уста Бақо томонидан 1127 йилда яратилган, Минораи Қалон ўрнида аввал ҳам минора бўлган. У қулаб түшгач, ҳозиргиси қурилган, Янги минора пойдевори

тошдан терилган, асосининг доира ҳажми 9 метр. Миноранинг баландлиги 50 метр, курсиси қиррадор, танаси гўласимон, юқориси ингичкаланиб боради ва муқарнасли қафаса билан тугайди. Минора ичидаги айланма зина орқали унинг тепасига чиқиш мумкин. Минораи Калоннинг қафасаси гумбазли давр — кўшк шаклида, ундаги 16 равоқли дарчалар орқали атрофни кузатиш мумкин. Миноранинг ўзаги ҳам, беаги ҳам чорси ғишдан ($27 \times 27 \times 4 - 5$ см) шаклда терилган. Безак ғишлар турли шаклларда йўнилиб, сирти силлиқ пардозланган. Устма-уст жойлашган геометрик шаклдаги бежирим безакли ҳалқалари ғиштин данданалар билан ҳошияланган. Безаклар орасида тарихий ва диний мазмундаги кўфий ёзувлар учрайди.

Муқарнас остидаги мовий ранг сиркор ҳалқа кейинчалик тўкилиб кетган, Минораи Калон шу турдаги қадимги иншоотлар орасида алоҳида ўрин тутайди. Шаклларнинг ўзаро монандлиги ва мутаносиблиги, геометрик уйғунлик, ажойиб кўрк ва маҳобатлилик минорага чинакам гўзаллик бағишлайди. Миноранинг танаси ва муқарнаслари 1920 йилги инқилоб даврида ўн бир жойидан шикастланган эди. Баланддаги қисми эса қулаб тушган эди. Улар фақат 1924 йилдагина тузатила бошланди ва минорани таъмирлаш ишлари бошланди. Таъмирлаш ишларида Уста Ширин [Муродов] ва унинг шоғирдлари фаоллик кўрсатган эдилар.

Миноранинг ер остида қолиб кетган курси қисмини эса 60-йилларда уста Очил Бобомуродов очиб, таъмир этган¹.

Бухоро шаҳрининг ташқи кўринишида бу минора бадий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. У Бухоронинг асосий нишонасидир. Унинг нақшкор ғиш деворида халқ миллий санъатининг намуналари акс этган. Бу безакларда Исмоил Сомоний мақбарасидаги безакларга ўхшаган ўзига хос бир услуб ёрқин ифода этилган. Аммо иккинчи томондан, қорахонийлар давридаги услуб, сомонийлар давридаги услубдан фарқ қилади. Бунда нақшларнинг чуқурлиги ва енгиллиги йўқотил-

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси, 7-том, Тошкент, 1976 йил, 254-бет.

ган ҳамда гулдор рельефининг яссилиги ва бир-биридан ажралиб турганлиги равшанлаштирилган. Гумбазнинг зангори белбоғи XVI асрда ишланган кошинлардан иборат эди. Нақш билан сўзлар ёзилган эски қисми XII асрда ясалган оч мовий тусдаги кошинлардан иборат бўлиб, Бухоро музейининг Ситораи Моҳи Хоса бўлимида сақламоқда.

Минора пойдевори атрофида 10 метрдан ҳам баланд уюлган тупроқ ҳозир олиб ташланган. Биносининг пастки қисми таъмирланди, у ўн бурчак шаклида бўлиб, устига минора қурилган.

Миноранинг қурилган вақти (1127 йил)ни кўрсатадиган ёзув биносининг ўрта белидаги кошинлардан бирда қисман сақланиб қолган.

Минора мустаҳкам ганч қоришмаси билан пишиқ ғиштдан терилган думалоқ устундан иборат. Унинг ичида 104 пиллапояли айланма зинаси бор. Миноранинг юқори томони пастки қисмига нисбатан торроқ бўлиб, цилиндр шаклли гумбазида 16 дарча бор.

Минорадан азон айтилган. Қўшни масжид томонидан Қалон минорасига ғишт кўприкча бўлган. Жума кунлари 4 муаззин кўприкчадан ўтиб, минорага чиқар ва азон айтарди. Шундан кейин шаҳардаги 200 дан ошиқ масжид минораларида ҳам сўфилар азон айтиб халқни намозга чақирардилар.

Минора ёв пайдо бўлишини кузатиш нуқтаси ҳам бўлган. Миноранинг қоровулхонаси ҳали ҳам бор.

У карвонларга йўл кўрсатадиган манзил ҳам бўлган, деган фикрлар бор.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларни минорадан пастдаги тош майдончага ташлаганлар деган гаплар учрайди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда уни ўлим минораси деб атаганлар. Аммо ҳалигача ўша даврга оид ёзма манбаларда минорадан одам ташлангани тўғрисида маълумотлар учрамайди.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

Улуғбек мадрасаси — Бухоро шаҳридаги архитектура ёдгорлиги бўлиб, 1417 йилда Улуғбек қурдирган уч мадрасанинг энг қадимгисидир. Улуғбек мадрасасини қурилишига исфахонлик меъмор-уста Тоҳир ўғли Исмоил

рахбарлик қилган. Улуғбек мадрасаси Абдуллохон II даврида 1586 йил қайта қурилган. Мадраса тўғри тўрт-бурчак шаклида, олд эшиги серҳашам пештоқли, кира-вериш — йўлак (миёнхона), унинг бир томони дарсхона, иккинчи томони масжид. Миёнхонанинг иккинчи қавати кутубхона бўлган. Мадраса ҳовлисида яна 2 пештоқ бор, уларнинг ҳар иккала томонига миноралар қурилган. Пештоқлар пастидан юқорисигача бежирим ғишт-чалар, гулдор кошинлардан ишланган ҳошиядор нақшлар билан безатилган. Улуғбек мадрасасининг кошин безаклари 3 даврга оид: қўнғир кўк ва тилла ранг фонга ишланган оқ ва ҳаво ранг безаклар Улуғбек даврига бориб тақалади, баъзи жойлари нимранг оқ ва мовий ранг, баъзи жойлари тиниқ, ёрқин безаклар 16 асрга, қора фонга ишланган ҳаво ранг гулдор қадама нақш 17 асрга тааллуқли. Мадрасанинг ички ва ташқи безаклари рангини йўқотмаган. Улуғбек мадрасаси тез-тез таъмир қилиб турилган нақшларида юлдузсимон шакллар кўп. Айвон устунлари зарҳалланган бўлиб Масжид Калон устунларига ўхшаш¹.

Чашмаи Аюб мақбараси. Чашмаи Аюб мазори Бухородаги қадимий архитектура ёдгорлиги Сомонийлар номидаги маданият ва истироҳат боғидадир. Халқ орасида бу мақбара Миноран Калон (1127) ва Намозгоҳ масжиди (1119—1120) билан бир даврда Арслонхон томонидан бунёд этилган деган ривоятлар сақланган. Лекин бионинг қиёфаси 12 аср архитектура ёдгорликларига ўхшамайди. Мақбара бош гумбазнинг шакли ёдгорликни қуришда Хоразм усталари иштирок этганини кўрсатади. Бино узоқ даврлар мобайнида (темурийлар даврида ҳам, кейин ҳам) қурилган. Мақбаранинг энг қадимги қисми квадрат тарздаги (4,5×4,5 м) гурхон бўлиб, ўз вақтида унинг икки ёнида икки эшиги бўлган. Олд томонига 4,5×4,5 метр ўлчамдаги бино туташтирилган бўлиб, у мақбарага пештоқ бўлиб хизмат қилганга ўхшайди. Гўрхона қўш гумбаз, пештоқ ва кичик гумбаз билан қопланган, унинг остида қудуқ бор (бионинг номи шундай). Гўрхона деворида унинг Амир Темир фармойиши билан 1379 йилда қурилганлиги ёзилган. Кейинчалик унга тақаб гумбазли зал, бурчакларида минорали даҳлиз қурилган. Шундай қилиб, мақбара ғарбдан шарққа томон чўзилган, 19×26 метр ўлчамда-

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси, 11- том, 1978 йил, 553- бет.

ги шаклга кириб, бинонинг қадимги қисми ичкарида қолган. Тўрт бинодан иборат Чашмаи Аюб мақбарасининг ҳар биноси гумбаз билан қопланган (гумбазлар бир-бирига ўхшамайди)¹. Бу ёдгорлик ғарбдан шарқ томонга ёнма-ён жойлашган тўртбурчакли тўртта бинодан иборат. Бу бинолар турли даврларда қурилган. Улардан энг қадимийси конуссимон баланд гумбаз билан қопланган. Мозор ичидаги совуқ сувли чашма ҳозиргача сақланиб қолган Халқ афсонаси бу ёдгорликни Айюб пайғамбар номи билан боғлайди. Афсонада ҳикоя қилинишича, Бухоро шаҳри ҳали қурилмаган бир замонларда бу ерга Айюб пайғамбар келган эмиш. Уша йили қурғоқчилик бўлиб, сувсизликдан қирла бошлаган аҳоли «авлиё»дан мадад сўрабди. Айюб ҳассасини ерга санчган экан, муздек, сув отилиб чиқибди. Шунинг учун ҳам бу ёдгорлик «Чашмаи Айюб» деб аталар эмиш.

Ёдгорлик чуқур сойликда бўлиб, яқин вақтларгача унда катта булоқ суви оқиб турар эди. Бу булоқ мозордаги қудуқ билан бирлаштирилган.

Ғарб томондаги қадимий бино ёнига XVI асрда яна иккита бино қурилган. Қадимий бинонинг эшиги тепасига осиб қўйилган гулдор кошинга — «Бу бинони Темурнинг ўзи қурдирди»,— деб ёзилган. XVI асрнинг иккинчи ярмида бинонинг паст пештоқли, икки қуббали, тўртинчи қисми қурилган.

Тўрт бинонинг ҳар қайсисида бир-бирига ўхшамаган қуббалар бор. Шимолий ёки жануб томондан қараганда, уларнинг ташқи кўринишлари ўзига хос жозибалидир.

САЙФУДДИН БАҲОРЗИЙ МАҚБАРАСИ

Шаҳарнинг шарқий қисмида, вокзалга яқин жойда икки мақбара: Сайфуддин Баҳорзий ва Буён Қулихон мақбаралари жойлашган.

Бу ёдгорлик икки бинодан, яъни зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Бинонинг шарқий томони кенгроқ қурилган бўлиб, катта пештоқ мақбарага тақалади. Икки томонда иккита калта мезана (гулдаста) бўлиб, уларнинг ичида томга чиқадиган зиналар бор.

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси, 12-том, Тошкент, 1979 йил, 483-бет.

Илгари иккинчи хонада бадий ўймакорлик ва сирли безакнинг ноёб намунаси бўлган ёғоч сағана бўлган (XIV аср).

Мақбаранинг ичига баланд миноралар гумбазидаги дарчалардан ёруғ тушиб туради.

Бинонинг катта ёрилган жойлари бўлиб, ҳозирда у ва бино гумбази темир синч билан мустаҳкам қўйилган. XIV асрга оид архитектура ёдгорлиги бўлган Буён Қулихон мақбараси Сайфуддин Баҳорзий мақбараси билан ёнма-ён жойлашган. Мақбара 1358 йилда Самарқандда ўлдирилган чингизийлардан бўлган мўғул хони Буён Қулихон қабри устида қурилган. Мақбара катта ва кичик хонага бўлинган. Кичик хонада сирланган гулдор сағана бўлган, катта хона эса пастак гумбаз билан қопланган. Мақбаранинг тўрт томонида нақшинкор устунлар бор. Девор ичидан қоронғи ва тор йўлак ўтади. Мақбаранинг ички ва ташқи томони ранг-баранг сир билан безатилган. Бу ерда зангори, кўк, бинафша ранг ва оқ бўёқларгина ишлатилган. Сирлар ғоят тоза ва тиниқ мақбаранинг безаклари геометрик фигуралар, ўсимлик новдалари, нақшинкор қилиб ёзилган сўзлар ва бошқалардан иборат. Ўша замонда пештоқ ҳам қурилган, аммо у бинодан алоҳида бўлган. Мақбара пештоқи ҳам кошин билан яхши безатилган. Уларнинг ранг-баранг безаклари таҳсинга сазовор даражада жозибали.

Жума номози ўқиладиган Масжиди Қалон масжиди 1514 йилда қурилган. У катталиги жиҳатидан Самарқанддаги Бибиҳоним масжидидан кейин иккинчи ўринда туради. Қалон масжиди аслида XII асрдаги эски масжид ўрнига қурилган бўлиб, XV асрда қад кўтарган. 1514 йилда масжид қуриб битказилган. У бадий безаклари билан темурийлар даврининг анъаналарини акс эттиради ва Улуғбек мадрасасидаги нақшларга ўхшайди.

Масжид тўғри тўртбурчак шаклида ҳовлиси бўлган очиқ масжидлар турига киради. Асосий бинонинг ғарбий деворида нақшиндор меҳроб, ўймакор баланд пештоқ ва ички гумбази бор. Гумбаз тепасидаги баланд нақшиндор ташқи гумбаз шаҳардаги барча бинолардан баланд бўлиб, Бухорода салобат тўкиб турибди.

Масжиди Қалоннинг етти эшиги бор. Асосий, шарқий эшиги олдида ва ичида кенг айвонлар бор.

Масжиднинг умумий майдони 127×78 метрли ўлчам-

да бўлиб, бир гектар келади. Ҳовли галереяси 288 қубба билан қопланган, уларни 200 устун кўтариб турибди. Масжидга 10 мингга яқин киши сиғади. Номозхонлар ҳовли ва галерияда саф тортиб намоз ўқиганлар.

Бу ёдгорликдаги сирлар ва сопол устидаги ўймакорлик ўзининг тозалиги ва нафислиги жиҳатидан Самарқанддаги Шохизинда мақбарасидаги сир ва ўймакорликдан афзал, деган фикрни В. А. Шишкин таъкидлайди. 1926 йилда мақбара таъмирланиб қайта тикланган. Кейинчалик унинг баланд супа устига қурилгани аниқланди.

Мир Араб мадрасаси — 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган бўлиб, иккита гумбази билан атрофдаги бинолардан ажралиб туради. Улардан бири Шимолий гумбаз тикланган (ярим мовий кошин билан қопланган) Жанубий гумбаз эса безатилмаган. Мадраса Минораи Калон ва Масжиди Калон билан бирга бир бутун архитектура ёдгорлигининг ансамбли бўлиб, шаҳарнинг улугвор қисмини ташкил этади («Бухоро форуми»).

Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан кирилади. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Фақат дарсхона ўрнида гўрхона бор. Бу ерга яманлик шайх Абдулла ва унинг қариндошлари дафн қилинган. Гўрхона дабдабали қилиб безатилган. Мадрасанинг номи ҳам шу шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг лақабига тақлидан Мир Араб мадрасаси деб аталган. Панеллари ранг-баранг кошин билан, деворлари ва шипи ўймакор, ганч билан безатилган. Сағаналар орасида Мир Арабнинг шогирди Убайдуллахоннинг (шайбонийлардан) сағанаси ажралиб туради. У устозининг оёқ томонига дафн этилган.

Мадраса ҳовлисининг чор атрофини икки қаватли хужралар ўраб туради, хужралар қаторини тўртта пештоқ ажратиб турибди. Бир вақтлар пештоқлар жуда баланд бўлган. Лойиҳаси жиҳатидан қизиқарли нақшшндор жанубий пештоқнинг дастлабки қиёфаси сақланиб қолган. Бу нақшларнинг орасида юлдузсимон безаклар учрайди. Нақшларнинг бундай мазмуни Мир Араб мадрасасини Улуғбек мадрасасига яқин қилиб қўяди, холбуки Мир Араб мадрасаси Улуғбек мадрасасидан кейин бир асрдан кўпроқ вақт ўтгач қурилган.

Шаҳарнинг ғарбий қисмида Сомоний номидаги маданият ва истироҳат боғи дарвозасининг чап томонида

бир-бирига рўпара турган иккита катта мадраса бор. Қўш мадраса Бухородаги ҳашаматли архитектура комплексларидан биридир. Бу мадрасалар Улуғбек мадрасасига қарама-қарши ўлароқ, қатъий бир услубда қурилган. Шарқий томондаги 1566 йилда барпо этилган Модарихон мадрасаси ғарбий томондаги Абдуллахон мадрасасига нисбатан 22 йил илгари қурилган. Шундай қилиб, бу ҳар иккала ёдгорлик ҳам ҳашаматли бинолар қад кўтарган даврга, Абдуллахон даврига тааллуқлидир.

Модарихон мадрасасининг ҳажми кичикроқ, безаклари соддароқдир. Абдуллахон мадрасаси каттароқ, аynиқса унинг сал қийшайган баланд олд пештоқи серҳашаматлидир. Ғарбий томондаги мадраса орқасида ички галереяли ёпиқ ҳовли бор. Бухородаги бошқа бирорта мадрасада бундай ҳовли йўқ, унинг эшик табақалари Қўкалдош эшигига ўхшатиб тахта пилакчаларидан ясалган.

Тим ва тоқилар. Шайбонийлар сулоласи идора қилган даврда Бухорода шаҳар савдосига алоқадор бинолар қурила бошланди. XVI асрда қурилган савдо иншоотлари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бухорода энг йирик савдо иншоотларидан тўрттаси: Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Саррофон ва Абдуллахон тимн сақланиб қолган.

Тоқилар Шаҳристоннинг Лабиҳовуз майдонидан Регистон майдонигача борадиган асосий савдо кўчасидаги чорраҳаларда қурилган.

ҚУКАЛДОШ МАДРАСАСИ

Қўкалдош мадрасаси 1568—1569 йилларда Бухоро амирининг вазири Қуолбобо Қўкалдош қурдирган 2 қаватли бино бўлиб, Бухоро шаҳридаги Лабиҳовуз ансамблига кирувчи архитектура ёдгорликларидан биридир. Ансамблдаги энг катта иморат Қўкалдош мадрасаси очиқ майдонда, тўғри тўртбурчак шаклида қурилган. Меъморлар мадрасанинг узоқдан кўзга ташланишини назарда тутиб, 2 қават баландлигида қатор равоқлар қурганлар. Мадрасанинг олд томони пештоқли бўлиб, ансамбль майдонига қаратилган. Пештоқни безатиб турган кошинлар ҳозиргача сақланмаган. Пештоқдаги эшикка чарих ва ислимий нақшлар ишланган. Мих қоқмай, «тирно» қилиб маҳкамланган пилакчалардан

ясалган эшик яхлит тахтадан тайёрлангандек кўринади. Мадраса ҳовлисига бир неча ҳонадан ўтиб борилади. Хоналарнинг гумбазлари пишиқ ишланган ва чиройли безатилган. Шу туфайли гумбазлар конструкцияси яққол ажралиб туради. Мадраса ҳовлиси узун, ундаги янги иморат 1929 йилда қўрилган. Ҳовли томондаги икки қаватли равоқлар қаторини юзма-юз қилиб солинган баланд айвонлар ажратиб туради. Ҳар бир равоқдан алоҳида ҳужрага кирилади. Бино олд томонининг безак-нақшларида сиркор кошин муҳим ўрин эгаллайди. Равоқлар тепасини ва баъзи дарчалар панжараларини безатишда кошин анча тежаб ишлатилган¹.

Бино олд томонининг безак-нақшларида сиркор кошин муҳим ўрин эгаллайди. Мадрасанинг 160 ҳужраси бор.

Миёнахона (йўлак)нинг нақш қуббалари ўз конструкцияси билан ҳаммани қизиқтиради. Улар қўйма ганч равоқлардан хилма-хил комбинацияда ясалган. Ҳовлидаги шимолий пештоқ ганчга ёпиштирилган сиркор бўлаклар билан безатилган. Бу кўк, яшил ва оқ безаклар ўсимликларни тасвирлайди.

Мадрасанинг эшиги алоҳида эътиборга сазовордир. Эшик табақалари ёғоч пилакчалардан йиғилиб, елим ва михсиз чўп пона билан бириктирилган, тахта пилакчаларга нозик ва майда ўймакор гул солинган.

Мадраса тузилиши жиҳатидан катта қизиқиш туғдиради. Мадрасаларнинг ташқи деворлари одатда яхлит бўлади, бу мадрасанинг эса очиқ айвончали болохоналари бўлган ва улар яхши безатилган. Болохоналарни қуришдан мақсад мадраса атрофида очиқ майдон қолдириш эди. Аммо орадан кўп ўтмай, бу ерга иморатлар қурилиб, мадрасага ҳусн бериб турган безагининг аҳамияти қолмаган.

Нодир Девонбеги мадрасаси 1622 йил қад кўтарган. У карвонсарой сифатида қурила бошлаган бўлса-да, кейин қурилиш давомида мадрасага айлантирилган. Шунинг учун ҳам унинг қурилиш режаси оддий мадрасалар режасига ўхшамайди ва масжид билан дарсхонаси йўқ бўлиб, бир вақтлар парвоз қилаётган лайлаклар ва шаталоқ отиб чопаётган оҳулар билан безатилган экан.

Қадимий Бухорода савдо майдонлари кўп бўлган. Улардан бири Лабиҳовуз (XVII аср) ҳозиргача сақла-

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. 6- том. Тошкент, 1975. 208- бет

ниб қолган. Бу майдон шу ердаги катта (узунлиги 42 метр, эни 36 метр, чуқурлиги 5 метр чамаси) ҳовуз атрофида бўлганлиги туфайли Лабиҳовуз деб аталган. Бу ҳовуз катта майдоннинг ўртасидадир. У 1620 йилда қазилган. Майдоннинг тўрт томони ҳашаматли архитектура иншоотлари билан ўраб олинган. Ғарбий томонда Девонбеги хонақоси (Лабиҳовуз масжиди), шарқий томонда Девонбеги мадрасаси, шимолий томонда Кўкалдош мадрасаси жойлашган.

Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб турган даврда, XVII асрнинг 20-йилларида қурилган дастлабки икки ёдгорлик айниқса сернақш ва серҳашамдир. Уша даврда Лабиҳовуз майдони архитектура жиҳатидан безатилиб бўлган эди. Бу ерда шаҳардаги тоқиларнинг ҳаммасини бир-бири билан боғловчи савдо кўчаси бошларди.

Девонбеги хонақосининг олд томони Лабиҳовуз сувида ойнадек акс этиб туради. Шунинг учун бу ёдгорликни Лабиҳовуз деб ҳам атайдилар.

1652 йилда бунёд этилган Абдулазизхон мадрасаси бадий безакларга бой бўлиб, ўз аҳамияти жиҳатидан Ўрта Осиё архитектурасида алоҳида ўрин тутди.

Бу бино Улуғбек мадрасаси рўпарасида қурилиб, уларнинг иккаласи бутун бир архитектура ансамблини ташкил этади. Бу ҳар икки ёдгорлик қурилиши ўртасида икки асрдан ошиқ вақт ўтган бўлса ҳам, улар нафис архитектураси ва безатишлари жиҳатидан гўё бир-бирига рақобат қилаётгандек кўринади. Агар Улуғбек мадрасаси нақшларининг бир-бирига уйғунлиги, жиддийлиги, шунингдек сипологи билан ажралиб турса, Абдулазизхон мадрасасида бу уйғунликдан асар ҳам йўқ, унинг безаклари йирик, дабдабали, серҳашамдир. Темурийлар даврида бир хил дид бўлса, аштархонийлар даврида бошқача бўлган.

Абдулазизхон мадрасасининг пештоқи баландлиги ва ташқи нақшларининг бойлиги билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Улуғбек мадрасасининг айвонида аста-секин пасайиб борган учта равоқ бўлса, Абдулазизхон мадрасасининг айвони кўп ёқли бўлиб, хилма-хил нақшлар ва муқарнас билан безатилган. Унинг деворларига қуръон оятлари эмас, балки дунёвий шоирларнинг ғазаллари битилган.

Абдулазизхон мадрасасида оддий геометрик, юлдузсимон ва ўсимликларни тасвирлайдиган безаклар ўрни-

га анча мураккаб ва хилма-хил нақшлар кўзга ташланади. Бу ерда аждар ва семуруғ қушнинг сурати бор. Ранг-баранг сирлар орасида сариқ рангда кошнлар кўринади. Ҳовли ва бино деворларида бадий безатишнинг ҳамма турларини, чунончи, ўймакорликни, сирли ва бўртма кошнларни, ўйиб безатилган мармар ганч ва зарҳал («кундал»)ни, сувоқ устидан елимли бўёқлар билан ишланган нақшларни кўриш мумкин.

Мадрасада икки масжид — ҳовлида ёзги, дарвоза йўлагининг ғарбий бурчагида қишки масжид бор. Иккала масжиднинг ҳам деворларига кўк ранг билан чизилган жанрли суратлар алоҳида эътиборга сазовордир. Бу суратларда дарахт ва шийпон манзаралари акс эттирилган. Ёдгорликни безатиш ишлари чала қолган (чап томонидаги фасадида ва ҳовлининг ўнг томонидаги ярмисида безаклар йўқ), чунки Абдулазизхон сафарга жўнагандан кейин, Бухорода сиёсий галаён бошланиб, хон тахтидан туширилган.

Мадраса халқ меъмори уста Ширин Муродов иштирокида 1930 йилда тамомила қайтадан тикланган.

Болоҳовуз масжиди томонлари 11,5 метр ўлчамдаги квадрат шаклидаги бино.

Болоҳовуз масжидининг катта гумбазли масжиди 1712 йили, ҳовли ва ҳужралари 19 асрда, айвони 1915—1917 йилларда, масжид ёнидаги алоҳида турувчи минора ҳам шу йилларда уста Ширин Муродов ва уста Хафизовлар тмоонида қурилган. Болоҳовуз масжиди қалқонсимон ва мураккаб рельефлар билан безатилган. Меҳробга нафис нақшлар ишланган. Ганч сувоқли пештоқ масчитнинг шарқ томонида бўлиб, бўғот ости ганч нақш билан безатилган, шифти қандилли. Пештоқнинг ён томонига икки қаватли баланд токчали ҳужралар қурилган. Болоҳовуз масжидининг йнгирмата баланд ва ингичка ёғоч устунли айвони бор. Айвоннинг ён деворларидаги токчалари нақшлар билан безатилган. Болоҳовуз масжидида жума намози ўқилган. Шунинг учун ҳам масжиднинг айвони ва қандил осилган шипи айниқса серҳашам. Регистон майдони томонидан Болоҳовуз масжидига қаралса, пешайвони, майдон ёнбошидаги кичкина минораси ва ҳовуз кишида ажойиб таассурот қолдиради¹.

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. II том, 348-бет.

АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИ

Абдулазизхон мадрасаси — 1652 йилда меъмор Мим-хоқон ибн Хўжа Муҳаммад Амин раҳбарлигида бунёд этилиб, тузилиши жиҳатдан оддий; ҳужралари икки ошёнли. Чорси ҳовлининг ҳар тарафи ўртасида пештоқли айвон бор. Умуман мадраса безаклари юксак санъат ва маҳорат билан ишланган. Катта пештоқ нодир кошин ва нақшлар билан зийнатланган. Ислимий нақшлар қаторида афсонавий жониворлар тасвири ҳам берилган. Мадраса ҳужралари айниқса жанубий айвон пештоқи турли-туман нақшлар билан безатилган. Гумбаз шипининг ганчли муқаднаслари орасида ислимий нақшлар ва зарҳаллик беағи бор. Деворларида табиат манзаралари ва иморатлар тасвири ҳам учрайди. Нақшлари асосан мовий ранг бўёқлар билан чизилган Абдулазизхон мадрасаси 17 аср Бухоро манументал архитектурасининг етук намунасидир¹.

АБДУЛЛОХОН МАДРАСАСИ

Абдуллохон мадрасаси Бухородаги қўш мадраса архитектура ансамблининг шимолий қисмида жойлашган бино бўлиб, Абдуллохон II фармонига биноан 1583—1590 йиллар давомида исму шарфи номаълум меъмор раҳбарлигида қурилган. Лойиҳа тузилиши жиҳатдан одатдаги мадрасалардан анча фарқ қилади. Ҳовли атрофини икки ашёнли ҳужралар ўраб туради. Ҳар икки томонида баланд пештоқ жойлашган. Пештоқлар орқали ичкари хоналар ва хонақоҳга ўтилади. Мадрасанинг катта пештоқи жанубга қараган. Пештоқ қанотлари ва гулдасталар сиркор безаклар билан пардозланган. Дарвозадан ўтиб, икки ёқдаги катта хоналар — дарсхона ва масжитга кирилади. Мадрасани қуришда мураккаб гумбаз ва безаклар қўлланилган дарвоза хотамкорий услубининг ноёб намунаси — гирех шакли майда ёғоч парчаалардан терилган².

АБДУЛЛАХОН БАНДИ

Абдуллахон Банди 16 асрнинг 80-йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II (1557—1598 йиллар) нинг фармонига биноан қурилган. Қадимги сув омбори бу

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. I том, 32-бет.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси. I том, 30-бет.

иншоот қолдиқлари Самарқанд область Нурота райони-дан 65 км шарқда, эски Оқчоп қишлоғи яқинидаги Бекларсой дарасида ҳозиргача сақланган 1957—1962 йилларда Ўзбекистон фанлар Академияси Тарих ва археология олийгоҳи Махондарё археологик отряди томонидан текширилган Абдуллахон Бандининг тўғони сланес тошларидан қурилиб, тош палахсалари сувга чидамли махсус ганч қоришмаси билан бириктирилган. Тўғонларнинг узунлиги асосида 73 метр, юқорида 85 метр, баландлиги 14,5 метр.

Абдуллахон банди зинапоя шаклида қурилган. Бунда сув босими ҳамда унинг кучи ҳисобга олинган ҳолда тўғон асосининг қалинлиги 15,3 м, устки қисми 4,5 м қилиниб, зинапоя шаклида қурилган. Тўғон олдида ҳосил бўлган сув омборининг узунлиги 1,5 км, эни 75—125 м. Абдуллохон бандига тахминан 1,2 млн кубометр сув тўпланган¹.

БОЛОҲОВУЗ МАСЖИТИ

Болоҳовуз масжити Арк қаршисида бўлиб 1712 йилда қурилган. Масжитнинг ҳужралари ва 20 баланд айвони бор. Унда бир вақтлар шаҳарнинг жума номози ўқилган. Амир Бухорога келган вақтларда шу масжитга кириб намоз ўқиган. Амир келганда Аркдан масжидга гиламлар тўшалган, шунинг учун ҳам масжитнинг айвони, яшил чироқ осилган шипи айниқса серҳашам қилиб безатилган. Икки йилдан кейин аркда қурилган Жомий масжитини бадийий жиҳатдан безаган усталар бу масжитни ҳам безаганлар.

Болоҳовуз масжидида регистон майдонидан қаралса, унинг пешайвони, майдон ёнбошидаги кичкина минораси ва ўртасидаги кичкина чуқур ҳовуз кишида ажойиб таассурот қолдиради. Қўш мадрасадан жанубда замонавий бинолар қурилиши учун олиб борилаётган жойда унчалик катта бўлмаган 16-асрда қурилган Баланд масжити қад кўтариб турибди. «Баланд» номи масжитнинг қишки биноси билан ёғоч устунли айвони жойлашган пойдевори баланд бўлганлиги учун берилган. Ёдгорлик ташқи кўриниши жиҳатдан Бухоронинг сўнгги гузар масжитларидан сира фарқ қилмайди. Иморатнинг барча архитектура бойлиги ҳозирги пайтда унинг ички томони ҳисобланади.

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. I том, 30-бет.

Олтин суви югуртирилган нафис гулли ялтироқ каткача, тош тахталардан иборат баланд оч-яшил панел кишини завқлантиради. Деворлар ромчалар билан манзарали деворий пештоқчаларга ажратилган ва уларга «кундал» услубидаги олтинга бой ҳамда чиройли шакллари хилма-хил нақшлар билан яхлит қопланган тўртбурчакли панолар ишланган. Бу серҳашам ўсимлик суратидаги безак 16 асрнинг «гулдор» гиламларига жуда ўхшайди.

18 асрда қурилган иншоотлардан яна бири Зиндондир. Манғитлар сулоласи ҳокимиятни қўлга олгандан кейин аҳолини эксплуатация қилиш кучайди, катта шаҳарларда зиндонлар қурила бошланади. 18 аср охирида Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий бурчагидаги тепаликда Бухоро зиндони қурилади. Бино кўримсиз бўлиб, баланд ғишт бино билан гир айлантириб олинган. Шимолий томондаги пойдеворда тошларни кўриш мумкин. Улар эҳтимол шаҳристондаги қадимий истехком қолдиқлари бўлса керак.

Зиндонга жанубий девордаги пастак пештоқдан кирилади. Кичкина ҳовли икки қанотли тош бинога олиб боради. Унг қанотнинг бошидаги ҳонага қарзини узолмаган кишилар қамалган. У билан ёнма-ён ер остида яна учта катта хона бўлган. Уларнинг 2 таси кенг, Арк билан бирлашган. Бу хоналарда гумбазнинг темир панжарали дарчаларидан ёруғ тушади. Қираверишдаги эшикка темир тасмалар қоқилган бўлиб, 2-хонага фақат энгашиб кириш мумкин. Бу ерда кишанланган маҳбуслар азоб чекиб ётганлар. Бинонинг чап қанотидаги 4-хона кишида жуда оғир таассурот қолдиради. У қоровулхона орқасидаги 5 метрлик чуқур ертўладир. Ер устидаги қисми дарчали қубба, ертўлага полдаги катта тешикдан тушилади. Бандиларга овқат ҳам шу тешикдан туширилади. Бу ертўлага туширилган бандилар тириклайин дафн қилинган кишилар қабилида эди. Зиндон ҳовлисида маҳбуслар (пири)нинг қабри ҳамда зиндоннинг шарқий ва шимолий томонларидан ўтиладиган тор йўлак бор. Ҳозирги вақтда зиндонга Бухоро ўлкашунослик музей-қўриқхонасининг анжомлари қўйилган. Бандиларга ўхшатиб турли вазиятда қўйилган маникентлар бу мудҳиш амир зиндони ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

1807 йилда бадавлат тукман ҳалифаси Ниёзқул томонидан қурдирилган мадраса. Композицияси анъанавий ҳовли ва атрофида бир қаватли ҳужралардан иборат. Жануби-ғарбий томонидаги бурчакда синчли мачит жойлашган. Бинонинг кириш томонига ишланган дарвозахонаси диққатга сазовор. У квадрат тарзда бўлиб, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган. Олд томонида пештоқи бор. Бино икки қаватли бўлиб, пастки қавати мадрасага кириш учун йўлак вазифасини бажарса, тепадаги қават кутубхона дейилган. Тепаси гумбазли, бу хонага жануби-ғарбий минора ичидаги зинадан чиқилади. Чор минор содда архитектураси ҳамда ажойиб композицияси билан XIX аср меъморлигида оригинал кўринишга эга¹. XIX асрда қурилган машҳур меъморчилик ёдгорликларидан яна бири Ситораи моҳи-Ҳоса саройидир.

Ситораи Моҳи-Ҳоса саройлари шаҳардан 4 километр нарида. Шимол томонда 2 та сарой бор. Улардан бири Бухоронинг энг охирги амири Саид Олимхон саройидир. Бу сарой «Г» ҳарфи шаклида қурилган бир қаватли бинодир. Унинг ўртасида фонтанли ҳовли бор. Саройнинг ташқи деворларига бўртма ганч нақшлар солинган, том четига нақшинкор гуллар билан безатилган кунгирли панжара қўйилган. Саройнинг ички хоналари орасида ранг-баранг дарчали ёзлик хона, деворлари икки ёққа суриладиган ошхона, вазирларни қабул қиладиган хона бор. Бу хона тухумга қорилган ранг-баранг бўёқлар билан безатилган. Хонани безаш ишларини халқ устаси Ҳасанжон бажарган. Деворлари ойнали ва ганч нақш берилган кўркам катта оқ уй (халқ меъмори Уста Ширин Муродов ижоди) айниқса диққатга сазовордир.

Саройнинг барча икир-чикирларида кейинги вақтларда оврупаликларга хос услуб таъсир этгани сезилди. Амир саройни безаттиришда оврупа архитектурасига тақлид қилган. Буларнинг ҳаммаси бинони ва боғни режалаштиришда, безатишда, шийпон, айвон ва бошқаларда очиқ кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда Ситораи Моҳи-Ҳосага Бухоро область ўлкашунослик музейи бўлимининг анжомлари жойлаштирилган. Сарой майдонида санаторий очилган. Ситораи Моҳи-Ҳосада Амирнинг

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси 12- том, 572- бет.

отаси Аҳад қурдирган иккинчи сарой ҳам бор. Бу бино сарой ҳаётининг ёдгорлиги бўлиб, тамомила бошқача режалаштирилган ва безатилган. Сарой деворлари елим-ли сир билан безатилган ва ганчга ўйилиб ясалган нақшлари кишиларни ҳайратга солади. Унинг бадий безак ишларида қадимий ўзбек миллий услуби сезилиб турибди. Дастлабки иморатлар амир Насрулло ҳукмронлиги даврида (1826—1860 йй) қурилган. Бироқ бу ерда сарой ва хушманзара боғ барпо этиш амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида (1885—1910 йиллар) бошланган.

Деҳқонлар ва амир аскарлари кучи билан ботқоқлик қуритилиб, чорбоғ бунёд этилган. Сарой Оврупа ва Исфахон саройлари ҳамда Бухоро Арки негизда қурилган. Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида 1910—1920 йилларда янги сарой тикланган. Бу ердаги энг эски хона Амир Музаффархон меҳмонхонасидир. У кенг ва баланд катта уйи, томонидаги болохонали айвонлари, Оврупача эшик ва деразалари билан ажралиб туради.

Уч қисмга бўлинган Абдулаҳад меҳмонхонаси бошқачароқ ишланган. Эски Ситораи Моҳи-Хосанинг шарқида Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида қурилган бош қароргоҳ алоҳида бадий қимматга эга. Унга кошин ва рангли шиша билан безатилган муҳташам тоқли дарвоза орқали кирилади. Қираверишда ташқи ҳовли унинг жануби-ғарбий томонида кичик ҳовлили хазинахона, жануби шарқида ҳарамга кирадиган дарвоза. Ҳарам боғнинг тўрида бўлиб, кичик ҳовлиси ва ҳовузчаси бор. Атрофи баланд иморатлар билан ўралган. Янги сарой «П» ҳарфи шаклида қурилган. Сарой режасида, безак ва жиҳозларида Шарқ ва оврупача услублар уйғунлашган. Сарой архитектурасида 1917—1918 йилларда қурилган мармар зинали ҳовуз аҳамиятга эгадир. Бош қароргоҳ олдида нуроталик сангтарош уста Абдурахим Турдиев мармарларни ишлаган. 2 та шер ҳайкали ўрнатилган. Бу ердаги кўп хоналар амир саройида ишлаган рус усталари иштирокида қурилган. Фақат 2 та катта уй — оқ уй ва қабулхона маҳаллий усталар томонидан қурилган. Оқ уй безаклари Уста Ширин Мўродов раҳбарлигида икки йил давомида бажарилган. Қабулхонани наққош Хасанжон беаган. Яна бу ерда ёғоч ўймакор уста Шариф меъмор Абдурахим Ҳаётов ва бошқалар ҳам ишлаганлар¹.

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси 10- том, 36- бет, 1978 йил.

ХУЛОСА

Тарихий ва маданий ёдгорликлар меъморчилигининг қадимийлиги ва кўплиги жиҳатдан бутун Шарқда тенги йўқ Бухоро тарихи жумҳуриятимиз тарихининг бир қисми бўлиб, унинг энг қадимги даврларидан Улуғ Октябрь инқилобига қадар босиб ўтган йўлида тараққиёт пиллапоялари билан биргаликда ўзига хос қийинчиликлар, қарама-қаршиликлар юзага келди. Шаҳар меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли улар бартараф этилиб, иқтисодий жиҳатдан юксала борган, ўзининг асори-атиқалари билан ҳаммани ҳайратда қолдирадиган азим шаҳар бунёд этилди.

Чет эл босқинчиларининг қирғинбарот ҳужумлари ва иқтисодий ҳамлаларига қарамай шаҳарда ҳаёт қайнади. Бухоро Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг юксалишнинг янги босқичига қадам қўйди.

Аммо мамлакатда бошланган маъмурий буйруқбозликдан иборат яроқсиз бошқарув усули ҳамда Сталин шахсига сиғиниш йиллари ва турғунлик йилларида Бухоро шаҳридаги асори-атиқаларни авайлаб-асраш аждодларимиз биз ва келажак авлод учун мерос қилиб қолдирган бу тарихий ёдгорликларни таъмирлашга эътибор сусайиб кетди. Шуниси ачинарлики, бутун башарият билган ва зиёрат қилишга интиланган бу ёдгорликларгина эмас, қадимий шаҳарнинг кўпгина гузар ва расталари ҳам ниҳоятда ночор аҳволда. Ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларининг миқёси ва сифатли талаб даражасида эмас.

Ҳозирги қайта қуриш даври шуни тақозо қиладики, Бухорода тарихий ва миллий қадриятларнинг қайта тикланиши бўйича бошланган ишлар янада жонлантирилиши, қадимий ва навқирон Бухоронинг шон-шухратини янада мустаҳкамлашга янги-янги истиқболлар очган бўлур эди.

Шаҳарда кейинги йилларда 20 дан ортиқ йирик замонавий саноат корхоналари, ёғочсозлик, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари қурилди ва ишга туширилди. Улар вилоят саноат маҳсулотининг 1,3 қисмини бермоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг 92 фоизи маҳаллий хом ашёда ишламоқда. Мамлакатда энг йирик қоракўл тери заводи, пойабзал, йигирув, тикувчилик, шойи тўқиш, зардўзлик, пиллакашлик фабрикалари, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, вино, гишт, мотор ремонт заводалари, ун ва нон, гўшт комбинатлари ишлаб турибди.

Шаҳарда жумҳуриятда газ ва нефть қудуқларини ишга солишда ремонт ишларини бажарадиган, ускуналадиган ва уларга эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган механика заводи қурилди. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонт-механика заводи, йирик панелли уй-жой комбинати, асфальт-битум заводи, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналар бор.

Шаҳарда табиий газ ва нефть асосида ишлайдиган турли корхоналарнинг қурилиши оғир саноатни юксалтириш имконини берди. Шаҳарда савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари кенгайди.

Шаҳарни Ф. Хўжаев номли Бухоро давлат дорилмуаллимнинг комплекс биноси, Советлар уйи, вилоят фирқа қўмитаси биноси, «Бухоро», «Варахша», «Зарафшон» ва «Гулистон» меҳмонхоналарининг муҳташам бинолари безаб турибди.

Шаҳарда 1930 йилда ташкил этилган Бухоро давлат дорилмуаллимини ёнига янги-янги олийгоҳларнинг, масалан, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ҳамда Бухоро тиббиёт олийгоҳларининг кўшилиши, бир неча техникум ва билим юртларининг иш олиб бораётгани шаҳарнинг илмий ва маданий марказ сифатидаги ролини ошириб бормоқда. Шаҳарда 40 дан ортиқ даволаш муассасалари ишлаб турибди.

Шаҳарда, шунингдек, тарих-ўлкашунослик музей-қўриқхонаси, Союз НИХИ нинг зонал комплекс тажриба станцияси, Абу Али ибн Сино номидаги вилоят халқ кутубхонаси ва яна кўплаб кутубхона, клуб, кинотеатрлар, вилоят музика ва драма театри, радио ва телестудия ишлаб турибди. Сомонийлар номидаги маданият ва истироҳат боғи ва бошқалар шаҳар меҳнаткашларининг чинакам сайлгоҳига айланган.

МУНДАРИЖА

1. Кириш	3
2. Бухоро тарихини ўрганиш манбаларига қисқача тавсиф	4
3. Энг қадимги давр тарихидан лавҳалар	9
4. Араблар истилоси	16
5. Сомонийлар ҳукмронлиги даври	30
6. Қорахонийлар ва садрлар ҳукмронлиги даври	43
7. Мўғуллар истилоси	47
8. Темур ва темурийлар империяси даврида	57
9. Шайбонийлар ҳукмронлиги даври	64
10. Аштархонийлар ҳукмронлиги	69
11. Манғитлар ҳукмронлиги	83
12. Чоризм истилоси	101
13. XX аср бошларида Бухоро	119
14. Шаҳарнинг тарихий меъморчилик обидалари	120
15. Хулоса	142

На узбекском языке

БАРАКАЕВ ДЖУРА
ХАЙДАРОВ ЮЛДАШ ХАЗРАТОВИЧ

ИСТОРИЯ БУХАРЫ

Пособие для учителей истории общеобразовательных школ

Ташкент «Ўқитувчи» 1991

Муҳаррир Р. Мирҳолиқов
Бадний муҳаррир А. Шмаков
Техник муҳаррир Т. Грешников
Мусаҳҳиҳ М. Минахмедова

Н/К

Теришга берилди 10.04.91. Босишга руҳсат этилди 25.07.91. Формати 84×108¹/₃₂.
Тип. қоғози № 1. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида
босилди. Шартли б.л. 7,56. Шартли кр.отт. 7,56. Нашр. л. 7,01. Тиражи 3000.
Зак 2408. Баҳоси 2с.40т.

Ўқитувчи нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07-112-91.

Ўзбекистон ССР матбуот давлат комитети Тошкент полиграфия комбинати. Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. 1991.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета УзССР по печати. Ташкент,
ул. Навои, 30